

Александр Сергеевич  
ПУШКИН

ЭССАМДА ЧИЗДИК



821.161.1-1 2016/85  
3094  
17-96 Шумкин А.С.  
Жидоразд  
нб зал хол  
450.00.  
7.19

2016/83  
3094





← ( ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДЮНАЛАРИ ) →

Александр Сергеевич  
ПУШКИН

ЭСИМДАДИР АЖИБ  
ДАМ ҲАЛИ



ТОШКЕНТ – «О'ЗБЕКИСТОН» – 2012

УДК: 821.161.1-1  
ББК 84(2 Рес-Рус)1  
П 96

Тўпловчи, сўз боши ва изохлар муаллифи

Эргаш ОЧИЛОВ,  
*филология фанлари номзоди*

ISBN 978-9943-01-759-7

Publisher Navoiy  
nomzodagi

2016/83

3084

O'zbekiston MK

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012

## ПУШКИН ДАХОСИ

Рус адабиётининг дахоси Александр Сергеевич Пушкин 1799 йил 6 июнда Москвада туғилган. Отаси – истеъфодаги майор Сергей Львович Пушкин адабиётга қизикар, шеърлар ҳам ёзар, амакиси Василий Львович Пушкин эса таникли шоир эди. Н.М. Карамзин, И.И. Дмитриев, В.А. Жуковский каби ўша даврининг машҳур шоир-ёзувчилари бу хонадонда меҳмон бўлиб, шеърият ҳақида қизикарли сұхбатлар қуришар, шеърлар ўкишарди. Бундай мухит, ўз-ўзидан ёш Сашага таъсир ўтказмай қолмади. Албатта, унинг юрагида бадиий сўзга муҳаббат уйғонишида ҳалк оғзаки ижодини яхши билган энагаси Арина Радионовнанинг ҳам хизмати катта. Укасининг айтишича, у саккиз ёшидаёк ўзининг мураббийларига бағишлиб қисқа-қисқа ҳажвий шеърлар тўкиган. Отасининг рус ва француз адибларининг асарларига бой кутубхонаси ҳам Пушкиннинг дунёкараши кенг шоир ва ўз даврининг маърифатли зиёлиси бўлиб етишишида катта омил бўлди.

Петербург яқинидаги жойлашган ўша замоннинг энг илғор ўқув даргоҳларидан бўлган Царское Село даги юқори табақаларининг болалари учун очилган лицейда таҳсил олган йиллари (1811–1817)

униш ватаншарвар инсон ва исёнкор шоир ўларок шаклланишида катта роль ўйнади. Эркин фикр ва мухолифатнинг илк ўчокларидан бири бўлган лицейдаги жўшқин хаёт ундаги хурфикрлиликни кучайтирди. У лицейда ўқиб юрган давридаёқ шоир сифатида танилган – юздан ортик шеър ва икки достон ёзган. «Шоир дўстимга» деган илк шеъри 1814 йили «Вестник Европы» журналида босилиб чиқади. Шу илк шеъридаёқ у ўзининг адабий маслагини баён этиб, яхши шеър албаттга ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши керак деган талабни илгари сурди. Ўзижодини ватан тарихи ва ҳалқ тақдиридан айри холда тасаввур килолмаган шоир кейинчалик – 1825 йили «Илиада» таржимони И.И. Гнедичга: «Шоир ҳалқ тарихининг ифодачиси бўлиши лозим». – деб ёзган эди. Зоро, Ўзбекистон ҳалқ шоир Абдулла Орипов айтганидек, «ижтимоийликдан воз кечиб бўлмайди», факат «ижтимоий мавзуларни ҳам қалбдан ўтказиб» шеърга солиш жоиз<sup>1</sup>.

Лицей билан хайрлашув кечасига бағишлиланган шеъри унда катнашган оқсокол адиб Державиннинг юксак баҳосига сазовор бўлади – у Пушкиннинг келажакда катта шоир бўлиб етишишини башорат қиласиди.

Жамиятда уйғониб келаётган эркесварлик кайфияти таъсирида кўплаб исёнкор шеърлар

<sup>1</sup> Орипов А. Танланган асарлар. 4-жилд (Киносценарий, мақолалар, сұхбатлар, хотиралар, қайдлар). Тошкент, Faafur Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001, 270-бет.

яратган ёш шоир классицизмнинг котиб қолган қолипларига тараккиёт боскичига кўтарди – унинг келгуси тараккиёт йўлларини белгилаб берди. «Рус шеърияти аслида Пушкиндан бошлианди, – деган эди шунинг учун ҳам улуғ рус мунаккиди В.Г. Белинский. – ...Пушкин санъаткор сифатида биринчи рус шоири эди»<sup>1</sup>. Унинг айниқса, ижтимоний-сиёсий руҳдаги шеърлари машхур бўлиб, кўлдан-кўлга ўтиб ўқиларди. У ўз шеърлари билан дворянлар инқилобининг оташин жарчиси сифатида майдонга чиқди.

Пушкин рус романтик достончилигига ҳам асос солувчилардан бири бўлди. Ҳурриятпарварлик руҳи билан сугорилган «Руслан ва Людмила» достони (1820) жамиятда кучли акс садо бериб, катта шухрат қозонди. Шоирлар унга эргашиб асарлар ёза бошладилар. У рус адабиётига бурилиш ясовчи улкан истеъдод кириб келаётганидан далолат ҳам берар эди. Буни эътироф этган Жуковский ўз суратига: «Маглуб устоздан ғолиб шогирдга» деган дастхат ёзиб, Пушкинга тортиқ қиласди.

Жасоратли шоирнинг Россиядаги жаҳолат ва колокликни, мустабид тузум ва зулму зўрликни фош этувчи исёнкор шеърлари, хусусан, унинг «Яшил чирок» тўгарагида иштирок этиши Александр I ни нихоятда ғазаблантиради ва подшоҳ

<sup>1</sup> Белинский В.Г.: Танланган асарлар. Тошкент, Ўздавнашр, 1955, 250 – 251-бетлар.

Пушкинни Екатеринославга сургун қилади. 1819 йили ташкил этилган «Яшил чирок» махфий түгараги мажлисларида факат адабиёт ва театрга оид масалаларгина эмас, балки ўткир сиёсий мавзулар ҳам кизғин мухокама килинар, хукumatга карши шеърлар ўқилар эди. Бугина эмас. Пушкин Александр I ни ўткир сатирик эпиграмма сида кескин фош килиб, ўзининг айтишича, уни «то гўригача масхараалаб кулган» эди.

Кавказ даври шоир ижодида янги боскичини бошлаб берди. Лишайда ўкиб юрган пайтидаёк кўнглига тушган эркесварлик учкуни жануб сургунида юрганида алангага айланди, ижодининг асосий мавзуси, етакчи мотиви бўлди. Бу ерда у машхур инглиз шоири Байрон таъсирида «Кавказ асири» (1820–1821) романтик достонини ёзади. Узида эркесвар ёшлар кайфиятини ифодалагани учун у тезда машхур бўлиб кетади. В.Г. Белинскийнинг айтишича, уни саводи бор кишиларининг барчаси ўкиган. Романтик рух ва услубдаги «Акука карокчилар» (1821–1822), «Бокчасарой фонтани» (1823), «Лўлилар» (1824) достонларини ҳам Кавказда яратди. Кримда кенг таркалган афсоналарининг бири «Бокчасарой фонтани»га сюжет бўлиб хизмат килган бўлса, «Лўлилар» Пушкиннинг романтизм руҳидаги энг сўнгги достони эди.

1824 йили Пушкин иккинчи марта – бу гал Псковдаги онасининг мулки бўлган Михайловка қишлоғига сургун қилинади. Михайлов-

када яшаган йиллари шоир ижодининг ёркин сахифаларини ташкил этади. У Одессада бошлигани «Евгений Онегин»нинг асосий бобларини ёзади, «Борис Годунов» номли тарихий мавзудаги трагедияси (1826)ни яратади. Бундан ташкари, у бу ерда «Фауст»дан бир саҳна», «Граф Нулин» асарларини, яна катор шеърлар, адабий маколалар битди. Чунончи, «Андрей Шенье» шеърида (1825) эришилган озодлик бой берилгани билан барибир бутунлай йўқолиб кетмайди, деган некбин фикрни илгари сурали. Умуман, 20-йилларнинг иккинчи ярми Пушкин шеъриятининг гуллаб-яшнаган давридир.

Пушкин 1830 йил кузини Нижегород губерниясидаги отаси ўзига ажратган Болдино мулкида ўтказди. Бу уч ой шоир учун нихоятда самарали бўлиб, кўплаб асарларини якунлади ва янгиларини яратди. Жумладан, «Евгений Онегин»ни нихоясига етказди. «Белкин қиссалари» билан рус бадиий насрига пойдевор қўйди. «Белкин қиссалари» билан Пушкин, хақиқатан хам, про зани кандай ёзиш ҳакида факат замондошларигагина эмас, балки бўлғуси буюк прозаикларнинг ҳаммасига сабок берди»<sup>1</sup>.

30-йилларда Пушкин Россия тарихи, Пугачев кўзғолони ҳакила кўплаб маълумотлар тўплай-

<sup>1</sup> Благой Д. Улуғ рус шоири. *Пушкин А.С.* Ташланган асарлар. Тўрт жиллик. I-жилд. Тошкент, Ўздавнашр, 1955, 40-бет.

ди ва улар асосида «Пугачев» тарихий асари (1833), «Дубровский» (1832–1833), «Капитан кизи» (1833–1836) киссасини яратди.

1833 йили «Евгений Онегин» шеърий романнинг босилиб чикиши рус адабиётида катта воеа бўлди. «Гарчанд шеъриягнинг бу жанри рус адабиётида кейинчалик изчил давом эгтирилмаган бўлса-да, бу асарда кашф этилган янги реалистик тасвир методи ва янги эстетик тамоийиллар рус адабиётининг кейинги тараққиёти учун ғоят, катта аҳамиятга молик бўлди. Пушкин асарда полифоник тасвир усулининг шундай йўлларини топдики, улар воқеликни кенг камраб олиш, муҳим ҳаётий муаммоларни тасвир доирасига олиб кириш, эпик ва лирик ибтидоларни узвийлаштириш имконини берди. Натижада романда Пушкин яшаган даврнинг муҳим масалалари ўз инъикосини топди, ўша лаврда кенг тарқалган кишилар характеристи тарихий, ижтимоий ва майорий шароит фонида зўр маҳорат билан тасвир этилди»<sup>1</sup>.

Пушкин 1831–1832 йилларда дўстлари томонидан нашр этилган «Адабиёт газетаси» ишида фаол иштирок этади. 1836 йили «Замондош» журналини чиқаришга муваффақ бўлади.

Кизғин ижодий режаларга тўла шоирнинг сермазмун ва серкирра ҳаётига 1837 йили Гол-

<sup>1</sup> Каримов Н. Пушкин // Узбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Тошкент, 2004, 2004-бет.

ландиянинг Россиядаги элчиси барон Геккера-нинг Франциядаги инкилобдан бу ёқса кочиб келган ўгай ўғли Данте томонидан дуэлда отилган ўқ нукта кўйди.

Бу ҳақда «Пушкин» номли шеърида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шундай ёзган эди:

*Тожу тахт қусури, қону адоват,  
Гийбату кин, гараз бижгиб сасиган –  
Замонга абадий лаънатлар бўлсин!  
Эзгулик куйчисин ўқса тұтсан у  
Отифта Дантеснинг қиёфасида!..<sup>1</sup>*

Россиянинг Пушкин ўлими билан боғлик кайғу-ҳасрати ва кора кучларга нафратини унинг кичик замондоши М.Ю. Лермонтов «Шоирнинг ўлими» шеърида ифодалади ва бунинг учун дархол сургунга жўнатилди.

«Герценнинг куйиб-ачиниб ганиришича, Пушкин «роса кучга тўлган пайтида, қўшикларини тутатмасдан, айтмокчи бўлган гапини тамомламасдан» халок бўлди»<sup>2</sup>.

Бир сўз билан айтганда, Пушкин рус адабиётининг каерида бўшлиқ кўрган бўлса, ўша бўшлиқни ўзининг дурдона асарлари билан бойитди (А. Орипов).

<sup>1</sup> Орипов А. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, Faafur Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000, 36-бет.

<sup>2</sup> Каранг: Благой Д. Улуғ рус шоири. 50-бет.

Пушкин аллақачон ўзбек халқининг ўз шоирiga айланиб кетган: унинг номини билмайдиган ўзбек, асарлари кириб бормаган ўзбек хонадони бўлмаса керак. Чунки улуғ рус шоири асарлари бир неча авлод таржимонлар томонидан қайтакайта таржима килиниб, катта ададларда чоп этилган.

XIX асрнинг 80-йилларидаёқ «Туркистон вилоятининг газети»да кўплаб машхур рус адиблари қатори Пушкин хаёти ва ижоди ҳакила маълумот берилиб, ўзбек халқи рус халқининг бу улуғ фарзанди фаолияти билан таништирилган. Натижада унинг ижодига кизиқиш пайдо бўлиб, асарлари таржима қилина бошланган. 1899 йили шоир таваллудининг 100 йиллиги Россияда кенг нишонланди. Шу муносабат билан Туркистонда ҳам Пушкинга бағишлиланган йигилиш ва кечалар бўлиб ўтади. «Туркистон вилоятининг газети»да унинг бир неча асарлари ҳамда хаёти ва ижодига бағишлиланган каттагина очерк босилиб чиқди.

30-йиллар ўзбек пушкинномаси тарихида алоҳида ўрин тутади. 1937 йили шоир вафотининг 100 йиллиги сабиқ Иттифок миқёсида катта тантана қилинди. Шу муносабат билан катта таржимонлар гурухи Пушкин асарлари таржимасига жалб этилди. Чўлпон «Борис Годунов» трагедияси, «Дубровский» повести, Ойбек «Евгений Онегин» шеърий романи, Ҳамид Олимжон «Кавказ асири», «Сув париси», Усмон Носир «Бокчасарой

фонтани», Темур Фаттоҳ «Лўлилар» поэмалари, Элбек «Олтин хўроз ҳакида эртак», «Баликчи ва балиқ эртаги» эртаклари, Абдулла Қаххор «Капитан кизи» повести, Ғафур Ғулом «Ҳасис рицар», Ҳамид Ғулом «Тош меҳмон», Максуд Шайхзода «Моцарт ва Сальери» драмаларини, Ғафур Ғулом, Амин Умарий, Зулфия, Миртемир, Ҳасан Пўлат каби шоирлар қўплаб шеърларини таржима килдилар.

Ушбу тўпламга Александр Сергеевич Пушкин шеърлари ўзбекча таржималарининг энг сара намуналари, «Бокчасарой фонтани» достони, «Моцарт ва Сальери» кичик фожиаси, «Евгений Онегин» романидан Тагъяна ва Онегиннинг бир-бирларига ёзган мактублари ва бошқа асарлари ичida келган ҳикматли сўзлари танлаб киритилди.

Эргаш ОЧИЛОВ,  
филология фанлари номзоди

# ШЕЪРЛАР



## *Чўлпон таржимаси*

### **БУЛБУЛ ВА ГУЛ**

Баҳор чоғида холи боғда бир зулматли тун эрди,  
Ғаріб булбул фигон айлаб, «Гулим, раҳм  
айлагил», дерди.

Бирок ул гул кулок солмас эди фарёду афгона<sup>1</sup>,  
Факат ором оларди ноладин тўлғона-тўлғона.

Сени хеч севмаган бир гул учун, эй шоирим,  
сен ҳам,  
Ёнарсан, ўртанаарсан, дод этарсан тинмайин  
бир дам.

Кўй энди, бехуда дод этма, оҳинг унга етмайди,  
Қарайсан, яшинаган бир гул, факат додингта  
етмайди.

### **БАНДИ**

Мен қулликда ўстирилган ёш бургут,  
Ўтираман заҳ зинданда ноумид.  
Мунгли дўстим теразамнинг остида  
Қанот қокиб, лукма чўкиш қасдида.

<sup>1</sup> Афғон – фигонлар, фарёдлар, нолалар.

Чўкиб кўйиб, теразага қарайди,  
 Худди мендек ўйлаганга ўхшайди,  
 Менга караб, овоз солиб сайрайди,  
 У демоқчи: «Учайлик, қани, юр!  
 Эркин күшмиз; фурсат келди, хўп фурсат!  
 У ергаким, тоғлар бутун зумуррат.  
 У ергаким, поёни йўқ кўк денгиз,  
 Учишамиз, факат шамол иккимиз!»



### *Ғафур Гулом таржимаси*

## ОЛЕГНИНГ ФОЛИ ТЎҒРИСИДА ҚЎШИҚ

Мана энди фол очмокчи бўлади Олег,

Андишасиз хазарлардан<sup>1</sup> олмок учун ўч:  
 Кишлокларин, шудгорларин, барисин бирдек

Килич билан, оташ билан қилмоқ бўлар пуч.  
 Цареград совутини кийиб қаттиқрок,

Лашкар билан қир ошади, остда аргумок.

Қора ўрмон орасидан чиқар рўбарў

Ўз илмига ўзи мағрур чол – бир сеҳргар.  
 Факат Перун тангрисига<sup>2</sup> бўйин эгар у  
 Ва у берар келажакдан – ғойибдан хабар.

<sup>1</sup> *Хазарлар* – туркий халклардан бири.

<sup>2</sup> *Перун* – славян мифологиясида момакалдирок ва чақмок худоси.

Бутун умрин у ўтказмиш дуо, фол билан,  
Тұхтар Олег сұхбат күрмөк бўлиб чол билан.

У айтади: «Эй Тангрининг дўсти, сехргар,  
Хаётимда не ҳодиса юз кўрсатади,  
Кўшни ёвлар кувончи-чун, қани, бер хабар,  
Қачон қабр тупроклари мени кўмади?  
Мендан қўркма, тўғрисини айт – нима деса фол,  
Назринг учун отларимдан ёққанини ол».

Чол айтади: «Фолбин ҳалки зўрлардан кўркмас  
Ва князлар назрига ҳам бўлмайди муҳтож.  
Сехрли тил доим озод, чин бўлади, бас,  
Ёлғиз Тангри иродаси учун у тилмоч.  
Зулматларда яшириндир келажак йиллар,  
Кўрмоқдаман, фолинг яхши, манглайинг  
порлар.

Сўзларимни ёдингда тут, кулок сол менга:  
Туғилишдан жанговардир шухратинг –  
шонинг,  
Голиб номинг ёйилажак бутун оламга,  
Цареград дарвозасин очур қалқонинг,  
Еру сувни эгаллайсан, топилмайди ғов,  
Ҳасад килур шундай ажиб толеингга ёв.

Кўк денгизда кутургувчи маккор тўлқинлар,  
Ҳалокатлар, мушкул соат, нокулай ҳаво,  
Манжаниклар<sup>1</sup>, ўқу ёйлар, бевафо ханжар,

<sup>1</sup> Манжаниқ – тош отадиган қадимиий уруш куроли.

Афв этажак ғолиб эрни бари сартопо...<sup>1</sup>  
Шу дахшатли совут билан бўлмайсан мажрух,  
Сен ботирни саклар кўзга кўринмас бир рух.

Аргумоғинг кўркинч, заҳмат келса чўчимас,  
Ёв ўқлари ёқканда хам тинч турга олур.  
У Тангрининг тақдиридан олароқ нафас,  
Жанг майдони томон қараб югуриб қолур.  
Бирдир унга совук, кирғин бўлса йўлида...  
Аммо сенинг ўлиминг ҳам отнинг қўлида».

Чол сўзидан Олег кулди. Аммо бир пасда  
Чулғаб олди юз-кўзини зулмат, хаёлот.  
Жим, эгарга қўли билан суюниб аста,  
Сўнг шумшайиб от устидан ерга тушди бот.  
Хайрлашиб аргумоги – чин дўсти билан,  
Отнинг кирғий бўйнин силаб, тараф ёлидан:  
  
«Хайр, азизим, чин хизматкор, чинакам ўрток,  
Бизнинг учун хижрон куни келди, – дейди у. –  
Дамингни ол, бундан кейин қўрмагай оёқ  
Сендаги бу зийнат бўлган олтин узангур.  
Хайр, ортиқ ўқинма ҳеч. Унутма мени.  
Сиз навқирон йўлдошларим, етакланг уни!

Гилам жабдук – ёпик ёпинг унинг сиртига.  
Юганидан етаклангиз ўтлоғим сари.  
Чўмилтиринг ювиб-тараб, ем беринг унга,

<sup>1</sup> Сартопо – бошдан-оёқ, бутунлай.

Ичар суви тиник бўлсин булок сингари».  
Успириналар от етаклаб жўнадилар бот,  
Княз учун келтирдилар бошка янги от.

Бугун Олег базм курган лашкарлар билан,  
Давра аро жаранглар шўх қадаҳлар саси.  
Жингалак соч тоғ коридай энди оқарган,  
Базм ўрни – шонли қўргон, чўкки тепаси...  
Эслайдилар ўтиб кетган ғолиб онларин.  
Бирга-бирга килич чопган жанг майдонларин.

Шунда Олег сўраб қолли: «Қани, айтингиз,  
Қаердадир жон ўргоғим, чопкирим, отим.  
Омон борми, у ҳали ҳам бўй бермасми тез,  
Уша-ўша ўйнокими худди йилдирим?»<sup>1</sup>  
Жавоб бериб айтдиларки, аллақачон у  
Тепаликда ётар экан, уйкуси мангу.

Ботир Олег бошин қуйи ташлади дарҳол  
Ва ўйлади: «Хўш, у фолдан чиқди не маъно,  
Ҳей сехргар, ёлғон сўзли, эсин еган чол,  
Ишонмасам бўлар экан фолингга асло.  
Ҳалигача минар эдим – шундай бўлсайди».  
Ва отининг суягини кўрмак истайди.

Саройидан чиқиб Олег ботир жўнади,  
Унинг билан бирга Игорь, азиз кўноклар,

<sup>1</sup> Йилдирим – чақмок, яшин.

Кўрсаларки, тепаликда тўзиб ётади

Днепрнинг кирғозида кутлуғлар сўнгаклар.  
Гоҳ чанг босиб, гоҳо уни ювмиш ёмғир, сел.

Тепасида чаловларин<sup>1</sup> силқитмишдир ел.

Князъ аста бош суюкка қўяди оёқ:

«Ухла, менинг азиз дўстим, ухла сен ёлғиз!  
Қара, эски хўжанг сендан яшади кўпроқ.

Ўлим ҳақдир, сўнгти кунда, аммо сен шаксиз  
Болта тегиб, чалов узра бермагайсан жон,

Жасадимни суғоролмас сендан оққан қон.

Менинг учун насиб бўлган қазони қаранг,

Ҳаётимга куруқ сўнгак таҳдид килармиш!»  
Шунда ўлик бош ичидан гўрилон таранг

Сирғалганча чиқиб келар унга пепма-пеп.  
Худди кора тасма каби оёғин ўраб,

Заҳарланган князъ шу он жон берди инグラб.


Ўрталикда шароб тўла жом қўпиради,

Бу, Олегнинг маъракаси, мотам мажлиси.  
Тепаликда Игорь, Ольга бир ўлтиради,

Шу кирғоқда базм қурмиш лашкар бариси.  
Жанговарлар эслайдилар ўтган онларин,

Бирга-бирга килич чопган жанг майдонларин.

<sup>1</sup> Чалов – ёввойи ўсимлик.



## ҚИШ КЕЧАСИ

Бўралаб кор уюрмасини  
 Қора бўрон кўкни чулғайди.  
 Баъзап ҳайвон каби увиллаб,  
 Болалардай баъзан йиглайди.

Баъзан эски том тепасида  
 Бирдан похол шалдиратади.  
 Баъзан кеч колган йўловчидай  
 Дарчамизни тиқирлатади.

Бизнинг эски пастак уйимиз  
 Ҳам мунглидир, ҳамда коронғи.  
 Нима учун дарча тубида  
 Жимжит қолдинг бу тун қайғули?

Чарчадингми ёки бўроннинг  
 Бунча изғиб увиллашидан!  
 Мудрайсанми ё лаззатланиб,  
 Ўз ҷархингнинг гувиллашидан?

Кўк куш денгиз кирғоғида жим  
 Яшаганин менга куйлаб бер.  
 Тонгда сувга чиккан ёш қизнинг  
 Ҳикоясин менга сўйлаб бер.

Бўралаб кор уюрмасини  
 Қора бўрон кўкни чулғайди.

Баъзан ҳайвон каби увиллаб,  
Болалардай баъзан йиглайди.



*Ҳамид Олимжон таржимаси*

## СИЗНИ СЕВГАН ЭДИМ

Сизни севган эдим: қалбаги олов  
Сўниб битмагандир ҳали, эҳтимол;  
Ранжитмасин лекин, сизни ушбу ҳол,  
Койитмайман асло ва бўлмайман ёв.  
Сизни севган эдим: сокит, бенаво,  
Жасоратсиз эдим, ғашда бедаво;  
Сизни севган эдим, содик, вафодор,  
Энди ҳак айласин бошкага дилдор.

## «ТИКИЛАМАН...»

Тикиламан кўрганда, дархол  
Идрокимни йўқотиб ва лол:  
Ягона кўз менинг бошимда,  
Ой юзингиз ёнар кошимда.  
Агар тақдир кўрмаса малол,  
Эга бўлса эдим юз кўзга,  
Бари билан қаарадим сизга.



## *Миртемир таржимаси*

### **ГУЛ**

Куриган, ҳиди йўқ, унудилган гул –  
Китобни очаркан кўриб колдим мен.  
Фалаги хаёлга гўлди-да кўнгил,  
Паришон термилиб, туриб колдим мен:

Қаерда ва қачон, қайси баҳорда –  
Гуллаган? Узокми? Ким узди экан?  
Ёт кўлми, танишми узган наҳорда?  
Нима учун бу ерга кўйилди экан?

Нозик бир висолнинг эсдалигими,  
Ёки шум айрилик-фирок ёдгори?  
Ёки тинч сахрода, ўрмон соясида  
Ёлғиз сайр, томоша хотиралари?

Тирикмикан йигит, тирикмикан киз?  
Шу пайтда уларнинг кайда гўшаси?  
Ёки шу куриган – сўлғин, белгисиз  
Гул каби сўлдими ҳар иккаласи?

### **«КУЙЛАМА ЁНИМДА...»**

Куйлама ёнимда, о, сохибжамол,  
Грузиянинг ғамгин қўшиғин, хайҳот,

Куйласанг, ёдимга тушади дарҳол  
Йирок сохил ва ўзга ҳаёт;

Ҳайҳот, ҳеч шафкат йўқ бу қўшиғингда,  
Хотирамга солар олис сахрони  
Ҳам ойдин кечада – ой ёруғида  
Йироқдаги қизни – шўрлик сиймони...

Азиз, машъум хаёл чикар ёдимдан,  
Унутилар сени кўрганда, дилдор,  
Сен куйлайсан, тағин мен кўз олдимда  
Тасаввур этаман ўшани такрор.

Куйлама ёнимда, о, сохибжамол.  
Грузиянинг ғамгин қўшиғин, ҳайҳот,  
Куйласант, ёдимга тушади дарҳол.  
Йирок сохил ва ўзга ҳаёт.

### «СИБИРЬ КОНЛАРИНИНГ ТАГИДА...»

Сибирь конларининг тагида  
Мағрур сакланг сабот ва чидам.  
Ғамгин заҳмат кетмас беҳуда –  
Юксак хаёл, амалингиз ҳам.

Бахтсизликнинг содик синглиси –  
Умид кора чуқурда, инон, –  
Қўзгар ғайрат, кувноқлик хиссин:  
Келур орзу этилган замон:

Мушкул жазо инларингизга –  
 Эркин товшим етган сингари.  
 Пўлат копкалардан<sup>1</sup> ўтиб ичкари –  
 Севги, дўстлик етади сизга!

Парчаланур оғир кишанлар,  
 Зиндан кулар ва эрк шодумон  
 Пешвоз чикар эшикда у он,  
 Килич берур сизга ёронлар<sup>2</sup>.

### **БОҚЧАСАРОЙ ФОНТАНИ**

Ишк фонтани, эй ўлмас фонтан:  
 Сенга икки қизил гул совғам!  
 Шилдирашинг ёқимли чунон,  
 Шоирона кўз ёшларинг ҳам.

Сачрап менга кумуш тўзонинг,  
 Эсар салқин шабнам нафаси,  
 Тинмайин оқ, юпанч чашмаси!  
 Шилдир-шилдир сўйла достонинг...

Ишк фонтани, кайгули фонтан,  
 Мармарингдан айладим сўрок,  
 Мен эшиитдим йирок элга шон;  
 Мариядан айтмадинг бирок...

<sup>1</sup> Копқа – ларвоза.

<sup>2</sup> Ёронлар – дўстлар.

Унут бўлдинг наҳотки мангу –  
 Сен, эй сўлғин ҳарам юлдузи?  
 Ё Мария, Заремабону –  
 Нахот ширин хаёлнинг ўзи?

Ёки бари ширин бир уйку,  
 Бу коронги хилватда хаёл,  
 Ё бир дамлик тимсолмиди у.  
 Ё калбдаги мажхул идеал?

### ЧААДАЕВГА<sup>1</sup> АТАБ

Севги, умид, жимжит шон алдоқлари  
 Эрмак бўёлолмади бизга кўп замон,  
 Ўтди ёшлигимиз овунчоклари  
 Гўёки гуш, гўё тоигдаги туман;

Аммо ёнар ҳали бизда иштиёқ,  
 Ёвуз бу салтанат килса ҳамки жабр,  
 Қалбимиз талпинар бетокат, бесабр,  
 Ватан даъватига соламиз кулоқ.

Ошик йигит ширин висол дамини  
 Зорикиб кутгандай, бўлиб ниғорон –  
 Муқаддас озодлик минутларини  
 Ишонч-ла кутамиз энтикиб ҳамон.

<sup>1</sup> Чадаев И.Я. – рус адиби ва файласуфи (1796–1856). Нушиккунинг яқин дўсти.

Хали эрк майлида ёнар эканмиз,  
Юрак хаёт экан номусга-шонга,  
Дүстгинаам, ватанга жонни тикканмиз.  
Күнгил орзулари фидо ўшанга!

Ишон, шубха қылма, келар у замон,  
Балкар бахт юлдуди, – дилбар ва порлок!  
Россия уйқудан уйгонар, инон.  
Шохлик вайронаси устига, ўрток.  
Ёзилажак бизнинг номлар бегумон.

### ПУШЧИН<sup>1</sup> АЛЬБОМИГА

Бу махфий варакқа күз ташлаб бир чок.  
Менинг ёзганимни эсга олгайсан.  
Ширин хаёлларга бирпас толгайсан,  
Хаёлда Лицейга учгайсан, ўрток!

Эсланар тез ўтган биринчи кунлар,  
Хам бирга ўтказған тотув олти йил,  
Кайгулар, шодликлар, құвнок гурунглар,  
Ажралмас ўртоқлик карор топған дил...

Ўтиб кетди бары, кайтмагай ортиқ...  
Эсга тушганида юм-юм окар ёш;  
Эсга тушар илк бор бўлганинг ошиқ.  
У ҳам ўтди... Лекин кетса ҳамки бош,

<sup>1</sup> Пушкин И.И. - Пушкиннинг лицейдаги энг яқин дўсти (1798–1859).

Ёшлик дўстларини унугиши оғир;  
 Шўх хаёл эмас-ку, узилмас асло.  
 Кўркинч замоналар келсин, барибир,  
 Мангулиқдир, бузилмас асло!

## КОРА ШОЛ

Кора шолга мажнунона бокаман,  
 Сўник дилни ғам ўтида ёқаман.

Гўл йигитлик чоғи – ишқда куйгандим,  
 Ёш ва сулув грек кизин суйгандим.

Соҳибжамол эркаларди хар замон,  
 Келди бироқ қора куним беомон.

Бир кун дилкаш меҳмонларим бор эди,  
 Эшигимни қоқди жирканч яхудий:

«Зиёфатда, (деди пицирлаб) баринг,  
 Вафосизлик килди сенга дилбаринг».

Қўлига мен олтин бердим, қарғадим,  
 Сўнгра содик қулимни тез чорладим.

Бирга чиқдик: отда учдим мен жадал,  
 Раҳмдиллик йўқли асло шу маҳал.

Грек кизин бўсағасин кўрган чок  
 Кўзим тинди, мадор кетди, токат ток.

Йирок хилват уйга кирдим мен танхो,  
Арман ўпар, кучогида бевафо.

Кора босди: садо берди ханжарим...  
Бўса битмай у ёвуз ҳам ўлди жим.

Бошсиз танни тепкиладим бсармон,  
Рангим ўчиб, лол бокардим киз томон.

Ҳали эсда – ёлворишлар... оқкан қон...  
Ўлди киз ҳам, битди севги ўртаб жон!

Ўлик бошдан кора шолни тортдим мен,  
Қонли тигни ўшанга жим артдим мен.

Кулим, зулмат ёйганда тун дунёга,  
Мурдаларни отди жўшқин дарёга.

Шундан бери ўпмадим кўз ундей шўх,  
Шундан бери хурсанд ўтган кечам йўк.

Кора шолга мажнунона боқаман,  
Сўник дилни ғам ўтида ёкаман.

## РОМАНС

Булутли куз, оқшом палласи,  
Тентир жувон дала йўлида.  
Бахтсиз ишқнинг сирли меваси –  
Чақалоғи титрок кўлида.

Ҳар ён жимжит: ўрмонлар, тоғлар  
 Бари ухлар, кеча коронгу.  
 Диккат билан атрофга қарап –  
 Бир күркүвда, ваҳимада у.

Ухлар маъсум, жон чақалоғи,  
 Кўзларини тикиб чекар оҳ...  
 «Сен ухлайсан, жоннинг кийноғи...  
 Сен билмайсан қайғумни, эвоҳ.  
 Кўз очарсан ва қўмсаб лекин  
 Кўкрагимни изларсан бекор;  
 Эрга баҳтсиз онанг ўпишин  
 Тополмайин йиғларсан зор-зор.

Орзу этма, бекор, онангни!  
 Мангу уят бўлди гуноҳим.  
 Унutarсан умрбод мени,  
 Унутмасман сени, чироғим!  
 Ўзга бўлур сиғинчоқ – паноҳ.  
 Дерлар: «Ётсан, бизга ўгайсан».  
 «Қайда, – дерсан, – отам ва онам?»  
 Бир меҳрибон тополмагайсан.

Ёт болалар аро, бечора,  
 Фамгин ўйда азоб чекарсан,  
 Юрагингда мангулик яра;  
 Оналарга кўзинг тикарсан,  
 Ҳар ерда сен ёлғиз, дарбадар,  
 Тақдирингга ўкирсан лаънат;

Эшитарсан аччик пичинлар,  
Шунда мени кечиргин факт...

Эҳтимолки, шўрлик стимчам.  
Отанг учрар, кучарсан бир кун.  
Эвоҳ! Қайда бевафо эркам,  
Эсдан чикмас, ўлгунча дил хун<sup>1</sup>.  
Учрар бўлсанг, бергин тасалло,  
Дегин: «У йўқ, жаҳонда бугун,  
Лаурага ҳажр бўлди бало,  
Бу оламни тарк этди бутун!»

Нелар дедим?.. Балки, бир замон  
Шўрлик онанг дуч бўлур яна,  
Мунгли қўзинг солгай ҳаяжон!  
Танимасми ўз ўғлин она?  
Копки эди, беаёв қисмат  
Таъсиrlанса менинг ноламдан...  
Балки, четлаб ўтарсан факт,  
Айриларман мангу боламдан!..

Сен ухлайсан – баҳтсиз болам,  
Оғушимда сўнг бор ўпайин.  
Ҳаксиз, мудҳиш конун – бу алам,  
Жудоликка солар, нетайин.  
Ҳали маъсум қувончларингни  
Қувмагандир омонсиз йиллар,  
Ухла, қўзим, тинч кунларингни  
Бузмас ҳозир аччик ғам-селлар!»

<sup>1</sup> Хун – кон.

Үрмөнзордан ногох ой қалкиб,  
 Ой нурида күринди капа, –  
 Туси ўчиб, титраб, толикиб,  
 Ёндошли у эшикка хафа...  
 Энгашди-ю жим ташлай қолди  
 Гүдагини ёт остоңага.  
 Күркиб, күзин ўгира қолди,  
 Яшринди тун – зулматхонага.

### ҚҰШИҚЧИ

Севги, ҳасрат куйчисин тунги садосин  
 Эшитғанмисиз гужум ўрмон ортида?  
 Дала жимжит мудраркан сахар пайтида,  
 Найнинг содда-ю, лекин мунгли навосин –  
 Эшитғанмисиз?

Учратғанмисиз холи қора ўрмонда  
 Ишк ва ўз қайғусининг құшиқчисини?  
 Табассум ё юзида күз ёш изини,  
 Ё ҳасрат түлган күз-ла караб турғанда,  
 Учратғанмисиз?

Ох тортиб қўйғанмисиз тинглаб товшини,  
 Севги, ҳасрат куйчиси тинч куйлаганда?  
 Йигит дуч келганида калин ўрмонда,  
 Кўриб сўник кўзию жим бокишини,  
 Ох тортғанмисиз?

## ИСТАК

Кунларим оҳиста судралиб ўтар;  
Мунглуг кўнглим учун ҳар зум беомон,  
Бевақт севги дардин орттириб кетар,  
Тентак хаёлларим кўзғар хаяжон.

Аммо сукутдаман, чиқмас фиғоним;  
Йиглайман, кўз ёшим менга овунчок,  
Кайғу панжасида колган бу жоним  
Шундан аччиқ нашъа топади ҳар чоқ.

Хаёт дақикаси! Уча бер, майли,  
Бехуда хаёллар, йўқ бўл зулматда!  
Азиздир ишкимнинг азобли йўли,  
Майли ўлсам ўлай шу муҳаббатда.

## ЭЛЕГИЯ

Мен яна сизники, эй ёш дўст-ёр,  
Туманли айрилик кунлари адок,  
Оғангизга такрор очдингиз кучок;  
Яна шўх даврада кўришдик дийдор.  
Сиз ҳамон бояги, дил бошка бирок;  
Қадрдон эмассиз унга сиз бу чоқ.  
Мен ҳам ўзгарганман... Шодлик палласи  
Ўтди кўз илғамас тор йўлдан бот-бот,  
Бутунлай: тепамда бу тезоб хаёт  
Тонгларининг турар ғира-шираси.  
Хушчақчаклик бўлди кўнгилдан йирок.

Кизғанчик қисматда бўлиб дарбадар  
Дилшодлик, қаҳқаҳа, ором – ҳаммаси  
Унутилди: қолди дилимда кадар<sup>1</sup>.  
Ёш бошимда гамнинг сукут пардаси.  
Беҳуда, сиз менга ҳазил сўз ташлаб,  
Мулойим ва дилкаш сухбатлар бошлаб –  
Бўлмоқчисиз оғир уйқумни, бекор,  
Бари тамом, дилим ғам билан ликқа,  
Бахтиёр шўхликнинг мухри ҳам сийка,  
Оғир азобларни таратмок учун –  
Чакки келтирасиз менга тағин соз,  
Кечмиш орзулари сўндилар бутун.  
Туйғусиз торларда бўғилди овоз.  
Бари тамом бўлди: қолди факат ғам!  
Менга кенг жаҳон тор, ёруғ кун кора,  
Кимсасиз, коронғи ўрмонлар ора –  
Бораман; хуррамлик ёт менга бу дам;  
Музлади лаҳзалик кувонч изи ҳам.  
Куйдингиз, кечаги гул япроқларим!  
Гуллай олмадингиз бир ой ҳам тўлиб,  
Чопқиллаб ўтдингиз, шодлик чоқларим!  
Кетдингиз, кўз ёшим эрксиз тўкилиб,  
Тонг коронғисида коларман сўлиб...

Эй дўстлик! Сен мени унут, унугтил,  
Жимгина берайин тақдиримга тан,  
Кўй, қолсин изтироб, аламларда дил,  
Кўй, майли, хилватда йиғлай танҳо ман.

*Кадар – ғам, қайғу, гусса.*

## БҮРОН

Хайкирган бўронда, зулмат ичидা,  
 Қирғоклар-да ўйнаб ётганда денгиз,  
 Оппоқ либос кийган, тўлкин устида  
 Қоятош учида кўрдингми бир қиз;  
 Кўрдингми, чақмоклар яркираб туриб,  
 Ҳар дам ёритганда уни қизғишрок,  
 Шамол тинмай, ўзин ҳар ёнга уриб,  
 Унинг ўртуги-ла уча кетган чок!  
 Бўрон зулматида кўркамдир денгиз,  
 Ҳам зангор жилосиз яркирар осмон;  
 Аммо, ўша қоя устидаги қиз  
 Тўлкиндан, осмондан ҳам,  
 Даҳшатли бўрондан ҳам –  
 Чиройли, инон!

## 1827 ЙИЛ 19 ОКТЯБРДА

Тангри ёр бўлсин, жўралар, сизга –  
 Шоҳ хизмати-ю, ҳаёт ғамида.  
 Дўстона ишрат базмлари ҳам  
 Севгининг сирли, ширин дамида.

Тангри ёр бўлсин, жўралар, сизга –  
 Бўронлардаю, тириклик дардида,  
 Ёт диёрда ҳам олис денгизда.  
 Ҳам у коронги ернинг қаърида...<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бу шеър декабристларга, Пушкиннинг лицейда бирга ўқиган ва кейин Сибирга сургун қилинган дўстларига (Кюхельбекер ва Пушчинга) бағишиланади.

## ТУМОР

Яланг кояларга сира тўхтамай  
 Денгиз ҳамишалик чайкалиб урган,  
 Иликқина порлаб кўқда тўлин ой  
 Туннинг ширин пайти жилмайиб турган,  
 Ҳарамда мусулмон, кайфини суриб,  
 Яшаган диёрда – кўзлари хумор  
 Жоду киз эркалаб, нозланиб туриб  
 Кўлимга тутқизган эди бир тумор.

Эркаланиб туриб менга дедики:  
 «Менинг туморимни йўқотмай сакла.  
 Унда сирли куч бор, муҳаббатимки  
 Бағишлиди сенга, сен уни окла!  
 Бўронда, довулда, мудхиши тўфонда –  
 Касалдан, ўлимдан, тўфондан, эй ёр,  
 Бошингни сакламас ҳеч бир маконда,  
 Сенга мен баҳш этган сехрли тумор.

Шаркнинг сон-саноқсиз давлатларини  
 Багишиламас сенга бу тумор ҳеч ҳам,  
 Ҳамда пайғамбарнинг умматларини  
 Бон эгдириб сенга килмайди қарам;  
 Ҳамда сенни ғамгии бу узок юртдан  
 Дўстлар оғушига, ватангча, дилдор, –  
 Шимол сари, она юртга жанубдан  
 Учириб еткизмас мен берган тумор...

Ва лекин макрли, хийлакор нигох  
Мағтун этиб күйса сани дафъатан,  
Ё зулмат кечада дудоклар ногох,  
Севмасдан бўсалар олса лабингдан,  
Азиз дўст, ўшандай бир жиноятдан  
Юракка янгидан кўймай дард, ғубор;  
Хиёнат, унутиш каби ҳолатдан  
Саклаб колар сени мен берган тумор».

### СУВГА ЧЎККАН ОДАМ

Чопқиллашиб кириб уйга,  
Гўдаклар шовқин солди:  
«Дада! Дада! Бизнинг тўрга  
Ўлик илиниб колди!»  
Ёлғон, ёлғон, жинқарчалар, –  
Вайсар ота: – Кўргулик!  
Бола эмас – бир дардисар!  
Адабинг берар ўлик!

Суд хам келар, бошлар тергов,  
Қани, кутулиб кўр-чи!  
Иложим йўк, борай дарров,  
Кампир, чакмонни бер-чи!  
«Қани ўлик?» – «Қаранг бу ён!»  
Қарасаки, кирғоқда –  
Ётар ростдан битта бежон,  
Тўр ёзиғлиқ кумлоқда.

Кўкарған ҳам шишған мурда,  
Хунук, қўркинч ва ёмон.  
Шўрлик жондан кечмиш сувда,  
Фаримикан саргардон;  
Балиқими сувга чўккан,  
Маст йигитми дарбадар;  
Йўлбосарлар талаб кетган  
Ё бефаҳм савдогар?

Апил-тапил караб олди,  
Нима ҳам килсин дехқон?  
Уликни судраб қолди  
Оёғидан сув томон;  
Сувга отди кирғоқдан тез,  
Эшқак билан итариб;

Улик юзди тағин шу кез  
Гўр ва крест<sup>1</sup> ахтариб.

Тирик каби кўп чайқалиб,  
Юзди у оким томон,  
Кўз узмайин узок колиб,  
Уйга жўнади дехкон.  
«Юринглар. хой итваччалар,  
Бераман ширин кулча.  
Айтиб қўйсанг биринг агар,  
Калтаклайман ўлгунча!»

<sup>1</sup> Крест – хоч. бут.

Тунда бүрөн шовкин солди,  
 Дарё хам урди түлкин.  
 Жинчироғ ҳам ёниб бўлди,  
 Мужик кулбаси тутун.  
 Бари ухлар, мудрар кампир.  
 Сўрисида ётар у,  
 Увлар бўрон, бирдан кимдир.  
 Деразани урди-ку.

«Ким у?» – «Очгин, ҳой, хўжайин!»  
 «Хўш, тагин қандок бало?  
 Тун дайдиси, саёк, Каин!  
 Жин бошлиб келдими ё,  
 Ташвишга вакт борми бирон,  
 Уйим тор ҳам қоронғу!»  
 Ҳам уриниб, турди дехкон,  
 Деразани очди у.

Булутлардан юмалар ой.  
 Ким денг? Яланғоч ўзи:  
 Соколдан сув окар сой-сой,  
 Бежону очиқ кўзи,  
 Бори-йўғи караҳт, мудхиш,  
 Тани шишган сарбасар<sup>1</sup>,  
 Ҳам ёпишган тишлари ниш  
 Қора кискичбакалар!

---

<sup>1</sup> Сарбасар – бошлилан-оёқ, бутунлай.

Таниш-ди яланғоч меҳмон,  
 Тез ёпди деразани,  
 «Куриб кет!» – дер титраб деҳкон,  
 Пичирлар бир нимаин.  
 Кўркинч ўйлар чувалади,  
 Қалт-қалт титрар тинмайин,  
 Тонг отгунча ун солади  
 Эшикда у дам сайин.

Халқда бордир қўркинч хабар:  
 Ҳар йил, ўшандан буён,  
 Шўрлик деҳкон, шу мукаррап,  
 Тайин кун кутар меҳмон,  
 Ҳаво ғазаб чакар эмиш,  
 Бўрон солармиш шовкин.  
 Тинмай эшик коқар эмиш  
 Сувга чўккан – ўша тун.

### **«ШОВҚИНЛИ КЎЧАДА ...»**

Шовкинли кўчада сарсон юрсам-да,  
 Халқ тўла черковга бориб кирсам-да,  
 Шўх йигитлар билан бир ўтирсам-да,  
 Менни хаёл босар, ўй босар ҳамон.

Мен дейман: бу йиллар шошиб ўтади,  
 Сон-саноқсиз одам бир-бир кетади,  
 Дунёда кимки бор – бори битади,  
 Кимнингдир сўнг лами якин шу замон.

Сүккабош чинорни ҳар күрганимда,  
Үрмөнлар бобоси, дейман, дилимда,  
Оталарим асрин күрдинг умрингда –  
Мендан сүңгі ҳам қолиб, сурасан даврон.

Гүдакни эркалаб турганда хушхол,  
Дарров ўйлаб дейман: эркам, яхши қол,  
Менинг ўрнимпі бос, күрмагил завол,  
Мен тутоказым, сүлдим, сен гулла омон!

Ҳар кун, ҳар йилимни ўтказиб шундок,  
Олатим – хаёлга ботаман узок,  
Ҳар йил сүңг нафасдан оламан сүрок,  
Ҳар соат топаман ўлимдан гумон.

Билмайман, ажалым дуч келар қайда,  
Жангдами, сафарда ё тошкин сойда,  
Ёки гүрим анов водий, түкайда,  
Совук хоким<sup>1</sup> олар оғуши томон!

Ұликка ҳамма ер бирдек ҳар қалай,  
Туйғусиз тан гүрда қолмас чиримай,  
Ҳар нечук истагим: Ватанда ўлай,  
Азиз тупрок бўлсин сўнгти ошиён.

Қабрим теграсида ёш ҳаёт қулсин,  
Кушлар бош устимда сайрашиб турсин,  
Бепарво табиат доим барқ урсин –  
Мангулик чиройи яшнаб беармон.

<sup>1</sup> Хок – тупрок.

## АКС САДО

Үкирарми ўрмонда ҳайвон,  
 Чалинарми бурғу ногаҳон.  
 Гулдуарми момақалдирок,  
 Куйларми қиз адирда ногох,  
 Майли. қандай ун, –  
 Сен күшасан жавоб, акс садо,  
 Ҳавода тўлқин.

Гулдураклар гулдурашига,  
 Тўлкинларнинг гуркирашига,  
 Бўронларга соласан кулок,  
 Ҳам чўпонлар ҳой-ҳой товшига  
 Жавоб хозир:  
 Сенга жавоб ун йўқ... Ӯшандок  
 Сен ҳам, эй шоир!

## «БАС ЕТАР ...»

Бас, етар, бас, жон дўстим! Тинчлик сўрайди юрак,  
 Кун кетидан кун учар – умримиздан бир бўлак –  
 Ҳар соат узиб кетар: биз бўлса иккаламиз  
 Яшамокчи бўламиз, аммо рости – ўламиз,  
 Ёруғликда баҳт йўқ, аммо тинчлик ва эрк бор,  
 Кўп замонки, бир ҳавас келади хаёлимга,  
 Кўндан чарчаган қулинг кочишни ўйлаб юрар  
 Пок меҳнат, роҳат юрти у узоқ маконига...

## БУЛУТ

Бўронда тарқалган, эй сўнгги булат!  
 Ёлғиз сен чопасан кўкда шу минут:  
 Ёлғиз сен ташлайсан мунгли кўланка,  
 Шодмон кунда ғамгин ёлғиз сенгина.

Боя сен куршовдинг осмон юзини,  
 Ўровди даҳшатли чақин ўзингни;  
 Сен – сирли, ваҳмали гулдирадингу,  
 Ташна ер қўйнига тўлди ёмғир – сув.

Бас, бўлди, таркалгин! Фурсатинг ўтди,  
 Ер салқин ва тоза; ҳам кетди.  
 Шамол ҳам эркалар тол баргларини,  
 Тинч кўдан нарига хайдашиб сени...

## ЛЎЛИЛАР

Тун тинлиги ёйилган дамда  
 Яшил тўқай қирғоқлар бўйлаб.  
 Ўт ёкишар ҳар бир қадамда  
 Чодирларда шовқин-ла куйлаб.

Бахтли элат. Саломим сенга.  
 Таниш менга бу ўт, бу гулхан,  
 Баъзан ўзим шу чодирларда –  
 Вакт ўтказган, кун кечирганман.

Эртага тонг шуъла ёймасдан  
Хур изингиз ғойиб бўлади.  
Сиз кетасиз, аммо орқадан –  
Шоирингиз бормагай энди.

Сарсон кўнок, қадимги шўхлик –  
Ҳаммасини энди унуган,  
Оила ва уйдаги тинчлик.  
Кишловдаги роҳатга ўтган.

## БУЛБУЛ

Булбулим, эй булбулгинам,  
Урмонларда кезган кушча.  
Сен кушчада жуда шинам,  
Тенгсиз, ноёб уч кўшикча.  
Мендами, мен мард ўғлонда –  
Уч зўр қайғу – машакқат бор.  
Биринчисини айтсам агар,  
Уйлантирган ёш чоғимда.  
Иккинчисини айтсам агар,  
Тулпор отим ҳорғин, чарчок.  
Учинчисини айтсам агар,  
Гўзал киздан тушдим овлок.  
Айирдилар шум одамлар,  
Менга битта гўр қазинглар  
Кенг далада, кенг далада,  
Бош ёғимда айланг гулзор,  
Яшнаб турсин кизил гуллар,

Оёк ёкла оксин булок,  
 Арикчада муздек сувлар.  
 Гўзал кизлар ўтган чоқда  
 Боғлаб олар чамбар гулдан.  
 Чол боболар ўтган чоқда  
 Ховуч-ховуч ичра сувлан.



### *Зулфия таржимаси*

## **МЕН СИЗГА АЧИНМАЙМАН...**

Мен сизга ачинмайман, вафосиз севгиларда  
 Бехуда окиб ўтган баҳоримнинг йиллари!  
 Мен сизга ачинмайман у оғашин найларда  
 Эҳтирос-ла куйланган, эй тунларнинг сирлари!

Мен сизга ачинмайман, бевафо дўст, жўралар,  
 Базмларнинг тожлари, даврада айланган жом.  
 Мен сизга ачинмайман, хиёнаткор гўзаллар,  
 Мени хаёл банд этган, хурсандчилик қилмас ром.

Кайда, қайда колдингиз, ёшликлаги орзулас  
 Ва қалбнинг сокитлиги эркалатган кезлари!  
 Қани аввалги оташ, илҳом бахш этган завқлар,  
 Келинг; келинг, муштоқман, баҳоримнинг йиллари,

## КЕЧИРАРМИКАНСАН...

Кечиравмикансан, орзумдаги рашк,  
 Ишқдаги бу сифат телба ёнишни?  
 Содиксан! Не учун севасан, яккаш –  
 Фикру хаёлимга кўркув солишни.  
 Жазманлар қуршаган сенинг атрофинг.  
 Кўринмак истайсан барчага дилбар.  
 Гоҳ мунис, гоҳ маъюс сенинг нигоҳинг  
 Ҳаммага нечун пуч умид бахш этар?  
 Аклимин банд этиб, ўзимни мафтун,  
 Бу бахтсиз севгимга ишончинг комил,  
 Кўрмайсан, шовқинли гурунгда бутун  
 Сухбатга бегона, изтиробда дил, –  
 Танҳолик ҳасратни чекаман толиб,  
 Махрумман илтифот ва шафкатинглан...  
 Кетмокчи бўламан: кўркиб, ёлвориб  
 Кўзларинг кидирмас менинг изимдан.  
 Ишвали сўзлар-ла қилмок бўлиб ром,  
 Мени гапга тутиб колса бир жонон, –  
 Сен беғам, осуда; кувноқсан мудом,  
 Бу таънанг мен учун ўлимдан ёмон!  
 Гапир-чи, не учун менинг ракибим,  
 Мену сен – икковни кўраркан хилват.  
 Сенга нечун сирли килади таъзим?..  
 Айт-чи, ким берибди бунга ижозат?  
 Сўйла-чи! Не учун тўлғанар рашкда,  
 Не учун оқаар жамолинг кўриб?  
 Не учун кун ва гун ўртаси пайтда

Онангиз, сен танҳо оласан кутиб?!  
Лекин мен севимли... Мен-ла қолганда  
Шу қадар муниссан, шу қадар дилдор!  
Бўсанг ўт! Сен ишқдан сухбат очганда  
Самимий юрагинг этилар изхор!  
Сенга кулгилидир мендаги азоб  
Ва лекин севасан, етади аклим.  
Азизим, кийнама, хеч қолмади тоб.  
Билмайсан, накадар кучлидир ишким,  
Билмайсан, қандай зўр менда изтироб.

## ... ГА

Эсимдадир ажиб дам ҳали:  
Кўз олдимда бўлдинг намоён.  
Пок гўзаллик даҳоси каби,  
Бир лаҳзалик хаёл, гушсимон.

Ғам-аламдан дилим ёнганда  
Тушларимда кўрдим чехрангни,  
Ҳаётдаги бўм-бўш суронда  
Келиб турди товшинг жарангни.

Йиллар ўтди. Исён бўрони  
Хаёлларим совурди дилдан  
Ва унутдим дилбар садонгни,  
Ўчди азиз чехранг ёдимдан.

Қувғунликнинг чангидаги нурсиз  
Ғамга тўлиб кунларим ботди;

Худо, илҳом ва кўз ёшилиз,  
Ишқ, изтироб, ҳаётсиз оқди.

Мана, калбга ошно бўлди най,  
Кўз олдимда бўлдинг намоён,  
Гўзалликнинг соғ парисидай,  
Бир лахзалик ажиб тушсимон.

Рухим яна уйғонди бу дам,  
Яна унда тирилди нажот;  
Яна дилда худо ва илҳом,  
Кўз ёшию муҳаббат, ҳаёт.

## АГАР СЕНИ АЛДАСА ҲАЁТ

Агар сени алдаса ҳаёт,  
Сен ноумид бўлма ҳеч қачон.  
Ғамили кунга қилгин итоат,  
Хушнуд кунлар келади, ишон!

Қалб келажак ишқи-ла яшар;  
Бу кунимиз қайғу ва доғли:  
Бари оний, ўтишга шошар,  
Ўтган эса, ҳамиша totli.

## ОРЗУ ОТАШИ

Конимда ёнали орзу оташи,  
Сен менинг дилимга солдинг жароҳат;

Бўса ол: шаробу болдан ҳам ширин  
Сенинг бўсаларинг, бағишлар роҳат.  
Кел, меҳру севги-ла бошимга эгил,  
Беисён, оромда тин олсин жоним:  
Кувноқ кун ботгунча уфқка снгил,  
Куюлгунча туннинг туманлари жим.

### ВИДОЛАШУВ

Хаёлимда дилкаш киёфанг  
Эркалайман бу кун сўнгти бор.  
Қалбда умид уйғотиб аранг,  
Қўрқоқ, ғамли хузур-ла севгинг  
Эсламокни қилдим ихтиёр.

Ўтиб борар умримиз, йиллар –  
Ўзгартириб ҳар иккимизни,  
Эндиликда шоирга сендан  
Совуқ кабр эпкини елар  
Ва сен учун шоир ҳам сўнган.

Юрагимнинг сўнгти видосин  
Қабул этгин, э йирок жонон:  
Гўё бева қолган бир хотин,  
Жўнатаркан қувғинга дўстин,  
Сукут ичра кучган дўстсимон.

## ... ГА

Йўқ, йўқ, муҳаббатнинг жўшқин раъйига  
 Энди мен бўлмасман телбаларча кул.  
 Озор ҳам бермайман дил оромига,  
 Ёниш, ўртанишга ҳеч кўймайман йўл;  
 Бас энди, шайдолик етар! Ва аммо,  
 Не учун хаёлга толмайин бир зум,  
 Ногахон самовий, позли, мусаффо  
 Қиз кўзим олдидан ўтаркан маъсум?..  
 Томоша қилмокқа тотли шавқ билан  
 Наҳотки, қолмади зарра ижозат?  
 Сукутда кузатмок нигор изидан,  
 Тиламок мумкинмас бахту саодат?  
 Наҳот, тилаб бўлмас ҳаёт неъматин;  
 Унга халовату ором ва шодлик?  
 Ҳаттоқи, барнонинг қалбига яқин  
 Рафиқа атовчи кимсага толе?

**ЎЙЛАДИМКИ**

Ўйладимки, юрак унудти  
 Муҳаббатнинг эзгу азобин,  
 Дедим: ўтган бариси ўтди,  
 Ўтди! Қайтиб келмайди тағин.

Ўтиб кетди завқ-да, қайғу-да  
 Ва ҳавойи енгил умидлар...  
 Аммо ўткир ҳусн оллида  
 Тушди яна ларзага улар.



### *Шайхзода таржимаси*

## **ВАТАН СОХИЛЛАРИДА**

Сен узок ватанинг сохилларига  
Қайтмоқ истар эдинг ғурбат ўлкадан,  
Хотирдан чиқмайди у ғамли лаҳза –  
Ёлвориб йиглардим хузурингда ман.

Мулокат дамларин чўздиrimpok учун,  
Белингга чирмашган эди қўлларим,  
Оғир айрилиқнинг даҳшатли кучин  
Келтирма дер эди фарёду зорим.

Сен эса у нозли дудокларингни  
Бу шўрлик бўсадан ажратиб олдинг;  
Бу машъум ўлкага сургун ёрингни –  
Бошка бир лиёрга чакирав эдинг.

Дер эдинг: «Келурки яна бир замон  
Азалий ложувард кўкнинг тагида  
Зайтунзор боғларда эсон ва омон  
Ишқий бўсаларни бошлармиз яна».

Ҳайхот, осмоннинг гумбазларида  
Мовий ранг товланиб турган лиёрда  
Зайтуннинг сояси ўйнаркан сувда,  
Сен ётибсан – кеттансан мангу уйкуга.

У хусни-нозанин, сенинг ғам-ғуссан  
 Ҳаммаси... Ҳаммаси... гинди мозорда  
 Тинди висол куни ваъдалик бўсанг...  
 Кутаман қарзингни мен интизорда.



### *Мамарасул Бобоев таржимаси*

## ЭЛЕГИЯ

Бепарво йилларнинг сўнган шўх дами  
 Сархуш бош оғриғи каби азобли.  
 Худди шароб каби у кунлар ғами  
 Қанчалик эскирса, шунча зардбли.  
 Йўл оғир. Истикбол бўронли уммон;  
 Мехнат, қайғу ваъда қилади ҳамон.

Аммо, истамайман, дўстлар, ўлишни.  
 Истайман кийналиш, фикр килишни.  
 Кўраман - зўр ғавғо, ғамлар ичрадир.  
 Ташибишлар ичрадир мен учун хузур.  
 Гоҳ бўлиб куйларга мафтун осуда,  
 Ҳаёлларим узра мен тўкаман ёш.  
 Балки, ишқ умримнинг ғамли сўнгида -  
 Кўринар алвидо табассуми-ла.

## СИНГИЛЛАР ВА АКАЛАР

Икки эман дарахт ўсганди қатор,  
 Булар ўртасида бир нозик арча.  
 Ўсан эман эмас – икки огайни,  
 Ўсиб-улғайишиб бирга яшарди:  
 Бири Павел эди, бири Радула,  
 Булар ўртасида – сингил Елица.  
 Акалар севарди ёлғиз сингилни,  
 Унга чин юракдан бўлиб меҳрибон:  
 Бир куни бир пичок тақдим этдилар,  
 Ўзи зарҳалланган, кини кумушдан.  
 Ранжийди янгаси – у ёш Павлиха,  
 Қайнин эгачига килади ҳасад.  
 «Овсин, менга қара, қадрдон сингил, –  
 Дейди Радуланинг хотинига у: –  
 Эшиитмаганмисан шундай бир ўтни:  
 Уни эзиди ичган кипи дафъатан –  
 Ўз туғишганинга кўринисин ёмон?»  
 Радула хотини беради жавоб:  
 «Худо ҳакки, опа, қадрдон овсин,  
 Билмайман бундайин иримли ўтни,  
 Билганда ҳам сенга айтмасдим асло.  
 Акаларим шундай мени ҳам севган,  
 Менга ҳам хилма-хил совға беришган».  
 Мана, отхонага борди Павлиха,  
 Тўрик отни сўйиб, конин оқизди,  
 Қайтиб келиб деди ўз эрига у:  
 «Синглингни севишинг ўзингга бало,

Совғалар берасан унга бехуда:  
 Ўлдирибди сенинг тўриқ отингни».  
 Павел Елицани килади сўрок:  
 «Бу нега? Айт менга, айт, худо ҳакки!»  
 Синглиси ёш тўкиб, жавоб беради:  
 «Мен эмас, акажон, жувонмарг бўлай  
     Ва ёш ҳаётимиз ҳакки қасамёд!»

Ишонар, ҳеч нарса демас акаси.  
 Мана, кўм-кўк бокка кирди Павлиха,  
 Шартта кўк лочиннинг бошини узди,  
 Кайтиб келиб деди ўз хўжасига:  
 «Синглингни севишинг ўзингга бало,  
 Совғалар берасан унга бехуда:  
 Мана ўлдирибди кўк лочиннингни».  
 Павел Елицани килади сўрок:  
 «Бу нега? Айт менга, айт, худо ҳакки!»  
 Синглиси ёш тўкиб жавоб берали:  
 «Мен эмас, акажон, жувонмарг бўлай  
     Ва ёш ҳаётимиз ҳакки, қасамёд!..»

Бу гал ҳам ишонар акаси яна.  
 Коронғи кечада Павлиха секин  
 Қайн эгачисин пичоғин олди,  
 Ўзининг нораста ёлғиз ўғлини  
 Олтин бешигида сўйиб ўлдирди.  
 Эрталаб югуриб борди эрига,  
 Йиғлаб, фарёд солиб соchlарин юлди:  
 «Синглингни севишинг ўзингта бало,  
 Совғалар берасан унга бехуда:  
 Мана, ўлдирибди ўғлимизни у,

Агар ишонмасанг бу гал ҳам менга,  
Бориб кўргил унинг зарҳал пичоғин».«  
Сакраб турди Павел шу замон.  
Елица уйига югуриб борди:  
Синглиси тўшакда ухлаб ётарди,  
Бошида осиғлик зарҳал пичоги.  
Қинидан суғуриб каради Павел, —  
Пичок бўялганди кип-кизил конга.  
Силтаб тортди қизнинг оппок қўлидан:  
«Худо ургур сингил, бу нега, айтгин,  
Отхонада тўриқ оғни ўллирдинг,  
Боғда кўк лочиннинг уздинг бошини,  
Энди боламизни сўйибсан, нега?»  
Синглиси зор йиғлаб жавоб беради:  
«Мен эмас, акажон, жувонмарг бўлай  
Ва ёш ҳаётимиз ҳақки, касамёд!..  
Агар ишонмасанг менинг онтимга,  
Олиб чик майлига такир далага,  
Боғлагин югурик отлар думига,  
Улар судрасинлар оппок танимни,  
Садпора<sup>1</sup> килсинлар, розиман, майли».«  
Синглисига энди ишонмас aka:  
Олиб чиқди уни такир далага,  
Югурик отларнинг думига боғлаб,  
Судратиб хайдали отларни қувиб.  
Унинг томчи кони томган ҳар ердан  
Кирмизи лолалар, чечаклар унди.

---

<sup>1</sup> Садпора – юз пора.

Бегунох ва оппок тани устида  
 Катта черков бўлибди пайдо.  
 Шундан бир оз фурсат ўтгач, Павлиха  
 Бир оғир касалга бўлди мубтало,  
 Тўқиз йилча давом этди шу касал,  
 Бутун суюгидан ўтлар кўкарди,  
 Бу ўтга ин кўйиб ёвуз илонлар  
 Кундуз кўзин сўриб, тунда ётарди,  
 Илон Павлихани қийнарди шундай.  
 Охири эрига ялиниб деди:  
 «Арзим эшит, тўрам, мени олиб бор, –  
 Қайнин эгачимнинг черкови томон:  
 Зора, шифо топсам мен ўша жойдан».  
 Эри етаклади черковга томон.  
 Яқинлашар экан оқ уйга улар,  
 Бирдан у черковдан чиқди бир овоз:  
 «Келма, бу томонга, эй ёш Павлиха,  
 Бўлмайди сен учун бу жойда шифо».  
 Овозни эшитгач бу ёш Павлиха,  
 Ялиниб-ёлворди ўз хўжасига:  
 «Тўрам, Худо ҳакки, сўрайман сендан,  
 Олиб борма мени оқ уйга, тўхта!  
 Югурик отларнинг думига боғлаб,  
 Кенг, тақир далада судрат мени ҳам!»  
 Хотиннинг арзини тинглади Павел.  
 Югурик отларнинг думига боғлаб  
 Кенг, тақир далага қўйиб юборди.  
 Унинг томчи кони томган ҳар ердан  
 Тикан, кичитқонлар ўсиб чиқарди.

Унинг оппок тани қолған ўринда  
 Ажойиб, катта бир күл бўлди пайдо.  
 Тўриқ от шу кўлда сузив юрибди,  
 Унинг орқасидан зарҳал бешик ҳам;  
 Бешикнинг устига кўк лочин қўнган.  
 Үнда норасида гўдак ётибди;  
 Боланинг бўғзила онанинг кўли  
 Ҳамда аммасининг зарҳал пичоги.



### *Рамз Бобоғон таржимаси*

### **АЛОМАТЛАР**

Турли-туман аломатни кузат ҳар қачон,  
 Ёш болалик йилларидан подачи, дехкон,  
 Кўк ғарбига кўланкага кўз ташлаб бир дам,  
 Олддан айтар шамолни ҳам, очик кунни ҳам;  
 Айтар дала баҳрин очар ёмғир шарросни,  
 Узумларга хавфли бўлган эрта аёзни.  
 Агар оқшом оккуш сузив тинч сувда юрса,  
 Келишингдан хабар бериб, кичкириб турса,  
 Ёки ғамгин булутларга ботса куёш – нур,  
 Билки, эрта уйғотали кизларни ёмғир,  
 Ё урилар дарчага дўл: тонгда қишлиқи –  
 Шайланаркан ўриш учун бўлик бошокни,  
 Бўронларни эшишиб у чиқмайди ишга,  
 Яна қайта ялковланиб бошлар мудрашга.

## «ЖОНАЖОН ЮРТИНИНГ...»

Жонажон юртининг мовий осмони  
Остида зорикди, сўлди сарвиноз...  
Хазондек қовжираб ёшгина жони,  
Сояси устимда этали парвоз;  
Аммо орамизда мислсиз ғов бор,  
Мен туйғу уйғотдим қалбда бехуда:  
Локайдлар ўлимдан килди хабардор,  
Мен ҳам уни локайд тингладим жуда.  
Уни бенихоя севардим ахир;  
Оташин юрак ва ҳис билан бутун,  
Кўйида зорикиб, бўлиб мунтазир,  
Азоб-укубатдан гўё бир мажнун!  
Қани ғам, қани ишк? Кўнглимдан, ҳайхот,  
Ўтган тотли кунни этиш учун ёд,  
У шўрлик, соддадил бир соя учун.  
Сира тополмасман на кўз ёш, на ун.

## КУЙДИРИЛГАН МАКТУБ

Алвидо, эй ишк мактуби! Амр этди дилдор.  
Кўзим киймади-ю, қўлим бормади зинхор  
Кувончимни ташлаш учун ўтга кўп замон...  
Вақт-соати етиб келди: ишк мактуби, ён!  
Шайланганман: таъсир этмас ҳеч нарса менга,  
Варакларинг емирмоқда очкўз аланга...  
Бир нафасда!.. Ловуллайди... тўзғиган тутун  
Кўтарилиб, оҳ-зорим-ла йўколур бутун.

Вафодордан жудо бўлгандаги таассурот,  
 Ўтга тушган сурғуч қайнаб бикиллар... ҳайхот!  
 Шундай бўлди! Варақланди кора саҳифа,  
 Енгил кулда мактубдаги эзгу киёфа –  
 Окарди... юрак кисар. Эй мўътабар кул,  
 Гам-гуссали тақдиримнинг севинчи буткул  
 Қайгули шу кўксимда кол мен билан мангум...

## ЁЛВОРИШ

О, агар бу рост бўлса, тунда –  
 Битганида одамнинг умри,  
 Қабрларнинг тошига шунда  
 Ялт-ялт тушса кўқдан ой нури.  
 О, агар бу рост бўлса, шундок  
 Бўш колса тинч мозорнинг бари –  
 Мен Лайлига бўлиб кўп мушток;  
 Чорлайман: кел, дўстим, мен сари!

Авваллари кўринганингдай  
 Маҳбуб рухи, бўлгил намоён,  
 Сўнгги ғамлан ўзгариб чирой  
 Рангсиз, холсиз, киш кунисимон.  
 Кел, енгил куй ёки шамол, ё –  
 Олисдаги юлдуз сингари,  
 Кел, мисоли даҳшатли сиймо,  
 Менга фарқсиз: келгил мен сари!

О, сени мен чақиришим бу,  
 Севгилимни кек билан хазон –

Этгандарга таъна эмас-ку,  
 Ёки мени аҳён ва аҳён –  
 Кийнагандан шубхалар қахри,  
 Тобут сирин фош этиш эмас...  
 Ғамгин дейман: севаман пайваст<sup>1</sup>.  
 Сеникиман, келгил мен сари!

### СУВ ПАРИСИ

Кўл устида эманзор ичра  
 Паноҳ топиб роҳиб қай бир вакт,  
 Ибодагдан бўшамас сира,  
 Емас-ичмас, чекарди заҳмат.  
 Мана олиб белкуракни чол,  
 Ўзи учун гўр ковлаб колли  
 Ва ўлимни ўйларкан, дархол –  
 Ёдга эзгу номларни олди.

Кекса роҳиб ёз санасида  
 Худовандга ибодат этди –  
 Ғариф кулба остонасида  
 Эманзорлар уннишиб кетди;  
 Кўл остида буркиди гуман,  
 Осмон бўйлаб аста ой сузар  
 Оқ булутлар аро, дафъатан –  
 Роҳиб сувга ташлади назар.

<sup>1</sup> Пайваст – бу ерда: доимо.

Тикилди-ю, күркиб кетди у;  
 Не гап, ўзи англай олмас хеч...  
 Бир караса, кўпиарди сув,  
 Бир караса, яна бирдан тинч.  
 Бирлан... Тунги соядек енгил,  
 Чўккидаги кор каби оппок  
 Жувон чиқди, яланғоч соҳил –  
 Ёқасида ўлтириди шундок.

Роҳибга у ташлайди назар  
 Ва жикка хўл сочин тарайди.  
 Кекса роҳиб кўркиб калтирас  
 Ва гўзалга тўймай қарайди.  
 Уни жувон ўзга чорлаб тек.  
 Бош силкитиб килди-ю имо,  
 Ёйиб бўлди учган юлдуздек,  
 Мудроқ босган тўлқинлар аро.

Туни бўйи ухломади чол,  
 Ибодатга турмади кундуз:  
 Кўз олдини босиб ўй-хаёл.  
 Қиз сояси намоён ҳануз.  
 Яна кора кийди эманзор,  
 Ой сузади булутлар аро,  
 Сув бўйида жувон беозор  
 Ўлтиради рангсиз ва зебо.

Назар ташлар, бошини чайкар,  
 Олислардан ўпар ҳазилкаш,  
 Тўлкин билан ўйнар ва калкар,

Кулар, йиғлар болага ўхшаш,  
 Ва рохибни чорлар, урар ох...  
 «Рохиб, рохиб! Келгил мен томон!...»  
 Шаффофф мавжга چүкади ногоҳ;  
 Сукунатга тұлар ер-осмон.

Учинчи кун ошиқ бекарор  
 Келиб дилбар сохилга якин.  
 Паривашни кутди у такрор,  
 Эманзорга тушигунча салкин...  
 Тун зулматин қувди тоні; бирок –  
 Рохибни хеч тоңмадилар, рост,  
 Фақат сувда болалар оппок  
 Бир соколни күрдилар, холос.



### *Асқад Мұхтар таржимаси*

## ШОИР

Кутлуғ қурбон бўл деб, шоирдан ҳали  
 Талаб этмас экан Аполлон<sup>1</sup>,  
 У ювошлиқ билан, ғавғоли  
 Дунё ташвишидан чиколмас ҳамон;  
 Мукаддас лираси<sup>2</sup> сукунатда, лол;  
 Рухин музлай чулғайди уйқу,

<sup>1</sup> Аполлон – мусика, санъат ва шеърият худоси.

<sup>2</sup> Лира – илхом париси.

Дунёда бенафлар ичра, эхтимол,  
Хаммасидан бенәфроғи шу.

Лекин агар илохий бир сүз  
Сезгир қулогига урилса қитдай,  
Худди үйқусидан турған бургутдай,  
Шоир қалби титрар сабрсиз.  
Үйин-кулги тегар ғашыга,  
Одамлар миш-мишин ётсирап, севмас,  
Халкнинг хукмдори кошида  
Шоир магрур бошнини эгмас;  
Нотинч қалбда оҳанглар тошар;  
Ёввойи, шиддатли кўз қараашлари,  
Сахро тўлқинлари бағрига шошар.  
Шовуллаган ўрмонлар сари...

## КАВКАЗ

Кўз ўнгимда Кавказ. Ўзим юксакда,  
Қорли қояларнинг ёқасидаман;  
Бургут кўтарилиб олис чўккидан  
Мен билан тенгллашиб аста сузмакда.  
Бу ердан кўраман илк сел тошкинин,  
Корларнинг дастлабки кўркинч боскинин,  
Тағимда булутлар оқади аста;  
Булут аро гувлаб шалола тошар;  
Остида баҳайбат қок қоятошлар;  
Нимжон ўт, куриган чангалзор пастда;  
Кейин, дарахтзорлар, салкин ўтлоклар.  
Күшлар тинмай сайрап, кийик ўйноклар.  
Одамлар маконин кўрмиш тоғ аро,

Бўлик киялиғда ўтлайди пода,  
 Чўпон ўрлаб борар кувнок воҳада,  
 Арагва шошади кўк кирғок аро.  
 Дарапар пана жой юпун отликка,  
 Терек<sup>1</sup> ўйноклади бебош шодликда;  
 Ўйноклару, гўё кафас туткуни.  
 Ем кўрган ёш йиртқич каби пиширипар;  
 Бехуда қаҳр-ла кирғокка урар.  
 Кояларни ялар очкўз тўлқини...  
 Ҳайҳот! На қувонч бор унга, на сим бор:  
 Уни лол қоялар сикар шиддаткор.

## МЕҲНАТ

Тотли дам бу: неча йиллик меҳнатимни тугатдим.  
 Нега тагин сирли ҳасрат нотинч килар кўнглимни?  
 Ё улкан иш бажарилгач, турибман, ҳаккин олиб –  
 Бекор қолган мардикордек, бўлак ишга бегона?  
 Ё муқаддас куйчиларнинг, олтин тонгнинг дўстини,  
 Туннинг тилсиз ҳамрохини – меҳнатимни  
 кўз қиймас?

## ЎСМИРГА

Совук денгиз соҳилида тўр ёймоқда балиқчи;  
 Бола унга карашмоқда. Балиқчини кўй, ўсмир,  
 Сени ўзга истиқболлар, ўзга ташвишлар кутар;  
 Сенаклар овлагайсан, қарашигайсан шоҳларга.

<sup>1</sup> Терек – Кавказдаги дарё.

## ГАЙДУК<sup>1</sup> ХРИЗИЧ

Гор ичида, чакир тошлар аро  
 Дадил гайдук Хризич беркинди.  
 Катерина – унинг хотини  
 Икки ўғилчаси билан ёнида.  
 Чиколмайди улар бу ѡордан –  
 Ёвуз душман пойлаб турибди,  
 Агар жиндак бош кўтарсалар  
 Кирк милтиққа бўларлар нишон.  
 Таом кўрмадилар уч кеча-кундуз,  
 Тошлар чукурида тўпланган  
 Ёмғир сувин ичдилар фактат.  
 Тўртичи кун балкили қўёш.  
 Чукурликда сув куриб битди.  
 Катерина оҳ тортди шунла:  
 «Раҳм-шафқат кил, Парвардигор!»  
 Шундаёқ йиқилиб жон берди.  
 Хризич унга караб юм-юм йиглади;  
 Ўғиллар йиглашга қилмади журъат,  
 Хризич юзин четга бургандা  
 Кўз ёшларин артдилар холос.  
 Бешинчи кун, ақлдан озиб,  
 Ухлаган кийикка бокқан бўридай,  
 Она жасадига тикилди ўғил.  
 Буни кўриб кўрккан кичиги

<sup>1</sup> Гайдук – Болкон ярим оролида ва Венгрияда турк сultonларининг истиблодига карши курашган кўзғолончи-партизан.

Акасига қараб қичкирди:  
«Жонингни кийнама, акажон!  
Ичгин менинг иссиқ қонимни,  
Бунда агар очликдан ўлсак,  
Кечалари чиқиб қабрдан  
Ухлаган душманнинг конин сўрармиз».  
Хризич туриб, дер уларга: «Бас!»  
Очлик, ташналиқдан ўқ афзал».  
Шунда учови ҳам қоядан настга  
Кутурган бўридай сакраб чопдилар.  
Ҳар бирин ўлдирди етти душманни  
Ва ҳар бирин еди етти ўқ;  
Душман киркиб уларнинг бошин,  
Найзаларга санчиб кўтарди.  
Аммо ёв уларга боколмади тик –  
Хризичлар душманга шу қадар даҳшат.

## БУДРИС ВА УНИНГ ЎҒИЛЛАРИ

**Адам Мицкевичдан**

Будрисда бор уч ўғлон, литвалик уч навқирон,  
Келди улар кошига чол маслаҳат солгани.  
«Эгарларни килинг тахт, от шай бўлсин ҳамма вақт.  
Чархлаб кўйинг, болалар, килични, ойболтани.

Ҳақикатдир шу хабар: уч томонга баробар  
Юриш килиш нияти Вильнода туғилипти.

Ҳоким Кестут русларга, Ольгерд эса прусларга,  
Паз полякларга қарши юриш қымкын бўлипти.

Сиз хали навқиронсиз ва абжир паҳлавонсиз,  
(Ҳамманг Литва худосин паноҳида омон бўл!),  
Чиколмайман сафарга, сизни йўллай зафарга;  
Учовлонсиз, учингизга мана учта очик йўл.

Ҳаммангга улуш катта: биринг Новеградда  
Руслардан ўлжа олиб, яшай берсин бадавлат.  
Рус хотинлар хушбичим, эгнида қиммат кийим,  
Рўзгорида мўлчилик, сахийлик расм-одат.

Бирингиз пруслардан, лънати иблислардан  
Қимматбаҳо нарсалар топа олар бир талай,  
Дунё-дунё пул унда, мовутлар гул-гул унда,  
Каҳрабо-чи<sup>1</sup>, бехисоб, дengиздаги қумлардай.

Паз билан учинчингиз ляхни урсин кўркувсиз:  
Польшада моли-давлат, зеби-зийнат кўп эмас,  
Олса арзир шамширин; аммо у ердан биринг;  
Аминманки, уйимга келинсиз кайтиб келмас.

Поляк қизидан гўзал малика йўқдир азал,  
Печь ёнида ўйнаган мушукчадай хушчакчак –

---

<sup>1</sup> Каҳрабо – сарик тусли қимматбаҳо тош.

Йилтиллар кўзлари ҳам, худди ёнар икки шам,  
Атиргулдай кирмизи, юзлари момокаймок.

Ҳали йигит эканман, каллиғ олиб келганман,  
Ҳай болалар, ўзим ҳам шу Польшага борганда.  
Мана қариб қолсам ҳам уни эслайман ҳар дам  
Ҳамон ўша томонга кўзим тушиб колганда».

Ўғиллар кўл сиқишиди ва сафарга чиқишиди.  
Кўз тикар йўлларига уйдан жилолмаган чол.  
Кунлар ўтар басма-бас, биронтаси ҳам келмас,  
Ўлдирдилар шекилли, деб Будрис қилди хаёл!

Кор ёғали гуниллаб, отлик келар дукурлаб,  
Чакмонининг тагида каттагина бир тугун.  
«Ўглим, совғами? Нима? Оббо, сен-ей, пулми-а?»  
«Йўқ, отажон, пул эмас, поляк қизин келтирдим».

Пага-пага кор тушар, отлик шамолдай учар.  
Қора чакмон остига яширипти бир тугун.  
«Чакмонингда нима бор? Мовут эмасми гулдор?»  
«Йўқ, ота, мовут эмас, поляк қизин келтирдим».

Кор ёғади гупиллаб, сўнгги отлик дукурлаб,  
Қора чакмон остида олиб келар бир тугун.  
Чол Будрис тиним билмас, сўрагиси ҳам келмас,  
Бирданига уч тўйга меҳмон чакиравар бугун.



*Рустам Комилов таржимаси*

## ҚИШКИ ЙЎЛ

Тарам-тарам туман оралаб,  
Ўзига йўл очиб борар ой,  
Ғам-ғуссали ўтлоққа қараб,  
Ғамгин нурин сочиб борар ой.

Киш йўллари кўнгилсиз бирам,  
Учиб борар тройка<sup>1</sup> ўқдай,  
Дилтанг килиб кўнгирикча хам  
Бир оҳангда жаранглар тинмай.

Бир якинлик хис этилади  
Ямшиқ<sup>2</sup> айтган узун кўшикда:  
Гоҳ жасорат эшитилади,  
Гоҳо эса аламли ғусса...

На чироғ, на қорайган уй бор,  
Қаршимда-чи, кор билан хилват...  
Йўлда чақрим белгиси – чипор  
Устун учраб туради факат.

<sup>1</sup> Тройка – уч отли извош.

<sup>2</sup> Ямшиқ – аравакаш.

Дил маңзун, зик... эртага, Нина,  
 Хузуринга албат қайтаман.  
 Хурсанд бўлиб камин<sup>1</sup> ёнида  
 Бокажакман сенга тўймасдан.

Янграб соат стрелкаси  
 Босар аник доирасини.  
 Ҳайдаб шилкимларнинг ҳаммасин,  
 Тун айирмас мен билан сени.

Нина, йўлим руҳсиз, дилда ғам.  
 Ямшигим ҳам мудраб жим бўлди,  
 Бир хилди жаранглар қўнгирикча ҳам,  
 Ой ҳам туман билан тўсилди.



### *Шухрат таржимаси*

### «ШУНДАЙ ЭДИ...»

Шундай эди, шундай бўлар хали ҳам,  
 Бу қадимдан қолган ибрат, йўл-йўрик.  
 Билимдон кўп, лекин окил, доно кам,  
 Таниш-билиш саноксиздир, дўст-чи, йўқ!

<sup>1</sup> Камин – ўчоксимон уй печи.

## ЧОЛ

Киборлар олами танг қолган  
Серзак ошик энди мен эмас.  
Баҳор, ёзим, ох, ўтиб бўлган,  
Иzlари ҳам энди кўринмас.  
Ёшлик йиллар тангриси Амур,  
Сенинг содик мухлисинг эдим.  
Агар қайта туғилсан, билур –  
Эдим қандай хизмат килмоғим!

## КЎЗ ЁШИ

Кечада, куйиб арғувон бода  
Гусар билан ўлтирас эдим.  
Ўйчан, ҳасрат бўлса зиёда,  
Узок йўлга термилар эдим.  
«Нега боқдинг йўлга бунчалик? –  
Бериб қолди гусарим сўрок. –  
Шукур килки, бу йўлга ҳали  
Дўстларингни кузатганинг йўқ».  
Шу чоқ эгиб кўксимга бошим,  
Дедим унга охиста: «Гусар,  
Менинг-ла йўқ эркам, йўлдошим».  
Жим қолдим, ох, дилни гам эзар.  
Кипригимга тизилган кўз ёш  
Томчи-томчи қадаҳга оқди.  
«Киз учунми шунчалар йиглаш?  
Уял», – деди, гусар тутокди.  
«Кўй, қалбимни тирнама, гусар,

Куймаганга ўхшайсан ҳали.  
Хайхот, томчи кўз ёши етар  
Бир кадаҳни заҳарлагали!»

## **ДЎСТЛИК**

Эшитдимки, бу ёруғ олам  
Дўстлик билан гўзалдир факат.  
Унингиз хеч йўклир шодлик ҳам,  
Ҳаёт йўли унингиз даҳшат.  
Аммо қалбда бор ўзга туйғу:  
Ҳам эркалар, ҳамда қиймалар.  
Фароғатда, меҳнатда ҳам у  
Мижжа коқмас, доимо ёнар.  
У, берахм, азоб берувчи,  
Яллиғи зўр чукур жароҳат;  
Қалбимизни сиёҳ қилучи,  
Аммо ўзи бағишлар ҳаёт.  
У деганим эҳтирос, унинг –  
Дарди билан куйиб яшайман,  
Гул ёшлигим сўлмоқда менинг,  
Лек соғаймоқ... ҳеч истамайман.

## **ҚУШЧА**

Ватаним одатин бегона элда  
Мен мукаддас билиб бажармоқдаман:  
Баҳор байрамида – гўзал сайлида  
Кушчага эрк бериб учирмоқдаман.

Күнглим шундан топар тасалли – ором  
Худодан нолишим ўринли эмас,  
Ахир, мен озодлик этолдим инъом  
Акали биргина жонга бу нафас!



### *Эркин Воҳидов таржимаси*

## **СЕН ВА СИЗ**

Ҳавойи Сиз ўрнига янгиш  
Қиз ногаҳон Сен дея айтди.  
Шу дилбар сўз кўнглимда ёниш,  
Ўйларимда орзу уйготди.

Термуламан сўз дерга ожиз,  
Сехри тамом ром этган мени.  
Сиртда дейман: қандай яхшисиз,  
Қалбда эса: севаман Сени.

## **ХОФИЗДАН**

Жанг шовкини лилда уйғотма,  
Ёнма, йигит, зафар, шон билан.  
Қонли харбга<sup>1</sup> ўзингни отма  
Корабоғлик оломон билан.

<sup>1</sup> Ҳарб – жанг, уруш.

Балки сени ўлдирмас қотил,  
Майдон аро, киличлар аро.  
Барнолигинг кўрган Азроил  
Юбормагай бемаҳал казо.

Бир нарсадан қўркаман фактат:  
Ошно бўлиб жангда бебоклик<sup>1</sup>,  
Сенда колмай дилбар назокат,  
Бу майнинлик, гўзаллик, поклик.

### ЭПИГРАММА

Таъна билан жонимга тегдинг,  
Жавоб сенга муҳтасар<sup>2</sup>, ошнам.  
Ҳа, мен ишchan эмасман, лекин  
Сен омилсан ялковликда ҳам.

### ЭПИГРАММА

Иллатлари ҳаддан зиёда,  
Нопок яшаб келди бу одам.  
Гунохларин ёйса дунёда  
Жой колмагай кўймокка қадам.

Инсоф кирди унга нихоят,  
Аста-секин йўл топди тўғри.  
Мана энди дуруст, хайрият,  
Номи бўлди қартабоз ўғри.

<sup>1</sup> Бебоклик – шафқатсизлик, беражмлик.

<sup>2</sup> Муҳтасар – кисқа, ихчам, лўнда.

## КАРЛАР

Кар карни кар козининг хукмига тўғрилади,  
Кар деди: «Бу кар менинг молимни ўғрилали».  
Кар карга жавоб берди: «Бекор айтибсан, эй кар,  
Сен айтган у қўрикка етти пуштим дон экар».  
Кар кози хукм килди, пок иш бўлсин, бир йўл бор,  
Йигитни уйлантиринг, қиз бўлса ҳам гуноҳкор.



*Абдулла Орипов таржимаси*

## ЎТИНЧ

Ўзинг асра энди мени, туморим,  
Кувғин чоғларимда мени асрай қол.  
Қалбимни чулгаса шубҳа ва малол,  
Ўзинг асра энди мени, туморим.

Тўлкинлар бузишиб сабру карорим,  
Теграмни чулғашиб олсалар мутлок,  
Булутлар солсалар вахший қалдирок,  
Ўзинг асра энди мени, туморим.

Бегона элларда ёзим хуморим,  
Эринчак сукунат қўйнида қолсам,  
Оловли жанг ҳиссин қалбимга солсам,  
Ўзинг асра энди мени, туморим.

Сирли ва муқаддас офтобузорим<sup>1</sup>,  
 Алдокчи, гаройиб, лазиз туйғулар...  
 Хиёнат күкида ботдилар улар...  
 Ўзинг асра энди мени, туморим.

Ўтган хотиралар – дилдаги зорим,  
 Қалбим жароҳатин тирнамасин, бас,  
 Алвидо, умидлар, тинч ухла, ҳавас,  
 Ўзинг асра энди мени, туморим.

### **«ҲАММАСИ ТУГАДИ ...»**

Ҳаммаси тугади, орамиз очик...  
 Сўнг бор қўлларингни ўпаркан, пари,  
 Шаънингга тўқийман мунгли бир қўшиқ,  
 Тинглайман жавобинг: «Тугади бари...»  
 Энди алдовларни килмасман расм  
 Ва сени алам-ла ахтармок нечун?!  
 Ўтди... ўтганларнинг унут ҳаммасин.  
 Севиги яралмаган факат мен учун.  
 Сен ёшсан, қалбингнинг гўзал маҳали,  
 Севимли бўларсан кўпларга ҳали...

### **ҲИКМАТ**

Кулбада биттагина шам ёниб турар эди,  
 Равшан бўлди ёқишигач яна битта шамчирок.  
 Бежиз эмас, қадимги донолар деяр эди:  
 Тўй яхшию ва лекин кенгашли тўй яхширок.

<sup>1</sup> Офтобузор – куёш юзли.

## ЯНГИЛИК

«Хўш, дунёда нима гап, канака янгилик бор?» –  
У эса тура берди бежавоб, ютиб нафас.  
Охир деди: «О, дўстим, эзмалик кимга даркор,  
Сен – ахмоксан, бу эса асло янгилик эмас».

## ТЎҒРИ БАШОРАТ

«Касалим тузаларми?» – Шер эшакдан сўради.  
Эшак эса ўйламай деди: «Аё шоҳ жаҳон,  
Ўлмасангиз, яшайсиз, ўлмаганлар туради».  
Икки карра икки – тўрт, бу эшакка хам аён.



*Муҳаммад Али таржимаси*

## ДЕМОН

Сирли олам қошида илк бор  
Ҳайратларга тушган кунларим, –  
Қиз нигоҳи, шовкин ўрмонзор,  
Тунда оқкан булбул унлари,  
Баландпарвоз олий туйғулар,  
Ҳурлик, шараф, ишқий аланга,  
Дурри санъат, илҳом, ёғдулар  
Ўт солганда жон ила танга –  
Умил, роҳат – барига ногоҳ

Соя солиб ғамли ва нолон,  
 Кандайдир бир ёвуз рух гоҳ-гоҳ  
 Келар эди кошимга пинҳон.  
 Ғамли эди бизнинг мулокот:  
 Табассумдан то нигоҳ қадар,  
 Аччик-аччик сўзлари бедод  
 Куяр калбга мисли муз заҳар.  
 Бўхтонлари беҳад, bemisol,  
 Келажакни синааб кўради;  
 Гўзалликни атарди хаёл;  
 «Илхом – ирганч» деб наҳс урагди;  
 Ишонмасди, эрк, ишқка буткул,  
 «Яшаш – кулги», – дерди доимо.  
 Табиатда ҳеч нарсага ул  
 Эзгуликни кўрмади раво.

## ШОИРГА

Шоир! Халкнинг меҳрига ҳеч тикиб юрма кўз!  
 Мактовларнинг ўтажакдир оний шовқини,  
 Эшитарсан галварс тўда ҳукмини маъюс,  
 Қойим<sup>1</sup> бўлу осуда тут кўнгил лавҳини.

Сен подшосан: танҳо яша. Эркка буриб юз,  
 Ҳур идрок-ла топа билгил хурлик завқини,  
 Ардоқлагил хуш ўйларинг самар-шавкини,  
 Мардлигинг-чун эхсон кутма, очма бундан сўз.

<sup>1</sup> Қойим – баркарор. событ.

Үзингдадир эхсон бори. Сен олий хакам,  
Қаттиқкүлсан ўз-ўзингга сен барчадан хам.  
Күнглинг түкми ёзганингдан, эй сохибкамол?

Күнглинг түкми? Майли, авом койиса уни.  
Булғаса-ю шамъинг ёнган меҳроб юзини,  
Минбарингни ўйин қылса болалар мисол.

### «ОРАМИЗДА ЯШАГАНДИ УЛ...»

Орамизда яшаганди ул<sup>1</sup>  
Унга ёт кавм аро; күнглида зарра  
Йўк эди бизларга кину адоват.  
Биз уни севардик. Ювош, беозор  
Бари сухбатларга қўшилар эди,  
Бахам кўришардик тиник орзулар,  
Кўшикларни бизлар (илхоми кўқдан,  
Ҳаётга хам кўқдан боқарди). Тез-тез  
Сўйларди келажак замонлар ҳакда,  
Дердики: «Низони унутиб халклар  
Улуг оиласа бирлашажаклар!»  
Очикиб тинглардик шоирни. Гарбга  
Жўнаб кетди шоир – тилашиб ок йўл,  
Хўшлашиб қолдик биз. Бирок-чи энди,  
Ювош меҳмонимиз ёвлик килмоқда –

<sup>1</sup> Шеър улуг поляк шоири Адам Мицкевичга багишланган.

Бевош оломоннинг раъйига караб,  
Шеърий пардаларга жойлабон нафрат,  
Захар куймоқдадир каломларига.  
Қаҳрвор шоирнинг саси олисдан  
Эшитилиб турар!.. О, Тангри, ўзинг  
Дарғазаб қалбига тинчлик ато эт,  
Ва унга қайтаргил...

### «ЖАНГЛАР МАЪЛУМ ...»

Жанглар маълум – хуш кўраман қиличлар сасин,  
Аскарий шон-шуҳратларга ихлосим баланд.  
Қонли жанглар жарангоси кўнглим айлар банд,  
Ўлим ҳақда ўйларга гоҳ келар ҳавасим.

Эркнинг содик алп жангчиси мардона босиб  
Гар ўлимга келолмаган эрса рўбарў.  
Шодмонликнинг том маъносин англамабди у,  
У – дилдорлар бўсасига эмас муносиб!

### ЎЧ ОЛИШ ҲАҚИДА

Асалари айикнинг бошини чакиб олди,  
Ўч олмокчи эди-да мумкатақ асал учун.  
Не бўлди дент? У ўлди, найзаси ичда қолди,  
Ўч олмокчи бўлганнинг иши шунака хуржун.



*Абдулла Шер таржимаси*

## ҚУРЬОНДАН ИҚТИБОС

*П.А. Осиповага бағыншынады*

### I

Онт ичаман жуфту ток ҳакки,  
Килич ҳакки, ғазоват ҳакки,  
Онт ичаман мен Зухро ҳакки,  
Хуфтондаги ибодат ҳакки:

Айт-чи, сени қачон тарк этдим?!  
Мен гүшаи таскин ичра, айт,  
Бошин силаб, кимни беркитдим  
Синчил нигох таъкиб этган пайт?!

Мен эмасми, сен – ташна учун  
Сахро сувин йўқдан бор килган?  
Мен эмасми, тилингни бутун  
Ақлларга ҳукмдор килган?

Мардона бўл, ёв бил ёлғонни,  
Ҳак йўлидан дадил юр, марғуб,  
Етимларни суюб, Куръонни  
Кулларимга айлагил тарғиб.

## II

Эй, Расулнинг пок аёллари,  
 Устуворсиз жами аёлдан:  
 Сизга даҳшат – фисқ хаёллари.  
 Сиз оромбахш гўша ичра шан,  
 Маъсум яшанг: сизгадир мерос  
 Биби Марям ёпинган либос.  
 Садокатли қалбни асрангиз  
 Ҳалол оғуш, кутлуг ишк учун,  
 Осийларнинг назари бу кун  
 Юзингизга тушмагай харгиз!

Сизлар эса, эй саҳобалар,  
 Муҳаммадга бўларкан меҳмон, –  
 Зинхор уни ғайри йўл томон  
 Бошламоқдан қилинг тавбалар.  
 У илоҳий ваҳийга шайдо –  
 Яшар экан, боқмагай асло  
 Мадхиялар, ҳиссиз сўзларга:  
 Шукр дея, эъзозлаб базмин.  
 Пок дил билан қилингиз таъзим  
 Уйидаги ёш канизларга.

## III

Қавок уйди, кўнгли ғашланиб,  
 Кўр шарпасин сезган пайғамбар:  
 Югурап-у, ёмонлик яниб,  
 Дилга рахна солишга қўрқар.

Каломулло, сенга, пайғамбар,  
Берилмаган шаккоклар учун.  
Тарғиб айла Қуръонни, магар  
Осийларни зўрламоқ нечун!

Нимасига кеккаяр инсон –  
Түғилгани учунми ожиз?  
Қўғирчоқдек яшаб нотавон,  
Сўнг ўлгани учунми ожиз?

Тангри аввал ўлдириб фаршда,  
Сўнг жон ато этганигами?  
Кунларини қўриклаб Аршда –  
Қисматга жо этганигами?

Ё бергани учунми ризқ-рўз,  
Зайтунни ҳам, хурмо, нонни ҳам?  
Мехнатини олқишлиб бесўз  
Токзорни ҳам, пайкал, донни ҳам?

Сур тортади, бирок, Исрофил:  
Ерда қўпар қиёмат куни:  
Онасидан безади ўғил,  
Оғасини тарқ айлар ини.

Қути ўчиб шунда қўркувдан,  
Барча энур Тангрини таниб  
Ва осийлар кулар юзтубан  
Ловиллаган ўтга чулғаниб.

## IV

Кўп калимда, колир Яратган,  
 Кибрдан маст ҳоким бир куни  
 Баслашмоқчи бўлди сен билан;  
 Босиб қўйдинг; лекин, сен уни.  
 Дединг: «Ерга баҳш этиб ҳаёт,  
 Жазоларман ўлим билан бот,  
 Измимдадир менинг бор дунё».  
 «Мен хам, - дсди у, - бериб ҳаёт,  
 Жазоларман ўлим билан бот:  
 Мен сен билан тенгман, эй Худо».  
 Лек сендаги илохий шахтдан  
 Ўчди осий такаббур уни:  
 «Мен чикардим қуёшни шарқдан,  
 Қани, чикар ғарбдан сен уни!»

## V

Ер турғундир; гумбази само  
 Дастингдадир, дастинг толмагай,  
 У қуруклик ё сувга асло  
 Кулаб, бизни босиб қолмагай.

Сен қуёшни ёқдинг, Яратган,  
 У ёритгай еру қўкни тек  
 Биллур ичра ёғду таратган  
 Зайтун мойи сингган пиликдек!

Яратганга сифин, у кодир:  
 Жазирама кунда химоя;

Булутларни кўкка йиғадир;  
Бахш этадир оғочга соя.

У шафиқдир: у Муҳаммадга  
Очди порлок Куръонни Аршдан;  
Топинайлик нури абадга,  
Кўзимиздан арисин туман.

## VI

Кирмадингиз тушга бехуда  
Салла ўраб, айтиб такбирлар,  
Қўлда тутиб қонли шимширлар  
Сиз хандақда, қалья устида.

Тингланг шодон даъват сасини,  
Ўтли сахро ўғлонлари, сиз!  
Канизларни асир олингиз,  
Бўлашингиз жанг ўлжасини!

Сиз енгдингиз: сизга шон кулар,  
Қўркокларнинг ахволи хароб.  
Ғазоватга бермади жавоб  
Сирли тушга инонмай улар.

Сукланганча ўлжага бу дам,  
Қилмишидан пушаймон, секин,  
Кўшиб олинг, дерлар, бизни ҳам:  
Сизлар эса рад этинг кескин.

Жангда шаҳид кетгандар албат  
 Жаннатмакон дея олди ном.  
 Улар энди дохилсиз ором,  
 Фароғатга чўмди то абад.

**VII**

Қўзғол, эй хавфнок:  
 Бу тун горингда  
 Муқаддас чирок  
 Ёнур тонгтча.  
 Силкий тоат-ла  
 Кувгил, пайғамбар,  
 Фамгин ўйларни,  
 Нопок рўёни!  
 Тонгтча тоат,  
 Ибодат айла;  
 Арш китобини  
 Ўки тонгтча!

**VIII**

Виждонингни сотиб рангпар факирлик узра,  
 Эҳсон сочма сен тамагир кўл билан сира;  
 Аршга макбул бўлгай факат тўлиқ саховат,  
 Маҳшар куни бўлиқ ҳосил берган ер монанд,  
 Уруғ сочган, баҳтли ихлосманд,  
 У юз карра тақдирлагай заҳматинг албат.  
 Лекин агар бу дунёда феълинг қилиб тор,

Сен хасислик билан тутсанг гадога нисор,  
 Бахил кўлинг юмиб турсанг оғриниб, малул,  
 Билки: берган хайр-эҳсонинг харсангдан жала  
 Ювган гарддек кетар бир йўла, –  
 Яратганинг даргоҳида бўлмагай қабул.

## IX

Сўнг хорғин йўловчи шаккоклик қилди:  
 Сув ила сояни Тангри деб билди.  
 Саҳрода гентираబ уч кеча-кундуз,  
 Ҳарорат ва чангдан зўрга очиб кўз,  
 Боқаркан атрофга ноумид, иолон,  
 Ҳурмою кудукни кўрди ногаҳон.

У танҳо хурмога отди ўзини,  
 Ёрилган тилию қақрок кўзини  
 Оромбахш сув ила сарафroz этди,  
 Сўнг хачир ёнида уйқуга кетди  
 Ва ўтди устидан йиллар карвони:  
 Бирубор Тангрининг шудир фармони.

Келганда йўлчига уйғонмок они,  
 Кўз очиб тинглади олис ниғони:  
 «Кўпданми уйқуга кетдинг саҳрода?»  
 У жавоб беради: «Кечга самода  
 Чошгоҳнинг қуёши кезарди юксак,  
 Чошгоҳдан то чошгоҳ ухлабман, демак».

Нидо дер: «Йўқ, йўлчи, ухладинг узок,  
 Ётганда ёш эдинг, карибсан-ку бок,  
 Бок, хурмо ўринида бир ҳовуч кукун,  
 Бу сувсиз масканда куримиш бутун  
 Кум босган ул қудук – сахро булоги;  
 Бок, ётар окариб ҳачир чаноғи».

Ғам билан ох тортди бир лаҳзалик чол  
 Қалтирок бошини эгиб bemажол...  
 Мўъжиза рўй берди шу дам саҳрода:  
 Барига жон кирди, янги жилода  
 Яна бош силкиди эпкиндан хурмо,  
 Яна сувга тўлди кулук рухафзо.

Оқарган сўнгаклар тикланиб бир-бир.  
 Вужудга кирди-ю, ҳанграли ҳачир;  
 Йўлчи кувонч туйди, кучи жўш урди,  
 Конида тирилган ёшлик гупурди;  
 Илохий бир ҳайрат қўзғолди унда:  
 Худони ёд айлаб йўл олди шунда.

## ДЎСТЛАРИМГА

Йўқ, хушомад килмасман, ҳар гал  
 Шохга эркин битаркан мактов:  
 Англатгайман туйғумни дарров,  
 Сўзлагайман юракдан дангал.

Севиб колдим жүнгина, сабаб.  
У сезгиру адолатли шох;  
Жонлантирди Русни ёр айлаб  
Уруш, умид, меҳнатта ногох.

Гар конида ёшлик жүш урап.  
Лекин эмас қаттол, бадкирдор;  
У кимники қатл этса ошкор,  
Гунохини хуфя кечирар.

Умрим менинг ўтди сургунда;  
Жабрин тортдим айрилик йўлин.  
Аммо ногоҳ шохона қўлин  
У чўзди-ю, мен яна бунда.

Илҳомимга эҳтиром билан  
У фикримни айлади озод.  
Унга меҳрим товланиб, дилдан  
Куйламасам мадхия, наҳот?

Хушомадгўй! Йўқ, дўстлар, у кув:  
Шоҳ бошига келтирап оғат,  
Шоҳнинг барча фармонилан у  
Четлатади шафқатни факат.

У дер: халкни ёмон кўр, ёмон,  
Табиатнинг майин сасин бос,  
Маърифатнинг меваси, инон,  
Бузуқлигу исёндир, холос.

Тахтга факат хушомадгүй, кул  
 Якин бўлган юрт – баҳти каро,  
 Худо суйган шоир-чи, малул,  
 Жим, кисматга бокар ғамсаро.

\* \* \*

Танишдир менга жанг, тиғлар куйи ҳам;  
 Жанговар шуҳратни ёшлиқдан сўйдим,  
 Конли эрмакларга ишқимни қўйдим,  
 Қалбимга хуш ёқар ўлим ўйи ҳам.  
 Эй, эркнинг жувонмард жангчиси, бир дам  
 Кимда-ким ўлимга қамти келмагай,  
 Демак, у кувончнинг тотин билмагай,  
 Нолойик гўзаллар бўсасига ҳам.

\* \* \*

Гуржистоннинг лардларин, гўзали,  
 Куйламагил чок этиб дилни:  
 У эслатур менга хар маҳал  
 Ўзга ҳаёт, олис соҳилни.

Ёдга солур, ҳайхот, ундаги  
 Шафқат билмас оҳанг куюни  
 Дашиб туనни ва ойдиндаги  
 Олис, шўрлик кизнинг рўйини!..

Ёзмишдаги шарпани мен gox  
 Унугтайман сенга бокиб лол;  
 Лекин сен-чи, куйлайсан – ногоҳ  
 Такрор уни кўргайман яққол.

Гуржистоннинг дарлларин, гўзал,  
Куйламагил чок этиб дилни;  
У эслатур менга ҳар маҳал  
Ўзга хаёт, олис соҳилни.

\* \* \*

... ГА

Сўрама, қайғули ўй билан нечун  
Шавқли базмларда дилгирман бот-бот.  
Нечун мен атрофга боқаман нигун,  
Лаззатли хаётнинг ўйи менга ёт;

Сўрама, мен нечун совук қалб билан  
Юз буриб шўх ишқдан, зинхор-базинхор  
Демадим хеч кимни *азизам*, зотан,  
Ким севса бир бора, севмагай такрор;

Ким билса гар баҳтни, билмагай такрор.  
Қисқадир берилиган роҳат умри, сўнг –  
Ёшлиқдан, лаззатдан, сафодан ёдгор  
Колгусидир факатгина мунг...

\* \* \*

Асра мени, асра, туморим,  
Асра қувғин, саргардон пайтим,  
Безовтаю пушаймон пайтим:  
Эй қайғули кундан ёлгорим.

Бахри мухит титратиб борим,  
 Булутларни елдириб олға,  
 Күтартганда теграмда долга –  
 Асра мени, асра, туморим.

Хорижларда битиб карорим,  
 Ёт оромдан безган чоғимда,  
 Жанг шиддатин сезган чоғимда  
 Асра мени, асра, туморим.

Тотли ёлғон – күтлүг шарорим,  
 У – калб учун сехрли ёғду...  
 У – бевафо, ниҳон бўлди у ...  
 Асра мени, асра, туморим.

Қалб ярасин, эй, дўсту ёrim,  
 Тирнамасин хотир – мустабид.  
 Ухла, орзу; алвидо, умил;  
 Асра мени, асра, туморим.

\* \* \*

Тасодифий, беҳуда ҳиммат, –  
 Нечун ато этилдинг, хаёт?  
 Яна нечун сен сирли қисмат  
 Амри билан маҳкуму барбод?

Ким, айт, мени ғаразли қудрат  
 Ила пастдан кўтариб чандон,  
 Шавққа қалбим тўлдириб беҳад,  
 Нотинч этди ақлим гумондан?..

Мен билмайман мақсад завкини:  
 Юрак бўм-бўш, идрок – бехуда,  
 Бир хилдаги хаёт шовкини  
 Куритади тинкамни жуда.

\* \* \*

Тентийманми кўча бўйлаб гоҳ,  
 Кираманми гавжум жомега, –  
 Бўламанми ёшларга ҳамроҳ,  
 Ўйлар мени тортар домига!

Дейман: йиллар учар бесабр,  
 Сафлар қанча бўлмасин тигиз,  
 Биз йўқликка сингамиз бир-бир, –  
 Балки кимдир жон берар шу кез.

Тикиламан: яккахол эман,  
 Ўрмонларга ул нуроний пир  
 Қадимданки шовуллаб турган, –  
 Мендан сўнг ҳам кўтар кўп умр.

Чакалокни эркалатсам ҳам  
 Ўйим шудир: алвидо, ниҳол!  
 Сенга ўрин бўшатиб бу дам,  
 Мен сўлгайман, сен яшна хушхол!

Одат: хар кун, ҳар йилни синчил  
 Ўйлар билан кузатмоқ, зотан –

Менга ўлим келтиргувчи йил  
Аён бўлса дейман олдиндан.

Раво кўргай ўлимни тақдир  
Жангдами ё йўлда, тўлкинда?  
Олгаймикан ё қўшни адир  
Жасадимни бағрига тунда?

Жонсиз вужуд, қайда бўлса ҳам  
Чиримоги мукаррар, лекин  
Истар эдим, ҳар қалай, ётсан  
Жондан азиз юртимга якин.

Саганамнинг кошида ул вакт  
Бир ёш ўғлон, майли, ўйнасин  
Ва бу лоқайд, ям-яшил хилкат  
Ёшаришни мангу қўймасин.

\* \* \*

Оздирмагил аклдан, Худо.  
Ундан авло тўрваю асо;  
Ундан захмат, ранж авло.  
Бу – ақлимни қалр килганим,  
Айрилмокни даҳшат билганим  
Учун эмасдир асло:

Ўз эркимга қўйсалар, ул кун  
Яйраб-яйраб, мисли шўх қулун

Чопардим ўрмон томон!  
Мен энтикиб куйлардим қўшик,  
Унутардим ўзимни жўшиб,  
Сирли ўйлардан комрон.

Тинглар эдим мавжларни бедор.  
Бокар эдим мамнун, баҳтиёр  
Бўм-бўш осмонга узок;  
Бўлар эдим чўнг қудрат туккан,  
Ерни титиб, эманни йиккан  
Куюн мисоли у чок.

Бирок, озсанг аклдан – ёмон:  
Қўрқинчлисан ўлатдек ул он,  
Сени бандда тутарлар  
Ва занжирбанд килишиб ҳар кун,  
Сўнг панжара ортидан маймун  
Каби мазах этарлар.

Тунда эса мен – шўрлик жинни  
На булбуллар таратган унни,  
На ўрмонни тинглайман –  
Ўртоқларим чинкирар факат,  
Назоратчи кичкирар фақат,  
Факат шалдирап кишан.

\* \* \*

Фавворалар салкинидан дур  
Сачраган ул кўшк аро бир пайт

Бахш этарди хонларга хузур  
Мадхиябоз шоир айтган байт.

Шўх базмлар ипига у шод  
Кув кўл билан тизарди секин  
Хушомаднинг соф дурин кушод,  
Доноликнинг олтин тасбеҳин.

Куйлар эди севиб Кримни  
Саъдий ўгли – машриқлик маддоҳ.  
Очар экан у шеър сирини,  
Тонг қоларди Боқчасарой гоҳ.

Ёйиларди хикоятлар боз  
Эриваннинг гилами мисол,  
Улар билан безанарди соз  
Гаройларнинг хос базми алҳол.

Лекин ҳеч бир доно сехргар, –  
Бўлса ҳамки беназир ғоят, –  
Тўкимаган асло бу кадар  
Кудрат ила шеъру ҳикоят, –

Иигитлари мағрур ва норғул,  
Лёллари ҳурдек иззатманд,  
Кароматли ва канотли ул  
Ажиб юртнинг шоири монанд.

\* \* \*

Подшога дедилар бир кун: «Ниҳоят  
Исёнкор Риэго катл этилди».

Деди бир ялтоқи: «Хурсандман ғоят,  
Яна бир аглаҳдан дунё кутилди!»  
Ҳамма бирдан жимиб, ер чизди noctor,  
Кимлардир илжайди бу гапдан мулзам.  
Риэго Фернандо олдида айбдор,  
Тўғри бу. Осили шунинг учун ҳам.  
Айтинг-чи, лозимми шу тахлит, бирок,  
Жаллод курбонини хақорат қилмок?  
Ҳатто хукмдор ҳам, каранг, ўнғайсиз,  
Қани жилмайса, ё бир нарса деса:  
Олижаноб бўлинг, ялтоқилар, сиз  
Разиллик бобида жилла курмаса!

\* \* \*

Сенга ҳавас қиласан, денгизга содик ўғлон,  
Елкан, бўрон остида сочи оқарган инсон!  
Тинчгина бандаргоҳга кўпдан қадам қўйдингми –  
Кўпданми сукунатнинг лаззатини туйдингми –  
Жозибали тўлкинлар чорламоқда сени боз.  
Кўлни бер, қалбларимиз бир туйғу билан ҳамроз:  
Олис осмон, олис юрт ишқи билан биз ёниб,  
Оврўпани қирғокда қолдирайлик кувониб;  
Мен Ернинг чарчоқ ўғли, хоҳишим – ўзга сурон.  
Кутлайман, салом сенга, эй буюк озод уммон!

## ФАРИШТА

Ёш фаришта беҳишт кошида  
Бош эгганча таратарди нур,

Иблис эса дўзах бошида  
Чарх урарди исёнкор, мағур.

Инкор рухи, шаккоклик рухи  
Пок рух сари ташларкан нигоҳ,  
Беихтиёр бир меҳр чўғи  
Силаб ўтди уни баногоҳ:

«Кечир, – деди, – менга, пок хилқат,  
Нур сочмадинг бекорга магар:  
Аршга буткул демадим лаънат,  
Ердан буткул килмадим ҳазар».

### ҲАЛОК БЎЛГАН РИЦАР

Сўнгги бор ярк этиб, ўрмондан ошибб,  
Астагина сўнди ғуруб оташи,

Яланг водий сукут ичра лол.

Хилват бир туманда тўлганар дарё,  
Булутлар эринчоқ сафлардек гўё,

Улар аро сузар зар хилол.

Тепаликда ётар чўнг пўлат совут,  
Найза чўрт синган-у, қўлқоп, ханжар – бут,

Занг дулбулға остида қалқон.

Ботмишdir шабнамли моҳга шпорлар:

Бари жим ва ойнинг ўроги ўрлар

Улар узра сачратгандек кон.

Атрофда айланар ботир дўсти – от,

Мағур кўзлар энди ўт сочмас, ҳайхот,

От жанговар бошини эгар.

Ҳиссиз туёқ билан депсиниб гоҳ-гоҳ,  
Содик дўст совутга тикилиб, ногоҳ  
Бир ёввойи титроқда кишнар.  
Келади адашган бир йўлчи, абгор,  
Калбида умиду тун кўркуви бор,  
Суянчиғи – ёлгиз таёғи.  
Тепага чикиб у, хира хилқатга  
Тикилиб тушаркан, янгрок пўлатга  
Тегиб кетар толгин оёғи.  
Йўлчи титрар – совут жаранглар тунда.  
Ботир суяклари шикирлар унда,  
Тошдан-тошга дубулға тегар, –  
Унда бош чаноги... бу бўғиқ сасдан  
От кишинаб, тепага учар бир пасда.  
Бокар-у... сўнг яна бош эгар.  
Тунда олисларкан, йўлчи наздида  
Суяклар кисирлар оёқ остида.  
Бирок куёш уйгонар такрор,  
Ётар жанг курбони лўнгликда унут,  
На янграр дубулға, на янграр совут.  
Кишинар факат вафодор тулпор.



### *Мирпўлат Мирзо таржимаси*

### **ҲАЙКАЛ**

Ҳайкал қўйдим ўзимга муҳташам ва улуғвор,  
Халқ қадами узилмас замонлар ўтур гарчанд.

У мағрур қал күтарди тавозе билмай зинхор,  
Александр куббасидан ҳам баланд.

Йўқ, батамом ўлмасман – қўшикка кўчган қалбим  
Жисмим бирла тупроқда чириб кетмас хеч қачон.  
Оlamda шоир зоти коларкан, сўнмас кадрим –  
Асло мени тарқ этмагай шуҳрат-шон.

Довругим-ла чулғанур поёни йўқ улуғ Русь,  
Ундаги барча элга бўлгум суюк, мукаррам –  
Мени ёдлар хур наслим ҳамда сахройи тунгус,  
Фин ҳалқиу даштлар дўсти қалмок ҳам.

Халқнинг меҳру зъзозин тоабад қозонғанман –  
Созим-ла юракларда ззгу ҳислар қўзғатдим.  
Мен Эркни улуғладим шу қабих замонамда,  
Мазлумларга шафкат ҳиссин уйғотдим.

Эй, илҳомим париси, Тангри ҳукмин эт адо,  
Маломатдан чўчима, гулчамбар деб чекма ғам.  
Ҳамду сано, тухматга ҳаргиз бўлгин бенарво,  
Үчакишина нодон билан сира ҳам.

## ТИКЛАНИШ

Бир мусаввир бебурд қалб билан  
Бўяб ташлаб даҳо асарни,  
Таҳкирланган сурат устидан  
Берар ўзи билган раигларни.

Аммоқи бу сохта бўёқлар  
 Кўчиб тушар вакт ўтган сайин;  
 Асар тағин намоён бўлар  
 Ҳеч бир заха кўрмагандайин.

Худди шундок – гумроҳлик, хато  
 Юрагимдан чекинар, аён.  
 Ва унда илк – дилбар, мусаффо  
 Кунлар тағин бўлар намоён.

### **«СЕНГА ИСМИМ МЕНИНГ...»**

Сенга исмим менинг эзгутир нечун?  
 У сўнар қирғокка урилган беҳол –  
 Хазин тўлқинларнинг сурони мисол  
 Ё сингиб ўрмонга йўқолгандек ун.

Ёдгор саҳифада қолажак у ҳам  
 Жонсиз ҳарфлар ила унут зайлда –  
 Қабр тоши узра бегона тилда  
 Битилган имлодек нурсиз ва мубҳам.

Унда не мужассам? Кечмиш шан-сурур  
 Навқирон ҳисларга кўмилгайдир бот:  
 У сенинг қалбингга баҳш эта олур  
 На ўтли ҳаяжон, на зўр хотирот.

Аммо ғамли айём, андух чеккан пайт  
 Сен уни зикр айла хаёлан юксак.

Ва менинг ёдимни бархаёт деб айт,  
Бор деб айт дунёда мен яшар юрак...

## ЖҮРАЛАРГА

Хали бордир толсингизда  
Еруғ кундуз, мунааввар түнлар.  
Не жононлар термилар сизга  
Хумор күзи тараб учкуулар.

Уйнанғ; алёр айтиң; жүралар!  
Дамлар учкур – үзни қызғанманғ;  
Сизни күриб шодмон, бескадар,  
Жилмаяман, күзларимда нам.

... ГА

Сўрама, мен нечун умидсиз, забун<sup>1</sup> –  
Юраман тийра<sup>2</sup> ўй комида танҳо,  
Нечун ҳаётга мен бокаман дилхун<sup>3</sup>  
Ва унда кўрмайман фарогат асло.

Сўрама, мен нечун илтифот кутган  
Маъсума юракка етказдим озор  
Ва нечун ҳеч кимга демам – азизам, –  
Ахир, бир бор севган севмагай тақрор.

<sup>1</sup> Забун – ожиз, заиф, нотавон.

<sup>2</sup> Тийра – кора; хира.

<sup>3</sup> Дилхун – дили кон.



Қайтиб бахт топмагай бир бора тошган,  
Саодат онлари шундок қиска, кам.  
Ёшлик, эзгу умид ва оташ ишқдан  
Қолар қалбда факат надомат алам...



### *Абдуҳамид Парда таржимаси*

## **ИҚБОЛ**

На юксак мартаба, на зару давлат,  
На унвон, на шухрат, на зарур савлат;  
Қаршимдан чиқди гар пешвоз шайланиб.  
Турфа ғалвалардан ўтдим айланиб,  
Ёвлапшган шоҳки бор навбатма-навбат,  
Сулҳу омонликка қилмадим даъват.  
Асири жумла эл ва ё кўр-басир.  
Чикора мен учун, қилмас ҳеч таъсир  
Мен булар баридан безган бандаман,  
Эзиу ҳикматларга қўйдим танда ман:  
Шоҳлар амри билан яшаш эрта-кеч,  
Фарқ қилмас оммага қарамликдан ҳеч,  
Ҳеч кимга эгмасман магрур бу бошим,  
Озод калбим амри ёлғиз йўлдошим,  
Сарбасту ҳам сармаст булбулдай гўё,  
Чаманзор боғларга мафтун – маҳлиё:  
Энг сара асарлар сехри килса лол,  
Мен учун энг олий илохий иқбол!

**ОЯТ**

Роҳиб-роҳибалар хаётдан безиб,  
 Хаёлан минг битта оламни кезиб.  
 Дардига ахтариб таскин-тасалли,  
 Илоҳий дуолар битганлар, балли!

Бебаҳо бир дуо азиз мен учун,  
 Моҳи Рамазонда кўрсатар кучин:  
 Ё Раббим! Шаънингга шукронга айта,  
 Уни такрорлайман қайта ва қайта.

Эй фикру зикримни банд этган оят,  
 Ялков-танбалликдан асрсанг шояд:  
 Маддоҳлик, такаббур хар не даъводан,  
 Ҳам ўзинг сақлагил кибру ҳаводан.

Вале хар нуксоним қилгайсан аён,  
 Ва мендан ҳеч кимга етмагай зиён.  
 Ато эт итоат, севги саодат,  
 Илоҳий покликни одат қил, одат!

**ПАЙГАМБАР**

Ташналиқдан озурда рухим,  
 Тентирардим даштда зим-зиё,  
 Билгандайин ҳолим илоҳим,  
 Айро йўлда бўлдишар пайдо.

Күзларимни охиста, ё Раб,  
 Сийпар экан, ногох чараклаб,  
 Гүё ёвкур бургутнинг олов,  
 Нигохидай порлади дарров.  
 Гумбурлаган қасирға, сурон,  
 Хүшёр этар экан бегумон;  
 Кўрдим: само ларзага келди,  
 Хур-парилар этлилар парвоз.  
 Даррандалар қайгадир елди,  
 Самбитеттолов тебранди хамроз.  
 Манфур, тилим олди-ю юлиб,  
 Мадлоҳ, кazzоб забондан<sup>1</sup> жудо –  
 Оғзимга у топиб йўлинни  
 Конли дасти билан этди жо –  
 Наштардайин илон тилини.  
 Қиличини сермаб беаёв,  
 Титрок калбим сугуриб олди.  
 Ланғиллаган лахча чўғ, олов –  
 Оташни у кўксимга солди.  
 Ётарканман даштда чалажон,  
 Тангри ҳукми янгради шоён:  
 «Фурсат етди, кўзғал, пайғамбар,  
 Жо эт амрим ҳам жону танга  
 Ва элма-эл кезиб сарбасар –  
 Юракларда ёккил аланга».

---

<sup>1</sup> Забон – тил.



## *Шукур Курбон таржимаси*

### **ЭЛЕГИЯ**

Сўнган шўхликлари телба йилларининг  
Бода карактлиги каби азобли.

Ўтган кунлар ғами эскирган сари  
Кучаяр шаробдай куйдириб кални,  
Истикбол денгизи жўшар машаккат,  
Мехнат ваъда килиб. Йўл ўнгсиз ғоят.  
Бирок, о, дўстлар, мен ўлмок истамам,  
Фикрлаш, кийналиш учун яшагум!  
Фахм этгум: адоксиз лардлар истарам,  
Шу менга халоват бахш этар хар зум  
Ҳамон оҳангларга тўйиб, гоҳида,  
Хаёлларим узра кўз ёшим окар  
Ва шояд умримнинг мунглиғ уфқида  
Видо табассумли муҳаббат балқар.

### **ЭТИКДЎЗ**

Этикдўз тасвирга синчилиб узок,  
Пойабзалдан хато топли ва рассом  
Мўйқаламин олиб тузатди шу чок.  
Этикдўз-чи, фикрин эттирди давом.

«Назаримда, юз хам пича кийшиқдай...  
 Очилиб қолганми күкраклар хам, а?...»  
 Сўзни Аппеллес шарт бўлди чидамай.  
 «Этидан баландга тилинг юритма!»

Менинг хам шунака – сўзи устувор,  
 Лаёқати мубхам бир танишим бор,  
 Дунёдан сўз очсанг; жавраб тинмайди.  
 Ақли ҳар балога етару, зинхор  
 Этик хусусида бир сўз билмайди!



### *Эргани Очилов таржимаси*

## ДАРЁ ВА ДОНО

Туби чукур дарё  
 Окар тинч ҳар дам.  
 Кимки бўлса доно  
 Яшар хотиржам.

## ЎЗИМГА МАРСИЯ

Бу ерда Пушкин кўмилган; кечирди хаёт  
 У ёш илҳом париси, ишқ, ялқовлик билан.  
 Бирор эзгу иш килмаган бўлса-да бу зот,  
 Худо ҳакки, яхши одам эди умуман.

## ЗАР ВА ТИҒ

Барча нарса меники! – дер зар,  
 Барча нарса меники! – дер тиғ.  
 Барин сотиб оламан! – дер зар,  
 Барин тортиб оламан! – дер тиғ.

## ЁШ ҚИЗ ВА ҚАРИ ОШИҚ

Оқшом чоғи бепарво  
 Мени тарқ этди Лайло.  
 Дедим: «Қаёкқа? Шошма,  
 Жуда ҳалдингдан ошма».  
 Гап қайтарди у баттол:  
 «Ошок сенда соч-сокол!» –  
 Деди кибр ила кулиб.  
 «Етар!» – дедим бүгілиб –  
 У соchlар – мушкдай<sup>1</sup> кора,  
 Энди кофур<sup>2</sup> – ок, кара!  
 Адабсиз, бадбаht Лайло  
 Сүзимдан кулди аммо,  
 «Мушк, биласанки яхши,  
 Ёш келин-куёв нақши.  
 Кофур лозимдир, тушун,  
 Тобутга сепиш учун».

<sup>1</sup> Мушк – кора рангли хүшбүй модда.

<sup>2</sup> Кофур – 1) ок хүшбүй модда; 2) ок, оқлик.

**ОТ**

- Кўрмадингми, гўзал қиз,  
Отимни менинг?
  - Кўрдим-да мен шубҳасиз  
Отингни сенинг!
  - Отим қочди қаёкка,  
Кўрсат, қани, гўзал қиз?
  - Дунай дарёси ёкқа  
Кочиб кетди у ёлғиз.  
Кочиб бораркан отинг,  
Сени лаънатлаб кетди,  
Сени лаънатлаб кетди.
- .....

**ШОИР ВА ОДАМЛАР**

Ишончсиз бир кулги билан менга дейишар, бок-чи:

– Менга қаранг, сиз шоирсиз – мунофик ва  
алдоқчи.

Бошимизни котирасиз керакмас дея шухрат,

Бу кулгили ва бекорчи гап сизгамасми уят?

Хўш, ёзишдан мақсад нима? – Ўзим учун

– Унда, бас,

Нима учун нашр этасиз? – Пул учун – Бу рост эмас.

Уятмасми? – Нега энди?



## РАШКЧИ ҚИЗ

Хүнграб йиғлаб йигитни уришади раشكчи қиз,  
Елкасига бош күйиб, мудрайди йигит шу кез.  
Қиз йигидан түхтайди, уйқусини бузмай деб,  
Жилмаяр унга аста күзларидан ёш түкиб.

## ЦИКЛОП<sup>1</sup>

Тилдан колиб буткул, ҳушдан оғаман,  
Ёлғиз күзим билан сенга бокаман.  
Чунки менда ўзи биттагина күз.  
Агар такдир этиб ирода, менга  
Мабодо юзта күз берса, шубҳасиз,  
Боқар здим юзта күз билан сенга!

## НЕГА?

О, Елена, нималан күркиб,  
Рашк аралаш бир шиддат ила.  
Ҳамма ерда этасан таъкиб,  
Кузатасан югурға-ела  
Менинг ҳар бир қадамимни?  
..... сеникиман мен.

<sup>1</sup> Циклон – қадимги юонон асотирларида пешанасида биттагина күзи бўлган левсимон маҳлук.

## ҚАМЧИ

Донликларнинг сафида мен ҳам  
Турклар билан уруш килганман.  
Жанглар ёлгори деб мустахкам  
Битта камчи олиб келганман.

Жант; суронли йўлларни босиб –  
Ўтдим, асраб созимни ҳар он.  
Қўядирман деворга осиб  
Қамчини ҳам энди ёнма-ён.

Яширмайман дўстлардан ҳаргиз –  
Хотинимга меҳрим бир олам.  
Мен у ҳақда ўйладим тез-тез  
Ва асралим қамчинимни ҳам.

## СЕВГИ

Мен сизни севганиман: балки бу туйғу  
Ҳалиям қалбимни ёқар эрта-кеч.  
Лекин тинчингизни бузмас энди у,  
Истамайман сизни ранжитишни хеч.

Мен сизни севганиман умидсиз ва жим,  
Журъатсиз, рашқ ичра ёниб интизор  
Мен сизни севганиман чин дилдан, гулим,  
Энди сизни мендай севсин ўзга ёр.

## Е.П. ПОЛТОРАЦКАЯГА

Бир кун бизни афв этса Худо,  
Бир куни дор бўлмаса жойим.  
Украина олчаларининг  
Соясида ўпаман пойинг.

## ПАВЕЛ ВЯЗЕМСКИЙ АЛЬБОМИГА

Жоним, Павел, ҳар маҳал  
Угитимга қил амал.  
Сев буни, буни, буни,  
Килмай хеч уни, уни.  
Тушунарли, эҳтимол,—  
Бари, энди яхши қол.

## ВАСФ

Сизга ато этилган бари:  
Бахтингизга рашк этар олам,  
Ҳам гўзалсиз ҳаддан ташқари,  
Ҳам ақлли керагидан ҳам.

## Ф.Т. ГЛ ЖАВОБ

Йўқ, у черкес кизмас, Гуржистон –  
Бахти учун замонлар оша  
Тушиб келмагандир бу жопон  
Казбекдан ўзига йўл оча,

Йўқ, акиқмас<sup>1</sup> кўзида, аммо  
Шарқ бор хазиналарин тўка.  
Тенг келолмас сира тимкора  
Кўзларининг жозибасига.

### ҚУРЪОН МУТОЛААСИ

Мен ўқидим гўзал Куръонни  
Кувғин чоғи махфий бир ғорда.  
Таскин фариштаси ниҳоний  
Менга тумор берди шу ерда.

Бўлмас унинг сирига етиб

.....  
Номаълум кўл кўйгандир битиб  
Бу илоҳий сўзларни унга.

### АННА Н. ВУЛЬФГА

Мағрур кизга бекордан-бекор  
Мухаббатим этибман изхор.  
Юмшатмади тош калбин бир дам  
Ҳаётим ҳам, кизғин ҳислар ҳам.

Энди бағрим парчалаб кулфат,  
Кўз ёшга гарк бўларман фактат.

<sup>1</sup> Ақиқ – кизил рангли кимматбахо тош.

## ДҮСТЛИК

Дүстлик нима?

Тонги бошоғриқнинг енгил түзони,  
Дилда колган тугун эркин сухбатдан.  
Иснодга ҳомийлик қилиш ҳар они,  
Бекорчилик, уриш лоф йўқ шуҳратдан.

## ЭПИГРАММА

Ярим жаноб, ярим савдогар,  
Ярим доно ва ярим нодон.  
Ярим аплаҳ, лекин умид бор  
Бутун бўлар бир кун бу инсон<sup>1</sup>.

## ИШҚ ИҚЛИМИ

Ишқ иқлими узра совук ел эсиб,  
Мудом рутубатли, туманли ҳаво.  
Ошик фарёдини кетолмас босиб  
Ва лекин кутурган тўлқинлар ҳатто.

## ИЛК СЕВГИ

Мен эмасми кўзи остига олган  
Хуркак дугоналар сафидан илк бор?  
Мен эмасми сен илк нигоҳинг солгаи,  
Мен эмасми бўлган илк дўстинг, дилдор?

<sup>1</sup> Бу эпиграмма А.С. Пушкин маҳкамасида хизмат килган Новороссия генерал-губернатори граф М.С. Воронцовга бағишланган.

## ТУН

Сенинг учун севимли, майин бўлган бу овоз  
Бузар зулмат кечанинг оромини, сарвиноз.  
Ложам ёнида ғамгин шам ёнар: мисли дарё  
Қалбимдан қўшикларим кўйлаб оқар бу асно.  
Бу дарё сенинг ишқинг билан тўлиб окади,  
Коронғида кўзларинг менга ёниб бокади.  
Табассум билан сўзлаб гўё аллалар мени:  
Жон дўстим, жоним дўстим, севаман...

сени... сени...

## СЎНГИ УЧРАШУВ

Уйингга, эй дўсти бебаҳо,  
Охирги бор кўйяпман қадам.  
Севгим, тўнган қувончимни то  
Сенинг билан кўрай деб баҳам.  
Ожиз ишонч билан бундан сўнг  
Ярим тунлар кутма интизор.  
Илк нурларин ёйгунича тонг  
Чироғингни ёқмагил зинхор.

## УМР БАҲОРИ

Беғам қувончлар билан кизғин ошиқлик аро  
Оқиб ўтдингиз тезда, о, баҳорим кунлари.  
Хотираларда энди оҳиста окинг аммо.

**ЭПИГРАММА**

«Тузуккина шоир бўлса ҳам,  
 Бу Эмилий асли бўш одам».  
 «Нима билан тўласан ўзинг?  
 Эй олифта, билдим бир йўла:  
 Сенинг ичнинг ҳасадга тўла».

**ТУШКУНЛИК**

Орзуларим кетдилар сўлиб,  
 Ортиқ умид килмай қўйганман.  
 Тўнган кўнглим меваси бўлиб  
 Бир ғам колди – яшаб тўйганман.

Умрим гулин айлади ҳазон  
 Шум, шафқатсиз тақдир шамоли  
 Яшаяпман ёлғиз, бағри кон,  
 Якинмикан ҳаёт заволи?

Бамисоли совуклар урган,  
 Лекин бандии этолмасдан тарк,  
 Курук шохда дийдираб турган  
 Сарғайиб-сўлиган ёлғиз барг.

**М...ГА ИШҚИЙ БАГИШЛОВ**

Эй сиз ёнимаганлар ишқ оташида  
 Бир боқсангиз унга – биласиз ишқ на!  
 Эй сиз калби тўниб қолганлар жуда,  
 Бир боқсангиз унга, севасиз яна.

## СОСНИЦКАЯНИНГ АЛЬБОМИГА<sup>1</sup>

Совук қалбу гўзал ва ёниқ кўзни  
 Омухта қилгансиз – мўъжиза мутлок.  
 Албатта, ахмоқдир ким севса сизни,  
 Ким агар севмаса, юз карра ахмок.

### ЛИЛАГА

Лила! Лила! Ғам ёмон экан,  
 Чека-чека мен сўладирман.  
 Ёниб турган юрагим билан  
 Мен ўчаман, мен ўладирман.

Ишқим менинг бўлди бехуда,  
 Сен куласан килмай андиша.  
 Майли, кул, сен гўзалсан жуда  
 Хиссиз гўзалигинг билан ҳамиша.

### К...ГА

Ким кўнглингни топган бўлса, ўши ошиқ баҳтиёр,  
 Ҳадик билмай лаззатланар соғ нигоҳингдан доим.  
 Ҳаракатлар бирам нафис, ҳар сўзингда ноз-хумор  
 Ва ортидан улашилар унутилмас табассум.

<sup>1</sup> Е.Я. Сосницкая – аввал опера, кейин драма актрисаси.

## ШОИР ЎЛИМИГА ЭПИГРАММА

Клит тушмас жаннатга асло,  
Нихоятда оғирдир айби.  
Қилмишларин унұтсун Ҳудо,  
Шеърларин әл унұтган каби.

## ШИФОХОНА ДЕВОРИДАГИ ЁЗУВ

Ётар бунда талаба – бемор,  
Оғир унинг кисмати аммо.  
Дори-дармон унга килмас кор,  
Севги дарди бўлар бедаво.

## АЛЬБОМГА

Ишқу истак топар заволни,  
Жудо айлар бизни бу олам.  
Ким ёд этар сирли висолни,  
Үтган орзу, қувончларни хам.  
Балки яшар ёқиб хаёлни  
Шу дафтарда улар мустаҳкам.

# ДОСТОНЛАР



*Усмон Носир таржимаси*

## БОҒЧАСАРОЙ ФОНТАНИ

Қовок солиб ўтирар Гарой,  
Лабларида қаҳрабо чилим.  
Даҳшатли хон атрофида жим  
Бош эгиб тек туради сарой.

Жимжит эди бутун кошона:  
Ҳамма хоннинг хафа юзидан  
Ғам ва ўтли газаб изидан  
Пайқар эди мубхам нишона.  
Аммо магрур соҳиби фармон,  
Қўлларини бир силтаб солди:  
Барча секин тарқалди ҳар ён.  
Кўшклар аро бир ўзи қолди;  
Эркин нафас олди сийнаси,  
Тўлкинланиб билмай сукутни  
Ўйнаб турған кўрфаз ойнаси  
Акс этгандай кора булатни  
Унинг жиддий манглайи аён  
Дил тўлкинин айларди баён.

У магрур дил не ғам-ла тўлмиш.  
Қандай фикр билан банд бўлмиш,

Яна Рус-ла жанг килмоқчими,  
 Ё Польшани танг килмоқчими.  
 Нега хафа, не у сандирар,  
 Ва ё қонли ўчми ёндирадар,  
 Ёки қўшип айламиш исён,  
 Ёки тоғли халқ жангларидан  
 Гиноянинг найрангларидан  
 Ташибиши тортиб ўйланарми хон?  
 Йўқ, энди у чарчаб колмишдир,  
 Зерикмишдир шуҳрат, зафардан,  
 Бераҳм кўл ортиқ толмишдир.  
 Хаёл узок қонли сафардан.  
 Наҳот, ҳарам ичра хиёнат,  
 Наҳот, елга учиб диёнат,  
 Асира киз жиноят килмиш,  
 Коғирға дил иноят килмиш?  
 Йўқ, Гаройнинг хотинлари ҳеч  
 Бундай ишга журъат килмаслар.  
 Мунгли нола чекиб эрта-кеч,  
 Ёмоиликни асти билмаслар.  
 Ойна уйда ўсар гул каби,  
 Ой юзлари зиндан ичра берк,  
 Зулм остида гўё қул каби  
 Уларда ҳад йўқдир, йўқдир эрк.  
 Ою йиллар навбатма-навбат  
 Ғамгин окин билан ўталар,  
 Билдирмасдан ёшлиқ, мухаббат  
 Барчасини олиб кеталар.  
 Кунлар бирдай кечадир ғамда,

Битта-битта имиллар соат.  
 Ялковлик амр этар ҳарамда,  
 Кам кўринар сафо-фароғат.  
 Ёш жувонлар қайғуга тўлиб,  
 Бир иш қилиб овунмок бўлиб.  
 Зеб беришиб кийим кийишар,  
 Гаплашишар, ўйнаб ейишар.  
 Ёки ўйнок сувлар сасида,  
 Тоза, шаффоф замзамасида  
 Тўп-тўп бўлиб сайр этишадир  
 Чинорларнинг зич соясида.  
 Орларида уларни пойлаб,  
 Ёвуз оға<sup>1</sup> юрар хай-хайлаб,  
 Ундан кочиш, беркинин бекор:  
 Ҳасадли кўз, динг қулоги бор.  
 У хийлакор, у лаганбардор,  
 Ҳар бир ишдан воқиф, хабардор.  
 Унга ўла ўрнашмиш мангу  
 Абадий бир тартиб саройда.  
 Унга хоннинг изми ҳар жойда  
 Ягона бир конундирки, у  
 Уни Куръон фарзидек билар:  
 Дилда саклар ва бажо қилар.  
 Унинг кўнгли севги истамас,  
 У бут каби сезгидан маҳрум,  
 У ҳиссизлик домида маҳкум,  
 На кўз ёши, на юмшок нафас,

<sup>1</sup> Ёвуз оға – ҳарамда сакланадиган бичилган кул.

На таънага бермас эътибор;  
 Асиralар чеккан оху зор  
 Унга асти килмайди таъсир;  
 Пинагини бузмайди такир;  
 Ёлворишга қулок солмайди;  
 Ҳакоратни килмайди писанд,  
 Ҳеч на уни юмшатолмайди,  
 Топ қалби-ла мағрур ва хурсанд,  
 Унга хотин одати маълум,  
 У кўп кўрмиш, ҳар ерда ҳар зум  
 Ҳурликда ҳам, эрксизликда ҳам  
 Юмшоқ нигоҳ, кўзлардаги нам  
 Кўнглига ҳеч ҳоким бўлолмас.  
 У уларга ортик ишонмас.

Соч ёзишиб ҳарам кизлари –  
 Асиralар чўмилар экан,  
 Сехр сочган гўзал юзлари  
 Чашмаларда кўмилар экан,  
 Кип-яланғоч кизларга локайд,  
 Безътибор термилиб, шу пайт  
 У пойлокчи ҳозирдир яна,  
 Туткунларга нозирдир яна.  
 Кечалари барг ҳам мизғиру,  
 У ухламас. Охиста босиб,  
 Ҳар эшикка бир қулок осиб,  
 Ҳарам ичра танҳо изғир у:  
 Ким дам олар, ким тушда инграп,  
 Ким ох тортар – ҳаммасин тинглар.

Уйдан-уйга билдирмай күчиб,  
 Кенг ташлайди у маккор домни:  
 Биронтаси сандираб, чүчиб  
 Тилга олса бегона номни,  
 Ё мабодо дүстига бир оз  
 Таклирилан койиб, килиб роз  
 Дилдагини айласа изхор,  
 Балоларға бўлар гирифтор!

Гарой нега тинмай чекар гам?  
 Чилим ўчиб қолмиш кўлида,  
 Ботинолмай дам олгани ҳам  
 Остонада, хоннинг йўлида  
 Имо кутиб турадир оға,  
 Ибо тутиб турадир оға.  
 Ўйга ботган ҳукмдор турар:  
 Олдидаги дарча очик, у –  
 Кўнгли чексиз кайғуга тўлган.  
 Индамасдан оҳиста юрар  
 Кечагина севимли бўлган  
 Хотинларин қабрига тўғри.

Хонни кутиб, кўриш кўйида,  
 Ўйнаб турган фонтан бўйида  
 Ипак гилам узра ўйнашиб,  
 Бир тўда шўх кизлар осуда  
 Ўлтиришар эди яирашиб:  
 Болаларлай шодланиб, сувла  
 Мармар тубда кўринган лакка

Гир-гир юзиб юрган баликка  
Термилишар эди яйрашиб.  
Гохилари унга атайлаб  
Олтин сирға ташларди бойлаб.  
Жориялар атрофда хушбүй  
Шарбат ташиб юрарди. Ногох,  
Ширин қўшиқ, жаранглаган куй  
Бор ҳарамни айлади огоҳ:

### Татар қўшиғи

#### I

Ииги, жафоларни бошдан кўтариб  
Тангри ўзи берар охирда эҳсон:  
Бахтиёрдир, йиллар сўнггида қариб,  
Макка бориб зиёрат килган инсон.

#### II

Бахтиёрдир Дунай соҳилларини  
Қон билан тақдис<sup>1</sup> этган баҳодир.  
Жаннат қизи ёзиб кокилларини  
Унга ширин кулги билан боқадир.

#### III

Аммо, Зарема, эшитгил тағин-да.  
Дунё ва роҳатга бермай эътибор,

<sup>1</sup> Тақдис – мукадлас санаш, поклик билан ёд этиш.

Худди гулдай сени ўз кучогида  
 Эркалатган ҳаммасидан бахтиёр.  
 Улар куйлар. Аммо кани у,  
 Мухаббатнинг юлдузи кани,  
 Ҳарам кўрки – кундузи кани,  
 Кайда колди Заремабону?

Ҳайхот, унинг гул ранги сўлмиш,  
 Ҳайхот, дили қайғуга тўлмиш,  
 Мактovларга солмайди қулоқ,  
 Кўзларида ёш булоқ-булоқ,  
 Яшин: урган хурмодек қадди  
 Букилмишdir, йўқ энди ҳалди,  
 Ҳеч на унга ёқмасдан колди,  
 Чунки, Гарой боқмасдан қолди.

Вафосизлик қилди хон... Аммо,  
 Эй туржи қиз, сен-ла чиройда  
 Ким тенглашар? Ҳаттоқи ой-да  
 Даъво килса, бўлур муаммо.  
 Чамбар килган сочинг, эй пари,  
 Илон каби юрак ёрадир.  
 Яркираган кўзинг жавҳари  
 Кундан ёруг. тундан корадир.  
 Дил дардини кимларнинг саси  
 Сендан кучли баёнлай билар?  
 Кимнинг ширин-шакар бўсаси  
 Сеникidan жонлилик килар?  
 Сенга бир йўл кўнгли тушган эр

Қандай қилиб бошка кўркни дер?  
 Лекин, лоқайд, золим Гаройхон  
 Ҳарамига Польша қизини  
 Асир қилиб олгандан буён,  
 Сендан нари тутиб ўзини,  
 Хўрлаб сени ташлаб қўйди-ю,  
 Ўзи ғамгин, тунлар беуйку  
 Танхоликни айлади одат.  
 Кўлларингдан кетди саодат!..  
 Ёш Мария яқиндагина  
 Ўзга диёр кўкини кўрди:  
 Гулдай кўрки билан кизгина  
 Ўз юртида гуллаб югурди.  
 Фахрланар эди у билан  
 Қариб қолган отаси ҳар он,  
 Лобарим, – деб, мактанув билан  
 Эркалатар эди беармон.

Унинг бола эрки чол учун  
 Конун эди, тингларди бутун...  
 Чолни кийнар эди бир тилак:  
 Истардики, баҳор кунидак  
 Очик бўлсин кизининг бахти,  
 Хушнуд кечсин умрбод вақти,  
 Заррагина қайғу ҳам уни  
 Ранжитмасин, – дер эди у чол,  
 Ҳеч бир нарса бирон дам уни  
 Ланж этмасин, – дер эди у чол.  
 Ҳатто эрга чиққанида ҳам

Хотирласин, – дерди, – туш каби  
 Ўтиб кетган, ғунчадай сабий<sup>1</sup>  
 Беташвишу бозор, беғам  
 Яшнаб юрган қизлик чоғини,  
 Осмондай кенг әрк қучогини.

Унинг юмшоқ севимли нози,  
 Табиати, лазиз овози.  
 Ёниб турган мовий кўзлари,  
 Дона-дона ширин сўзлари  
 Бир-биридан жозибадорди;  
 Ҳаммасида ажиб куч борди.  
 Очик кўлли, сахий табиат  
 Аямаган эди борини;  
 Санъат билан у нажиб хилкат  
 Безар эди гул дийдорини.  
 Сехр тўла арфа<sup>2</sup> билан киз  
 Уй базмини жонлантиради.  
 Амалдорлар, бойлар изма-из  
 Оркасидан излаб юради.  
 Йигит-яланг «Оҳ...» деб ўйида,  
 Азоб чекар эди кўйида.  
 Лекин, гўдак бола эди у,  
 Кўнгли ишқни билмасди асло.  
 На каму кўст, на ғам, на қайғу,  
 Юрагини тилмасди асло.  
 Отасининг касрида озод

<sup>1</sup> Сабий – бола, гўдак.

<sup>2</sup> Арфа – чертиб чалинадиган катта мусика асбоби.

Үртоклари билан ўйнаб шод.  
Учар күшдай хур ва хурсандди.

У кўпдаими бу с尔да банди?  
Бир вакт татар тўплари махкам  
Дарё каби Польшани босди;  
Хирмонларга тушган ёнғин хам  
Бу қадар тез ёйилолмасди.  
Кунпаякун бўлиб урушида  
Етим қолди гуллаб ётган юрт,  
Бу берахм ёвуз юришда  
Фарёд солди конга ботган юрт,  
Бутун атроф кайғуга толди:  
У кулгилар, ўйинлар битиб,  
Эркалатган қўйинлар битиб,  
Ҳашаматли сарой бўш қолди.

Мариянинг уйи жимжит, бўш...  
Уй маъбади<sup>1</sup> ичра бир тўда  
Мўмиёланган ўликлар хомуш  
Роҳат қилиб, совук уйкуда  
Киязликка махсус нишон-ла,  
Олтин тож-ла, ҳайбатли шон-ла  
Ётар экан, у ерда яна  
Пайдо бўлмиш янги сагана...  
Ота гўрда, асоратда киз...  
Кошонада баҳил бир ворис  
Амри фармон бериб юрадир,

<sup>1</sup> Маъбад – ибодатхона.

Тавки лаънат остида, беор  
Хароб бўлган юртни айлаб хор  
Бадном этиб, ерга урадир.

Ҳайҳот! Сақлар кўйнида кулдек  
Боғчасарой ёш князь кизин,  
Эрксизликда ёш тўкар, гулдек  
Сарғайтириб Мария юзин.  
Аяди у бахтсизни хон:  
Унинг мунги, у чеккан фифон  
Уйкусини безовта қилиб,  
Гаройга хеч бермайди омон.  
Бечорага хон раҳми келиб,  
Қатъий харам конунларини  
Юмшок тутар унга атайлаб.  
Тунд пойлокчи на кун, на туни  
Қиз олдига кирмайди пойлаб:  
Ётар пайтда жойига уни  
Унинг ғамхўр, парволи дasti  
Олиб чиқиб ётқизмас асти;  
Марияга нигоҳ тикмакка  
Ботинолмас унинг кир кўзи;  
Жорияси билан қиз якка  
Хилват уйда чўмилар ўзи;  
Асиранинг ғамгин оромин  
Бузиб кўймай, бўлмай, деб зомин.  
Хон ўзи ҳам кўркар ичидা;  
Харамнинг бир йирок бурчида  
Унга яшаш ижозат этган,

Гўё, унда самовий бир жон  
 Яширинган, узлатга кетган.  
 У срда ҳеч тинмасдан ҳамон  
 Азиз қизнинг олдида бутун  
 Чирок ёниб тураг куну тун,  
 У ерда киз кўнглин юпатиб  
 Масъуд кечган ўтган замон-ла  
 Ўз юртини дилга эслатиб,  
 Умид яшар ювош имон-ла.  
 У ерда ёш тўкар тинмай киз  
 Кундошлардан нарида, ёлғиз.  
 Лекин атроф ғарк бўлмиш яксар<sup>1</sup>  
 Тентакларча бир ишрат ичра,  
 Мўъжиза-ла ажралган хужра  
 Ёш санамни беркитиб асрар.  
 Озғин ўйлар курбони у дил,  
 Бузук кайфлар орасида ҳам,  
 Бир гаровни саклайди ҳар дам  
 Бир илохий ҳисни муттасил...

Тун корайди, босди коронғу  
 Тавриданинг гул боғларини;  
 Бор оламни маст килди уйқу.  
 Гуллар зиди япроқларини,  
 Узоклардан булбул зорини  
 Эшиштаман: ой дийдорини –  
 Кўрсатадир юлдуз кетидан;

\* Яксар – танҳо, якка.

Кўм-кўк, тоза осмон бетидан  
 Нур тўқадир гулзор боғларга,  
 Водийларга, ўрмон, тоғларга.  
 Богчасарой кўчаларида  
 Кечки пайтлар оқ рўмол ўраб,  
 Оппок ойдин кечаларида  
 Бир-биридан ҳол-аҳвол сўраб,  
 Гаплашишиб ўтириш учун  
 Оддий татар хотинлари тек  
 Липиллашиб енгил соядек  
 Уйлан уйга кезишар бутун.  
 Сарой тинчган, ухлаган ҳарам  
 Тинч роҳатга чўмиб парвосиз;  
 Тун тинчлигини бирон нарса ҳам  
 Бузолмайди, содик мухофиз<sup>1</sup>  
 Ўзи кезиб чикиб бор-йўкни,  
 Ётмиш; аммо тинч қўймас ташвиш  
 Ҳатто унда ухлаган рухни.  
 Хиёнатни кутиб хавфланиш  
 Ором бермас асти ҳам бунга:  
 Гоҳ кимнингдир шитирлагани,  
 Гоҳ бироннинг пицирлагани,  
 Гоҳ кичкириқ эшишилар унга.  
 Бекорларга алданиб бирдан  
 Санчиб туарар, калтирок босар;  
 Атрофига тинч кулок осар...  
 Ҳамма сокит, сас йўқ бир ердан;

---

<sup>1</sup> Мухофиз – кўриқчи.

Фақат ширин куй фавворалар  
 Мармар ҳовуз ичра ўйнашар  
 Факат булбул дили поралар,  
 Севимли гул узра куйлашар...  
 Булар уни узок банд этар,  
 Яна такрор уйкуга кетар.

Қандай хушдир билгувчиларга  
 Шарқ кечасин кора чиройи!  
 Пайғамбарни севгувчиларга  
 Қандай ширин боқадир ойи!  
 Уларнинг уй-ўчоқларида,  
 Мафтун этар гул боғларида,  
 Ой остида сирларга тўлган,  
 Тинчлик билан ҳамсухбат бўлган,  
 Шахват билан дарду фароғат  
 Тошиб ётган ҳарамларида,  
 Кечаларниң тинч дамларида  
 Қандай кўрк бор, қандайин роҳат!  
 Хоннинг ҳамма хотинлари тинч  
 Ухлар эди, биттаси нотинч  
 Ухлай олмай, ўрнидан туриб,  
 Эшигини очди-ю, аста,  
 Битта-битта оҳиста юриб  
 Ташкарига чиқди бирпасда...  
 Күшдай мудраб, кўзи илиниб  
 Қари оға олдида ётар.  
 Агар бу иш унга билиниб  
 Қолса, умри қайғуга ботар...

Ох, у чолнинг қаттиқдир қалби.  
 Ялинганга бермас эътибор;  
 Уйкуси ҳам алдамчи, айёр!

Ёнбошидан секин, рух каби  
 Сездирмасдан ўтиб кетди у.

Бир эшикка бориб етди-ю,  
 Титраб секин очди қулфини...  
 Ичкарига кирди, ҳам уни  
 Сирли ваҳм босди шу замон.  
 Ажабланиб бокди тўрт томон:  
 Шамдон ёнар, тўкар сўник нур,  
 Ялтирайди бурчакда бир бут,  
 Қиз ётадир, юзида сукут  
 Кўксига хоч порлаб кўринур.  
 Эй гуржи киз, булар ҳаммаси  
 Эслатдилар сенга мозийни<sup>1</sup>,  
 Гўё ўтган кунларнинг саси  
 Айтган каби бўлди розини.  
 Кўз ўнгига тинч роҳат билан  
 Ухлаб ётар у князъ кизи,  
 Қизликка хос ҳарорат билан  
 Анор каби қизариб юзи.  
 Ошкор экан сарин<sup>2</sup> ёш изи,  
 Заиф кулги остида ёнар:  
 Ёмғир ювиб, ўчиб кетган ранг

<sup>1</sup> Мозий – ўтмиш.

<sup>2</sup> Сарин – майин, оромбахш, ёкимли, салқин.

Ойнииг хира нурида аранг  
 Худди шунга ўхшаб товланар.  
 Гўё, жаннат ўғли осмондан  
 Учиб тушиб, ухлаб ётгандай,  
 Асирага ачиниб жондан  
 Уйкусида йиғлаб ётгандай...  
 А, Зарема, не бўлди сенга!  
 Чидолмади, қалби сикилди,  
 Беихтиёр ерга йиқилди.  
 Ва ялиниб: «Ачингил менга.  
 Рад этмагин арзимни!» – деди.  
 Унинг сўзи, у чеккан фифон  
 Ухлоқ қизни чўчитиб шу он  
 Тинч уйқудан уйғотган эди.  
 Князь кизи туриб, олдида  
 Бегона бир хотинни кўрди;  
 Кўркиб, унга қараб олди-да,  
 Ҳаяжон-ла қалтираб сўрди:  
 «Кимсен? Тунда, танҳо нечун сен  
 Бу ердасен?» – «Сенга келдим мен:  
 Мени сакла; такдирим учун  
 Менга факат колди бир чора...  
 Раҳм айласанг, йўқолса зора  
 Умрим уфкин қоплаган тутун.  
 Баҳт кўйнида кўп ҳузур килдим,  
 На қайғуни, на ғамни билдим...  
 Ўтди ором берган у соя,  
 Тингла, ҳалок бўлмайин зое,  
 Мен бу ерда туғилганим йўқ.

Менинг юртим йирокдир, йирок...  
 Ўтган кунлар, у дардли фирок,  
 Ёдимдадир ҳали ҳам тўлик.  
 Ёдимдадир гуллаган боғлар,  
 Осмон билан ўпишган тоғлар,  
 Тоғдан оқкан ирмоклар, сойлар,  
 Ўтиб бўлмас ўрмон-тўқайлар;  
 Ёдимдадир кечган саодат,  
 Ўзга конун, ўзга бир одат.  
 Аммо, қандай тақдир-ла нечун  
 Ўз юртимдан айрилганимни,  
 Бу ёқларга қайрилганимни  
 Билмайман мен; фактат, кора тун  
 Елкан узра турган одаму  
 Ҳамда денгиз эсимда холос...  
 Шу чокқача қўркинч ва қайғу,  
 Аламлардан мен эдим халос.  
 Ғавғодан чет, тинчликда хандон  
 Ҳарам ичра гуллаб юрадим,  
 Итоатли кўнгил-ла ҳар он  
 Ишқ дарсини кутиб турадим;  
 Бу яширин орзуладим тез  
 Ушалдилар. Қонли урушдан  
 Чарчаб даҳшат сочган юришдан  
 Қайтиб келди ҳарамга хунрез!<sup>1</sup>  
 Таъзим қилиб, хоннинг олдига  
 Биз ҳаммамиз чиқдик. У менга

<sup>1</sup> Хунрез – кон тўкувчи, золим.

Диккат билан индамай, сўзсиз  
 Очик, нурли назарин солди,  
 Сўнгра, мени чақириб олди...  
 Шундан бери биз ками-кўстсиз  
 Тиним билмай, роҳатда масур  
 Нафас олдик баҳт билан ҳар дам;  
 Бирон йўл ҳам на фитна, на дам;  
 На тухмату на шубҳа, кусур,  
 На азобли рашикнинг ситами,  
 На хафалик ва на алами  
 Бизга ташвиш сололмаганди,  
 Вақтимизни ололмаганди.  
 Мария, сен дуч келдинг унга.  
 Бир кўришда хуш келдинг унга...  
 Шундан берли кўнгли торайди,  
 Жиноятли ўй-ла қарайди!  
 Хиёнат-ла етказиб озор  
 Эшитмайди ҳеч итобимни,  
 Сўрамайди асти тобимни,  
 У ноладан, фигондан безор;  
 У, эскидай менга топинмас,  
 Менда энди эскидай нафис  
 На ширин сўз унга ва на хис  
 Гўё битган, гўё топилмас.  
 Жиноятга бедахлсан сен,  
 Мен биламан, айб сенда эмас...  
 Тингла мени: чиройлиман мен,  
 Менга ҳеч ким тенглашай демас.  
 Бир сенгина ҳарамда бутун

Ракиб бўла олардинг менга;  
 Аммо, айтиб кўяй мен сенга,  
 Туғилганман эхтирос учун,  
 Сен мен каби сева олмайсан;  
 Совуқ кўркинг билан сен нечун  
 У бир ожиз дилни кийнайсан?  
 На ҳаккинг бор, на ҳаддинг сенинг,  
 Кўй Гаройни менга; у менинг.  
 Бўсалари ёнар бетимда,  
 Иссифи бор ҳали этимда,  
 Менга катъий қасамёд этган.  
 Борлиғим-ла кўпдан армонин,  
 Ўй ва хошиш, бутун фармонин  
 Бирга кўшиган, иттиход<sup>1</sup> этган:  
 Хиёнати мени ўлдирап.  
 Хазон этар, гулдай сўлдирап...  
 Мен йиғлайман: кўргин, тизимни  
 Букдим энди қаршингда мана.  
 Саргайтирма менинг юзимни,  
 Ялинаман, қайтариб яна  
 Севинчимни, оромимни бер.  
 Ул бурунги Гаройимни бер...  
 Менга зарра этма эътиroz;  
 У менини: сенга асирдир,  
 Йўлларингда кўзи басирдир.  
 Хоҳ тахкир-ла, хоҳи қилиб роз,  
 Не истасанг, айлатигл шуни.

---

<sup>1</sup> Иттиход – бирлашиб, бирлик.

Аммо, бэздир ўзингдан уни.  
 Онт ич... (гарчи мен Куръонни деб,  
 Мұхаббатни хамда хонни деб.  
 Ўз динимни отган бўлсам ҳам,  
 Аммо, менинг онамнинг дини  
 Сенинг дининг эди) кел, мени  
 Ҳалос айла, ёд этки қасам,  
 Үша дил-ла онт ич Гаройни  
 Заремага қайтармок учун...  
 Аммо тингла: эсла ҳудойни,  
 Гар, йўқ десанг, ҳанжарнинг кучин  
 Кўрсатмокка қодирман оз-моз,  
 Зоро, менинг ватаним Кавказ».

Шу сўзларни айтди-да, бирдан  
 Ғойиб бўлди дарров у ердан,  
 Таъкиб этмок учун изма-из  
 Ботинолмай, дов килмай дили,  
 Оркасидан чиқолмади киз.  
 У азобли эҳтирос тили  
 Беайб қизга асти маълуммас:  
 Аммо унинг овози, у сас  
 Сал аниғу ажойиб эди,  
 Кўркинч эди, гаройиб эди.  
 Қандай ёшлиар, қандайдир фарёл  
 Бу хўрликдан айлади озод?  
 Не кутадир уни? Нахот, у  
 Колган аччик ёш кунларин, бу –  
 Асоратда ўтказадир хор?

Эй Худойим, эй Парвардигор!  
 Агар Гаройни бахтсизни мангу  
 У маҳбасда<sup>1</sup> унутса әди,  
 Ё гамлардан халос айлаб у,  
 Тез ўлимга юз тутса әди,  
 Қандай шодлик билан ғам түлган  
 Бу жахонни отар әди қиз!  
 Кўпдан ўтган ҳаётнинг лазиз  
 Лахзалари, кўпдан йўқ бўлган!  
 Не бор энди унга дунёда!  
 Вакти етди, куталар уни:  
 Катта очиб тинчлик қўйинини  
 Чакирарлар уни самода.

.....

Кунлар ўтди, кетди Мария,  
 Тарки умр этди Мария.  
 Кўпдан орзу этган оламни  
 Янги малак каби ёритди.  
 Аммо, уни, гўзал санамни  
 Нелар сиқди? Нелар ҳоритди?  
 Нечун, нечун даф этди тобут?  
 Нелар уни айлади нобуд?  
 Асоратми, ҳасратми, ғамми,  
 Эрксизликда тортган ситамми,  
 Касалликми ё бошқа бир сир,  
 Ким билади? Ўлмиш бехабар...  
 Латофатли Мария ўлмиш...

<sup>1</sup> Маҳбас – камоқхона, зиндон.

У ёш ғунча очилмай сўлмиш!..  
 Бўшаб колмиш тумайган сарой;  
 Уни яна қолдирмиш Гарой;  
 Яна ўзга қирғоқлар томон,  
 Ёвуз юриш бошламиш ёмон.  
 Тағин тўфон, бўронлар аро  
 Ғамгин учар қон кусиб хунрез.  
 Аммо, унинг юраги қора,  
 Оловланар унда бошка ҳис.  
 У кўп чоқлар тўқинишиларда  
 Қиличини тикка ушлар-да,  
 Яна бирдан қотиб коларди,  
 Жинниларча назар соларди  
 Атрофига бўзариб, гўё  
 Ваҳимага тўлгандай дили,  
 Алланслар ғўлдираб тили  
 Ёш тўкарди бамисли дарё.

Унутилган у содик ҳарам  
 Хон юзини кўрмайди бу дам;  
 Унда, азоб қўйнида маҳкум.  
 Совук мухсий қўлида мазлум,  
 Қаримоқда хотинлар ғамда.  
 Кўпдан улар ичра ҳарамда  
 Гуржи хотин кўринмас; уни  
 Мухофизлар дарёга отган,  
 Бечора сув остига ботган...  
 Князъ қизи маҳв<sup>1</sup> ўлган туни

<sup>1</sup> Маҳв – йўқолиш, йўқотиш.

Бажарилиб бу қонли сазо  
 Кўзин юмган Зарема... Эвоҳ,  
 Қандайгина бўлмасин гуноҳ,  
 Кўп даҳшатли бўлған бу жазо!

Кавказолди тупрокларини,  
 Русия тинч кишлокларини  
 Уруш билан килиб минг вайрон  
 Тавридага қайтиб келди хон.  
 Саройнинг чет бурчини сайлаб,  
 Марияга эсдалик айлаб  
 Мармарлардан ясатди фонтан.  
 Тепасига хоч ўрнатилмай,  
 Мусулмонлар ойи осилмиш.  
 (Бу албатта, бўлмагур бир иш;  
 Нодонликнинг айби бутунлай).  
 Ёвузлар бор, кечиб кўп йиллаб  
 Ҳали учиб кетмаган улар  
 Ҳали мармар ҳовуздан сувлар  
 Қирғоклардан тошиб гувиллар.  
 Тиним билмай, тўхтамай бир он  
 Дона-дона ёш тўкар фонтан:  
 Ўғли ҳарбда жон берган она  
 Худди шундай йиглайди ёна...  
 Ўтмишнинг бу ривоятини  
 У ёкларда қизлар билишган,  
 Сўнгра ғамгин ҳайкал отини  
 «Ёш фонтан»и, бўлсин дейишган.  
 Мен шимолни ташлаб ниҳоят,

Базмларни күнга унутиб,  
 Боғчасарой томон йўл тутиб,  
 Мудрок кўшкни қилдим зиёрат;  
 Халқ офати, жангари татар  
 Ишрат қилиб, базмлар қурган  
 Урушлардан сўнгра бехатар  
 Беками-кўст фароғат сурган  
 Тинч уйларда, боғларда сездим –  
 Ҳамон роҳат яшар куну тун;  
 Сувлар ўйнар, гул чечак отар,  
 Ток занглари товланиб ётар.  
 Деворларда яркирар олтин.  
 Мен у ерла тинмай ох уриб,  
 Йиғлаб, ҳақик<sup>1</sup> тасбех ўгириб.  
 Баҳорида яшнамай сўлган  
 Хотинларнинг макони бўлган  
 Панжарали дарчалар кўрдим,  
 Кунгурали парчалар кўрдим.  
 Кўрдим хонлар қабристонини;  
 Хўжаларнинг сўнг маконини.  
 Гўрлардаги мармар устунлар  
 Гўё тақдир ҳақида секин  
 Ҳазин-ҳазин таратиб унлар  
 Сўзлагандай туюлди... лекин,  
 Хонлар қани? Қайда у ҳарам?  
 Бутун атроф мукаддар<sup>2</sup> ва жим,  
 Ўзгармишдир... аммоқи, у дам

<sup>1</sup> Ҳақик – ақик: қизил рангли ялтироқ кимматбаҳо тош.  
<sup>2</sup> Мукаддар – ғамгин, маҳзун.

Бу билан банд эмасди дилим:  
 Оқ гулларининг майин нафаси,  
 Фонтанларнинг куйлаган саси  
 Жазб айлади, килди фаромуш,  
 Ихтиёrsиз, менда ақли хуш  
 Номуайян тўлкинга тушди.  
 Шунда сарой ичида бир киз  
 Соя каби сирли ва изсиз  
 Кўз олдимда липиллаб учди!..

Дўстлар, кимнинг соясин кўрдим?  
 Айтинг менга, мен сиздан сўрдим:  
 Дафъ маҳал бўлган у юмшок  
 Кимнинг шакли мени ўша чоғ  
 Таъкиб этган эди? Ким эди?  
 Ҳайҳот! Бутун атроф жим эди.  
 Мариянинг тоза жоними,  
 Ё, Зарема рашик билан тўлиб  
 Бўш ҳарамда бир кўлка бўлиб  
 Кўз олдимда ўтган оними?

Эсимдадир шундай бир чирой,  
 Худди шундай севимли нигоҳ...  
 Дил ўшанга кетар бутунлай,  
 Сургунда ҳам ғуссаси, эвоҳ,  
 Қалбимдадир, тилларимда – оҳ...  
 Эй ақлсиз! Бўлди! Энди бас.  
 Ғусса чекма, ҳеч фойда бермас.  
 Бебаҳт ишқнинг нотинч, ноилож

Оромнга бермишсан хирож  
 Хушиңгни йиғ, түсикларни буз  
 Токайгача сен ожиз маҳбус  
 Киншанларни ўпиб ётасан?  
 Токайгача енгил тор билан,  
 Бу оламда оху зор билан  
 Жунунингни ошкор этасан?  
 Мен музанинг<sup>1</sup> мухлиси, ёри,  
 Мен тинчликнинг мурид, хуштори.  
 Тезда бутун шуҳрат ўйлари  
 Ҳам севгини тамом унутиб,  
 Яна сизга томон йўл тутиб  
 Кўраман, эй Солғир<sup>2</sup> бўйлари!  
 Хотиралар асири бўлиб,  
 Мен бораман ўша ёқларга,  
 Денгиз бўйи баланд тоғларга.  
 Яна Таврид сувлари тўлиб  
 Хурсанд этар ҳарис кўзимни,  
 Ҳур сезарман яна ўзимни.  
 Сехрли юрт, дийда юпанчи!  
 Юрагимнинг эрка қувончи!  
 У ерларда ҳарна жонлидир:  
 Ўрмон, водий, гулистонлик кир,  
 Узумларки, ёкут, каҳрабо,  
 Тераклару сувлар салқини;  
 Эрта билан куёш ёлкини

---

<sup>1</sup> Муза – илҳом париси.

<sup>2</sup> Солғир – Кримдаги дарё.

Таралганда, эсганда сабо,  
Айиқ төғнинг айланасида  
Зангор ҳаво яркирар экан,  
Тиник, кўм-кўк сувнинг пастида  
Кизил нурлар барк урар экан,  
Тоғлар ошиб, қирғок йўллардан  
Учар экан йўлчининг тойи,  
Унинг ҳиссин ўнгу сўллардан  
Жазб этади бу ер чиройли!..



### *Жамол Камол таржимаси*

## **МОЦАРТ ВА САЛЬЕРИ**

**Драматик достон**

**I-саҳна**

*(Хона)*

**Сальери**

Дейдиларким, ерда асли чин ҳақиқат йўқ,  
Ҳақиқат йўқ аммо – ўша осмонларда ҳам.  
Бу бир оддий сарпардадек<sup>1</sup> мен учун равшан,  
Мен санъатга меҳру ихлос билан туғилдим:  
Бола эканимда қадим ибодатхона –

<sup>1</sup> Сарпарда – мусика асари бошланадиган асосий парда.

Оғүшида янграганда оханг – тарона.  
 Тинглар эдим, тинглар эдим берилиб, куйиб,  
 Юзларимдан ёшларимни маржондек куйиб.  
 Эрта кечдим эрмаклардан, хою ҳавасдан,  
 Кечдим илму амаллардан, донишу<sup>1</sup> дарсдан.  
 Ҳаммасини рад айладим, хулласи калом,  
 Ўзни ёлғиз мусиқага бахш этдим тамом,  
 Қийин бўлди биринчи йўл, биринчи қадам,  
 Мехнат билан машаккатга беролдим чидам,  
 Мен ҳунарни санъатга бир поя<sup>2</sup> деб билдим,  
 Ҳунар излаб, ҳунар истаб, ҳунарманд бўлдим;  
 Суръатлардан сабок бердим бармокларимга.  
 Бармокларим бўйсундилар қулокларимга,  
 Товушларни мурда каби чилпора қилдим,  
 Оҳангдошлиқ ҳикматига наззора<sup>3</sup> қилдим.  
 Куч-малака йиғиб, йиғиб тажриба – тайин,  
 Мен ижодий хаёлларга фарқ бўлдим кейин.  
 Иш бошладим сукунатлар қўйнида танҳо  
 Кўзим ҳали шухратларга етмасди аммо,  
 Баъзан уч-тўрт кунлаб ёлғиз жимжит ҳужрада  
 Уйку нима, таом нима – тамом тарқ этиб,  
 Илҳом қайғу-кувончини тамшаниб-татиб,  
 Ёзганларим ёндирадим, кўрадим шунда:  
 Мехнатларим бўлар эди бирпасда тутун.  
 Садоларим тутунларга ўраниб бутун...  
 Нимасини айтай? Ўша муazzам Глюк

<sup>1</sup> Дониш – илм, маърифат.

<sup>2</sup> Поя – мартаба, лаража.

<sup>3</sup> Наззора – караш, назар солиш.

Келиб очар экан бизга тохир<sup>1</sup> сирларни  
 (Йўқ, йўқ, тохир эмас, теран, соҳир<sup>2</sup> сирларни),  
 Унинг изларига ўзни ташламадимми?  
 Ниманидир севиб, жондан ишонган бўлсам  
 Ҳаммасини бирйўласи тарк этиб буткул,  
 Ўрмонзорда сарсон бўлиб адашиб юрган  
 Бир кимсадек нажот сари интилиб дадил,  
 Унинг йўлларидан ўзни бошламадимми?  
 Мен муттасил меҳнат, сабот, матонат билан  
 Санъат, нафосатнинг чексиз майдонларида  
 Юксак мақом, мартабага эришдим чиндан.  
 Шухрат менга кулиб бокди: йўл топа олди  
 Одамларнинг юрагига яратганларим.  
 Мен баҳтиёр эдим, зеро гаштин сурадим  
 Меҳнат, зафарларим, шону шухратларимнинг  
 Яна – ўртоқларим менга санъатдош бўлган  
 Дўстларимнинг меҳнат, зафар, маҳорат гаштин.  
 Йўқ! Мен ҳасал нима, сира билган эмасман.  
 О, ҳеч қачон! – Ҳатто ўша моҳир Пиччини...<sup>3</sup>  
 Ҳунар билан ёввойи у парижликларнинг  
 Кулогини сехру жоду этганида ҳам.  
 Ифигениянинг<sup>4</sup> дилбар ибтидо<sup>5</sup> саси.  
 Менинг кулогимга илк бор етганида ҳам,

<sup>1</sup> Тоҳир – пок, покиза.

<sup>2</sup> Соҳир – сеҳргар.

<sup>3</sup> Пиччини – итальян бастакори, унинг «Роланд» операси Парижда катта шов-шувга сабаб бўлган эди.

<sup>4</sup> «Ифигения» – Глюкнинг шу номдаги операсига ишора.

<sup>5</sup> Ибтидо – бош, бошланиш.

Қани, ким айтади, қачон мағрур Сальери  
 Ичикора ўлмиш, манфур ҳасадчи бўлмиш?  
 Иланг-билинг килиб мажрух илон сингари  
 Эзгиланиб ётмиш, оғзи тупрокка тўлмиш?  
 Ҳеч ким айтолмагай! Аммо ўзим айтаман,  
 Мен буғун бир ҳасадчиман. Ҳасад киласман:  
 Ҳасад мени азобларга қўймиш. – Ё фалак!  
 Қайда сенинг ҳакикатинг, азиз истеъодод,  
 Барҳаёт бир даҳо севги-садоқатгамас,  
 Мехнат – машаккатлар учун мукофотгамас,  
 Балки бир телбага насиб айламиш, ҳайҳот,  
 Бир дайдийи-девонага?.. О, Моцарт: Моцарт!

*(Моцарт киради)*

### Моцарт

Ана холос! Кўра қолди. Мен сени, дўстим,  
 Антика бир ҳазил билан сийламокчидим.

### Сальери

И-е, шундамисан! Қачон келгандинг?

### Моцарт

### Хозир.

Сенга бир нималар олиб келаётгандим.  
 Аммо ошхона олдидан ўтар эканман,  
 Фижжак ноласини тинглаб, тўхтадим бир дам...  
 Шунақа бир тасқараки, дўстим Сальери!

Йўқ, умрингда бунакасини эшитмагансан...  
Қараб боксам, ошхонада ожиз бир машшоқ  
*Voi che sepeteralap...*<sup>1</sup> Худди мўъжиза дейсан!  
Чидаб туролмадим, бошлаб бу ёкка келдим,  
Унинг санъатидан бир оз татиб кўр девдим.  
Хой, кира кол!

(*Фижжак кўтариб кўзи ожиз бир чол киради.*)

Ҳа, Моцартдан бирор нима чал.

(*Чол Дон-Жуан ариясини чалади, Моцарт  
қаҳ-қаҳ уриб кулади.*)

### Сальери

Шунга ҳам сен куласанми?

### Моцарт

Ахир, Сальери,  
Наҳотки сен ўзинг қулмай тура олсанг?

### Сальери

Йўқ.

Куломасман, бир нотавон сувокчи рўй-рост  
Рафаэлнинг Мадоннасин чизиб-бўяса,  
Куломасман яна, манфур бир масхарабоз

<sup>1</sup> «*Voi che sapote*» – итальянча: «Эй, сиз хабардорлар...». Моцартнинг «Фигаронинг уйланиши» операсидаги ария.

Адигери номусини ерга булғаса.  
Чол, бу ердан йўкол.

Моцарт

Бирпас шошма, буни ол,  
Менинг соғлигимга шароб ичкил.

(Чол кетади.)

Моцарт

Бутун кайфсиз кўринасан. Бошқа келаман,  
Бўлак фурсат топиб,

Сальери

Менга нима келтирдинг’?

Моцарт

Йўк – шунчаки, бекорчи гап. Кеча кечкурун  
Уйкусизлик қийнайвериб, битди бардошим,  
Ва бир-икки фикр келиб, банд этди бошим,  
Ушаларни коғозларга туширдим бугун  
Сенга чалиб бериб, фикринг сўрамокчидим,  
Аммо вактинг зикроқ экан.

Сальери

Эҳ, Моцарт, Моцарт!

Сен деганда қачон менинг вактим бўлмаган?  
Ўтири, Эшитаман,

## Моцарт

*(Фортепъяно чалишга шайланиб.)*

Бир зум тасаввур айла...

Кимни десамикин? Майли, масалан, мени –  
 Бир оз ёшрок бўлай аммо сенинг наздингда  
 Ва ошик ҳам бўлай, лекин ҳаддан зиёдмас,  
 Ҳамроҳим – бир гўзал ёки дўстим, сен ўзинг,  
 Шодман... Аммо-лекин – бирдан қора бир рўё,  
 Босириқ бир зулмат, хуллас, шундок бир нима...  
 Хўп эшитиб кўр-чи.

*(Чалади.)*

## Сальери

Шундок мўъжиза билан  
 Мен томонга келаётиб, нечук тўхтадинг?  
 Кўр машшокни нечук тинглай олдинг? – Ё Худо!  
 Моцарт, Моцарт, сен ўзингга лойик эмассан.

## Моцарт

Хўш, қалай, дурустми?

## Сальери

Теран, нақадар теран!  
 Ва нақадар шиддаткор ва нақадар маҳзун!  
 Моцарт, сен Худосан, ўзинг вokiф эмассан,  
 Буни мен биламан, мен.

Моцарт

А. Ростданми? Балким...  
Аммо очикқандир ҳозир Худовандлигим.

Сальери

Бўлмаса, юр, бориб бирга овқатланайлик  
Иккаламиз Олтин Арслон ошхонасига.

Моцарт

Майли... Мен розиман. Аммо уйга зув кириб.  
Хотинимга айтай, токи кутиб турмасин  
Тушликка нақ илҳақ бўлиб.

(Кетади.)

Сальери

Кутаман лекин.  
Йўқ. Мен монеъ бўлолмайман, бўла олмайман  
Такдир билан толеимнинг тақозосига.  
Уни тўхтатсин, деб мени қисмат танлаган,  
Йўқса, ёлғиз менмас – жиндак овоздор зот,  
Балки, биз ҳаммамиз – санъат гумашталари,  
Мусиканинг муридлари бўлурмиз ҳалок...  
Хўш, не фойда ахир, Моцарт барҳаёт қолиб,  
Янги чўккиларни яна этар экан забт  
У санъатни шунинг билан кўтарарми? Йўқ!  
У кўз юмар экан, яна йиқилар санъат;

У кўз юмар экан, бизга ворис қолдирмас,  
 Хўш, фойдаси надир унинг? Фаришталардек  
 Жаннат қўшиғини бир дам янгратиб хушхол,  
 Биздек хоки губорларни безовта этиб.  
 Яна юксакларга учеб кетмоқми алҳол!<sup>1</sup>  
 Учгил, кушим! Учар бўлсанг; тезрок уча кол.  
 Мана заҳар, Изорамнинг сўнгги эҳсони.  
 Үн саккиз йил бўлди асраб-аяйман ҳамон.  
 Ҳаёт менга укубатдир ўшандан буён.  
 Неча бора мен бепарво душманим билан  
 Даствурхонга ўлтирганман, шундок ёнма-ён.  
 Неча бора шайтон мени васваса қилган,  
 Аммо рад этганман, гарчи кўрқоқ змасман,  
 Гарчи ранжихотир бўлсам, бўлурман ёмон,  
 Гарчи тирикликка меҳри мухаббатим кам,  
 Нукул имилладим, нукул оркага сурдим,  
 Мени азобларга кўйди ўлим чанқоғи.  
 Хўш, ўлимдан нима фойда? Шундок ўйладим;  
 Ҳаёт янги эҳсонини бахш этар балки;  
 Балки менга ташриф этар ажиб бир суур,  
 Ажойиб бир хаёл, балки илхомий бир тун.  
 Балки янги Гайден чикиб олам яратур,  
 Мен ўшанинг завкларига чўмарман бутун...  
 Манфур меҳмон билан базми жамшид тузаркан,  
 Ўйлар эдим, балки қаттол душманим бир кун  
 Топарман деб, балки аччик ҳақорат-алам,  
 Кибру ҳаволардан магар сочса аланга,

<sup>1</sup> Алҳол – энди, ҳозир, шу пайтда.

Аскатарсан, дердим, ёрим эҳсони менга.  
Қандай ҳақ эканман! Мана, топдим ниҳоят,  
Ўша қаттол душманимни ва янги Гайден  
Обизамзам тутиб, мени сарафroz этди.  
Фурсат етди! Мухаббатнинг азиз эҳсони,  
Дўстлик қадаҳига кўчиб ўтгайсан энди.

## 2-с а х и а

(Оиҳонада маҳсус хона: фартеъяно.  
Моцарт ва Сальери ўлтиришибди)

Сальери

Бугун хомуш кўринасан?

Моцарт

Меними? Йўк, асло!

Сальери

Рости, нима бўлди, Моцарт, авзойинг бузук?  
Таом кўп тотимлик бўпти, мусаллас аъло,  
Сен оғзингга сув олгансан, қовоғинг солик.

Моцарт

Сенга айтсам, шу марсия деган дахмаза  
Мени жуда ташвишларга кўйди.

Сальери

А! Нима!

Сен марсия ёзмокдасан? Қачондан буён?

Моцарт

Уч ҳаftача бўлди. Аммо ажиб ҳодиса...  
Сенга айтмадимми?

Сальери

Йўк-йўк.

Моцарт

Тингла, бўлмаса,  
Бундан уч ҳаftача бурун, уйга кеч кайтдим,  
Мени бирор сўроклабди. Сабаби – мавхум.  
Ким бўлдийкин? Менга қандоқ юмуши бор, деб  
Ўша кеча ухламасдан, ўй суриб чиқдим.  
Эртаси кун тағин келиб йўқламиш мени.  
Учратолмай, қайтиб кетмиш. Учинчи куни  
Полда яйраб ўйнашардик ўғилчам билан  
Мени чакиришди. Чиқдим. Нотаниш одам,  
Худди бошдан-оёқ кора либос кийинган.  
Таъзим бажо айлаб, мендан илтимос қилди  
Бир марсия ёзишимни ва ғойиб бўлди.  
Мен пайсалга солмай, дархол киришдим ишга,

Лекин кора кишим сүраб келмади бошка;  
Мен хурсандман: нега десанг, марсия тайёр.  
Ундан жудо бўлмисш эса мен учун маҳол.  
Холбуки, мен ўшасиз ҳам шундок...

Сальери

Хўш, нима?

Моцарт

Буни икрор килиш кийин...

Сальери

Ахир, нимани?

Моцарт

Менга ором бермас, мени ҳолимга қўймас  
На кундуз, на кеча ўша кора одамим.  
Унинг назаридан холи кечмас бир дамим.  
Соя каби изларимдан эргашиб, қолмас,  
Назаримда у ҳозир ҳам учинчи бўлиб,  
Ўртамиизда ўлтиргандай.

Сальери

Бекорчи ваҳма!

Болаларча бу қўрқоклик каёқдан, ошна?  
Бу бўлмағур хаёлларни ҳайда. Бомарше

Менга айтардиким: «Эшит, дўстим, Сальери,  
Магар кора ўйлар сенга очаркан қулоч,  
Сен тортинмай сира, шампань шишиасини оч,  
Ё «Фигаро никохи»ни ўки бир карра».

Моцарт

Ҳа! Бомарше сенга дўсти қадрдон эди:  
Кадрдонлик ҳаки унга ёздинг «Тарара»<sup>1</sup>.  
Ажойиб бир асар. Унда бир тарона бор...  
Мен баҳтиёр дамларимда этаман такрор...  
Ла-ла-лала... Ҳа, кимнидир ўша Бомарше  
Захарлаган дейишади ростми, Сальери?

Сальери

Бўлмаган гап: бу хунарда оламда кулгу  
Бўлиши нақ тайин эди.

Моцарт

Даҳо эди у.  
Сену мендек. Даҳо билан қабоҳат асти  
Бир-бирига қовушмайди. Шундок эмасми?

Сальери

Шунаками?

(Моцартнинг стаканига заҳар солади)

Хўп, ича қол.

<sup>1</sup> «Тарара» – Сальери операси, матнини Бомарше ёзган.

Моцарт

Сөг бўл, оғайни,  
Нафосатнинг икки ўғли – Моцарт, Сальери  
Ўртасида қадрдонлик бор бўлсин.

(Ичади)  
Сальери

Шошма,  
Дейман, шошма! Ичиб бўлдингми!.. Менсиз?

Моцарт

(Сочиқни столга ташлаб)

Бас, кифоя, тўйдим.

(Фортепъяно томон юриб)

Энди, азиз Сальери.  
Марсиямни эшиш.

(Чалади)

Нима, йиғлаяпсанми?

Сальери

Ёш тўкаман биринчи бор шундоқ шашқатор:  
Азоб бахш этмоқда, аммо ҳузури ҳам бор.  
Гўёки бир оғир бурчим айладим адо,

Гүёки бир шифо тиги шарт кесиб ҳозир,  
Жароҳатли бир жойимдан айлади жудо.  
Дўстим Моцарт, бу кўз ёшлар... Э, яхшиси, кўй.  
Сен уларга парво қилма. Давом эт, давом,  
Юрагимни оҳангларга тўлдир батамом.

### Моцарт

Нафосатни ҳамма шундок ҳис этса эди!  
Йўқ-йўқ, унда дунё тугаб, бўларди адо.  
Унда тириклик деб ким ҳам бош котираради,  
Турмуш ташвишига ўзни этарди фидо.  
Ҳамма эркин санъатга бир бандада бўларди.  
Биз бекорчи баҳтиёрлар оз эрурмиз, оз,  
Манфур фойда – манфаатни рад эта билган,  
Воҳид<sup>1</sup> гўзалликка ёлғиз саждалар килган  
Неча аҳли ибодатмиз, неча аҳли хос.  
Ҳа, шундок эмасми? Бугун хастаман бир оз,  
Рухим алланечук оғир: бориб ухлайман.  
Хайр, сенга!

### Сальери

Саломат бўл.

(Ёлғиз)

Энди ухлайсан,  
Энди уйғонмасдан, узок ухлайсан, Моцарт!  
Аммо тўхта, наҳотки, у ҳак бўлиб чиқса,  
Мен даҳо бўлмасам? Ахир қабоҳат, даҳо

<sup>1</sup> Воҳид – якка, танҳо.

Бирга чиқишолмас. Йўқ. Бу ёлғон мутлақо:  
Ундоқ эса, хўш, анави Бонаротти-чи?<sup>1</sup>  
Ёки авом халойиқнинг чўпчагидир бу –  
Ватиканнинг ижодкори қотил эмасми?



### *Мирзо Кенжабек таржимаси*

### **«ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН»ДАН**

#### **Татьянанинг Онегинга мактуби**

Хат ёзурман сизга, не чора?  
Яна не ҳам айта олурман?  
Мен биламан, энди бир бора  
Қаҳрингизга балки қолурман.  
Лекин қаро бахтимга зора  
Кўриб зарра шафқатни раво,  
Кетмагайсиз ташлаб бенаво.

Сукут қилмок бўлгандим аввал;  
Ишонингиз, уялганим сиз  
Сира билмас здингиз, эсиз,  
Гар умидим бўлса эди сал  
Ҳафтада бир бўлса ҳам якка

<sup>1</sup> Бонаротти – Микеланжело. Ривоятларга караганда, у жон бераетган Исони габии тасвирлаш ниятида ўзига нусха бўлиб турган кишини ўлдирган.

Бу кишлоқда сизни кўрмакка.  
 Эшитолсам гуфторингизни<sup>1</sup>.  
 Бир сўз десам, кейин бетокат  
 Кеча-кундуз ўйласам факат,  
 Факат яна дийдорингизни.  
 Одамови эмишсиз аммо,  
 Таскин бермас кишлоқжой сизга.  
 Бизлар... жозиб эмасмиз асло,  
 Лекин шодмиз ташрифингизга.

Биз ёкларга келдингиз нечун?  
 Кимса билмас кишлоқ, овлоқлар,  
 Бунда сизни билмасдим бутун,  
 Билмасдим – не аччиқ кийноқлар.  
 Балки, мурғак жонда титроқлар  
 (Кайдам) бир кун босилиб яна,  
 Бир дўст топиб ўзимга лойик,  
 Бўлармидим вафодор қайлик  
 Ва меҳрибон, мушфик бир она.

Бошқаси!.. Йўқ, ҳеч ким дунёда  
 Ололмасди кўнглимни менинг.  
 Ҳукм ўқилган Арши аълода,  
 Фалак амри: мен – сенинг, сенинг.  
 Бутун умрим сен билан гўё  
 Учрашувнинг танҳо гарови.  
 Билдим, сени юборган Худо,

<sup>1</sup> Гуфтор – сўз, нутқ.

Ўлгунимча ўзинг панохим...  
 Кўринардинг гоҳ тушларимда,  
 Сен гойибдан бўлдинг қадрдон,  
 Ўт нигоҳинг ўртади ёмон,  
 Қалбим аро товушларингда  
 Янграп эди... Йўқ, туш эмас бу!  
 Кўриндингу танидим-қолдим.  
 Беҳол бўлдим, ловуллаб ёндин  
 Ва хаёлан дедим: мана шу!  
 Чин эмасми, мен кулоқ солдим:  
 Биз гаплашдик сукут дамида,  
 Мен гадога инъом берган чоғ,  
 Ибодат-ла ором берган чоғ  
 Ҳаяжонли дилим ғамига!  
 Худди ўшал лаҳзала, оё,  
 Сен эмасми, эй азиз рӯё,  
 Коронғида чақнаб кўринган,  
 Болишимга эгилган аста?  
 Сен эмасми, меҳру ҳавасда  
 Лабда умид сўзи уринган?  
 Кимсан ахир, панохиммисан,  
 Ва ё бир шум бераҳммисан? –  
 Ёзгил шубҳа-гумонларимни.  
 Ёки булар бари бекарор  
 Мурғак қалбим ёлғонларими!  
 Ё бошқа гап пешанамда бор...

Бўлса-бўлсин! Бугундан бошлаб  
 Такдиirimни сенга топширдим

Ва кошингда кўзларим ёшлиб,  
 Ҳимоянгни сўраб бош урдим...  
 Тасаввур кил: мен бунда якка,  
 Ҳеч ким мени тушунмай қолди,  
 Ҳатто аклу ҳушим ҳам толди,  
 Махкумдирман жимжит ўлмакка.  
 Мен кутаман, бир назар билан  
 Умидимни қалбда тиргизгил,  
 Ёки оғир тушимни бузгил  
 Эвоҳ, хақли бир ғазаб билан!

Битди! Қайта ўқийман – даҳшат...  
 Номус, қўрқинч ичра музлар дил...  
 Имонингиз – менга кафолат,  
 Топшираман ўзимни дадил...

### Онегиннинг Татьяна га мактуби

Мен биламан, таҳқирлар сизни  
 Ушбу мунглуғ сирлар баёни.  
 Беомон бир ғазаб тӯфони  
 Чулгар мағрур нигоҳингизни!  
 Не истарман? Не мақсад билан  
 Дил очурман сизга bemalol?  
 Аччик, заҳар кулгига, билмам,  
 Мен йўл бериб қўйдим, эҳтимол.  
 Ногоҳ сизни учратиб бир кез,  
 Мехр нурин пайқадим-у, тез  
 Ишонмокқа чоғланмадим ҳеч:

Хуш одатим йўли беркилди;  
 Мен ўзимнинг дилгир эркимни  
 Йўқотмоқни хоҳламадим ҳеч.  
 Яна бир ҳол айирди бизни...  
 Курбон бўлди Ленский, абор...  
 Дилга якин ҳар нимаки бор,  
 Шундан кейин кўнглимни уздим.  
 Мен ётсираб юрдим. Азоб бу.  
 Ўйладимки эрк, ором – танҳо  
 Бахтга эваз бўлур. О, Худо!  
 Қандай хато, қандай жазо бу!..

Йўқ, йўқ, сизни кўрмоқ сафоси,  
 Изингиздан колмай қувламок,  
 Лаб кулгисин, кўзлар имосин  
 Ошик кўзлар ила овламок.  
 Хўб термилмоқ сизнинг жуссага,  
 Дилдан туймоқ – не камолот бу,  
 Каршингизда котмок ғуссада,  
 Бўзармоқ ва сўнмоқ... роҳат бу!

Мен шундан ҳам маҳкумман, фақат  
 Судраламан айлаб таваккал;  
 Кун – ғанимат, соат – ғанимат,  
 Мен-чи, исроф этаман маҳтал  
 Тақдир санаб берган кунларни,  
 Азал захми зўрдир уларнинг.  
 Мен биламан, умримда бор ҳад;  
 Лекин уни чўзиб турмокка

Тонгда амин бўлмоқлигим шарт  
Кундуз куни сизни кўрмокка...

Кўркаман, бу мўмин ўтинчда  
Нигохингиз кўрмасин яна  
Манфур макр-хийлани ҳеч-да,  
Килмангиз ҳам ғазабкор таъна.  
Билсайдингиз, нақадар даҳшат  
Муҳаббатга зорлик жаҳонда;  
Ёнмок, ақл ила ҳар соат  
Туғёнларни сўндиrmоқ конда;  
Тизларингиз армондир кучмок;  
Нола айлар пойингизда зор  
Илтижою надомат сочмок,  
Тўкмок, дилда яна неки бор.  
Ваҳки, сохта сиполик билан  
Куролланмиш нутқу нигоҳим;  
Заруратан сўйлашиб сокин,  
Бокгум сизга шодонлик билан!..

Ўзимга зид бормоғим оғир;  
Ночордирман ушбу кезда ман;  
Қарорим шул, измингиздаман,  
Мен тан бердим тақдирга охир.

# ҲИКМАТЛАР



## «ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН»ДАН

*Oйбек таржимаси*

Замон-ла бекорга баҳслашмоқ нечун?  
Инсонларда одат мустабид ҳоким.

\* \* \*

Хис этган кимсага солар ҳаяжон  
Қайтиши имконсиз кунлар шарпаси.

\* \* \*

Бутун шоирлар  
Хаёлчан севгининг дўстидир.

\* \* \*

Дерлар, бўйдоқликда йўқдир нашъа – шан.

\* \* \*

Узим иқрор бўлай, одамлар кўп вакт  
Бекорчиликдан дўст тутинар факат.

\* \* \*

Оила ўчоғи хушроқдир албат.

\* \* \*

Ёмонлик ҳамиша тортарди жазо,  
Яхшилик гултожга бўларди сазо.

\* \* \*

Ишвакор хонимлар ўйлар совуккон.

\* \* \*

Тақдирда ёзилган ўзгармас асло.

\* \* \*

Қанча оз мұхаббат қўйсак хотинга,  
Ёқамиз унга биз шу қадар осон.  
Афсунгар тўрларга шунчалик инжа  
Чулғаб мавҳ этамиз уни бегумон.

\* \* \*

Мунофиқлик кимни бездирмас, айни –  
Нарсани турлича киласорок такрор,  
Кўл чоқдан ҳаммага маълум нарсани  
Викор-ла уктириш ким учун даркор.

\* \* \*

Кимни бәздирмайды таҳдидлар тоши.

\* \* \*

Дунёда ёмонрок яна нима бор  
Шундай оиласдан, унда иложсиз  
Бир хотин нолойик эрдан йиғлаб зор,  
Кундуз ҳам, окшом ҳам ўтирап ёлғиз.

\* \* \*

Ёш киз алмаштирап күп маргаба чин  
Хаёллари билан енгил фикрини.

\* \* \*

Үзни тутишни-да ўрганмок даркор.

\* \* \*

Офатга элтади тажрибасизлик.

\* \* \*

Дунёда ҳар кимда бўладир душман,  
Факат, Раббим, ўзинг дўстлардан асра!

\* \* \*

Бўлур шундайин чиркин бир тухмат:  
Уни тўкир кабих ёлғончи шайтон,

Жоҳил кибор килар уни хўб чакқон:  
 Бўлур шундай тагсиз, пучак уйдирма,  
 Бўлур энг беадаб, ифлос ҳажвия –  
 Ки, уни дўстингиз тиржайиб беор,  
 Оддий воқеани сўзлаган каби  
 Дун-дуруст одамлар ичра ҳар гали  
 Билар-билмас, юзлаб қилади такрор.  
 Ҳолбуки, у сиз-чун суянган тоғдай,  
 Сизни шундай севар... нақ туғишгандай.

\* \* \*

Нафис гўзалларнинг севгиси лекин  
 Дўстликдан, уруғдан ишончлироқдир:  
 Қизғин бўронда ҳам ишкнинг тизгинин  
 Қўймаймиз ва сизнинг томонда ҳақдир.

\* \* \*

Ишкни, кўшикларни тұғдирған жонон  
 Ёқимли, хуморкўз бир маликага,  
 Ўз хаёлларини ўкиб бсрмак-ла,  
 Камтар ошиқ сезар бир лаззат ҳар он.

\* \* \*

Ўн саккиз ёшларда севгига доир  
 Ёшлиқ ҳавасларин афв этиш мумкин.

\* \* \*

Ҳаклидир тақдир конуни.

\* \* \*

Муборакдир заҳмат, ташвишли кун ҳам,  
Муборакдир зулмат ёпинган тун ҳам!

\* \* \*

Калбаки уятдан кўрқадилар зўр.

\* \* \*

Нак шундай! Парвосиз бир унутилиш  
Қабрга кирганда бизни кутади.

\* \* \*

Кенгликни севган ақл юракни сикар?

\* \* \*

Хар қандай гап-сўзни жуда кўп замон  
Чинакам амал – иш дея таниймиз.



### *Мирзо Кенжабек таржимаси*

\* \* \*

Ёшлик – ўтли, беором фасл.

\* \* \*

Замон билан довлашув нечун?! –  
Урфу одат – инсонга ҳоким.

\* \* \*

Айтиб ўтай, барча шоирлар  
Бир хаёлкан севгига ёрдир.

\* \* \*

Биз барчани йўқ санаймиз-да,  
Якто<sup>1</sup> деймиз бир ўзимизни.

\* \* \*

Гувлаб турган олов ёшлик ҳам  
Хеч нарсани яширмас алҳол.  
Ғараз, севги, қайғу, шодлик ҳам  
Ёнишларда фош бўлур дарҳол.

\* \* \*

Кўникума бу – фалакдан ато,  
Бахт ўрнини босур бехато.

\* \* \*

Э воҳ, дунё меҳмонхонаси!  
Унда оний ўримдек бирдан  
Илоҳий бир ирода бирлан  
Унар, пишар, қулар бир насл,  
Боз<sup>2</sup> авлодлар келур муттасил...

<sup>1</sup> Якто – якка, ягона.

<sup>2</sup> Боз – яна, тагин.

\* \* \*

Ҳаёт ила масть яшангиз, шод,  
Кувнанг, дүстлар, ғаниматдир дам!

\* \* \*

Ерга тушган бир дона бүгдой  
Бахор боис жонланур чүңдай.

\* \* \*

Кимни охир бэздирмас риёс.

\* \* \*

Ғамга йўллар тажрибасизлик.

\* \* \*

Ҳар кимда бор дунёда ғаним,  
Лекин, Тангрим, дүстлардан асра!

\* \* \*

Касб этгайдир сирли латофат  
Дахшат, қўркув ичра ҳам гўзал.  
Зиддиятга мойил табиат  
Бизни шундок яратмиш азал.

\* \* \*

Корнимиз энг тўғри соатдир.

\* \* \*

Кариганда ҳаёт тўла ғам.

\* \* \*

Үз вактида улғайган баҳтли,  
Ёшликда еш бўлган баҳтлидир,  
Чидаб ҳаёт захрига асли,  
Бардоши тош бўлган баҳтлидир.

\* \* \*

О, инсонлар! Ҳаммангиз азал  
Ўхшаркансиз Момо Ҳавога:  
Наки сизга кўрилмиш раво –  
Бахра бермас; чорлар аждаҳо  
Сирли дараҳт – сирли дунёга;  
Сизга тақиқ меваси басдир;  
Жаннат усиз жаннат эмасдир.

\* \* \*

Мухаббатда ёшу қари – тенг,  
Лек навкирон, маъсум юракка  
Худди баҳор ёмғирларидек  
Севги авжи бергай барака:  
Дилни ювиб хислар ёмғири,  
У янгориб, ўсар охири.  
Сўнг бахш этур бу кодир ҳаёт  
Шукухли гул, месваю баёт.  
Ёш бир жойга етиб, биз сари  
Хазон фасли яқинлашган дам  
Ўлик хислар оқибати – ғам.

# ТУРЛИ АСАРЛАРДАН



## *M. Аҳмад таржимаси*

Танкид – санъат ва адабиёт асарларидағи гүзәллик ва нұқсонларни очиб берувчи фан.

Танкид танкидчининг санъаткор ёки ёзувчи ўз асарларида құллайдыган қоидаларни мукаммал билишига, намуналарни чукур үрганғанлығига ва замонавий гүзәл ҳодисаларни фаол күзатиб боришига асосланади.

\* \* \*

Ҳақиқий нозик дил у ёки бу сўзни ўйламайнетмай рад килишда эмас, балки шунга мос ва уйғун туйғуда намоён бўлади.

\* \* \*

Ёзувчидаги бирёкламалик, ҳар қанча чукур мазмунга эга бўлмасин, унинг аклан бирёкламалигини кўрсатади.

\* \* \*

Икки хил маъносизлик бор: бири сўз ўрнини босадиган ҳис ва фикрнинг стилемаслигидан ке-

либ чикади: иккинчиси – хис-ҳаяжон ва фикр туғён килиб, уларни ифодалашга сўз топилмас-лиги туфайли пайдо бўлади.

\* \* \*

Кадимий кўшикларни, эртакларни ва ҳоказоларни ўрганиш тил хусусиятларини билишда жуда мухимдир. Танқидчилар бундан бекор ҳазар қиласидилар.

\* \* \*

Сўзлардан гап тузишда тил нақадар битмас-туғанмас имконларга эга бўлса, тушунчаларни англаб етишда акл-идрок ҳам шундай кенг имконларга эга.

\* \* \*

Ота-боболарнинг шуҳрати билан фахрла-ниш нафакат мумкин, балки лозим ҳам: уларга бехурмат бўлиш эса шармандаларча кўркокликдир.

\* \* \*

Эркакларни хоҳлаганингизча сўкинг, иллатларини фош килиб ташланг – бирортаси бош кўтариб нима қиляпсан деб сўрамайди. Лекин гўзал жинсга ҳажвий оҳангда бир сатр битингчи – аёл зоти борки, бари бир бўлиб устингизга

ёпирилади – бундай пайтда улар бир халқ, бир табака бўлиб курашга отланадилар.

\* \* \*

Кс. аллақайси бир асарни ахмокона ёзилган деди. – Буни нима билан исбот қила оласиз! – Жуда осон, – соддадиллик билан ишонтирди у, – бундай асарни мен ҳам ёза оламан.

\* \* \*

Буюк одамларнинг ўз ҳаёти ҳакида ёзганларини севиб, талашиб ўкишимизнинг сабабларидан бири – бизнинг худпарастлигимиздир: кайси бир жиҳатдан бўлмасин – фикрдами, туйғудами, киликлардами ва ҳатто камчилик-иллатлардами – ўша атокли одам билан ўзимизнинг ўртамиизда ўхшашлик топа олсан, жуда хурсанд бўламиз. Мабодо майда, бечораҳол одамлар ҳам ўз ҳаёти ҳакида мана шундай ёзувлар ёзиб колдирганларида эди, ўзимиз билан уларнинг фикрлари, киликлари, нуксонлари орасида бундан ҳам кўп ўхшашлик топган бўлур эдик.

\* \* \*

Одлий халкнинг ўзаро сўзлашув тили ҳам теран тадқикотларга арзийди. Биз ҳам ахён-ахёнда москвалик косиблар сухбатига кулок тутиб турсак ёмон бўлмасди. Улар ҳайрон коладиган дараҷада тоза тилда гапирадилар.

\* \* \*

Ҳасад – агар яхши ниятдан бўлса. – мусобака парисидир.

\* \* \*

Майда ва бирёклама танқилга бўйсунадиган адабиёт нафратга лойикдир.

\* \* \*

Энг олий жасорат бор: бу, ниятлар ижодий тафакур билан чирмashiб-бирикиб кетган кашфиёт жасорати, яратиш жасорати, – Шекспир, Данте, Мильтон, «Фауст»даги Гёте, «Тартюф»даги Мольер жасоратлари мана шундай жасоратдир.

\* \* \*

Такрор айтилган ўткир сўз тўмтоқлашади.

\* \* \*

Аниклик ва қисқалик – насрнииг бош фазилатларидир. Наср фикр, фикр талаб килади – фикр бўлмас экан, гўзал иборалар сарик чакага арзимай колади: шеър бошқа гап (аммо шоирларимиз ҳам шеърларида ҳадеб сийкаси чикқан фикрларни келтиравермасдан, ундан кўра, муҳимрок ғояларни олиб кирсалар ёмон бўлмасди. Ўтиб кетган ёшлик хотиралари билан адабиётимизни олға силжитиб бўлмайди).

\* \* \*

Зийрак дегани, бу ҳали ақылли дегани эмас. Ахмоклар ва ҳатто ақлдан озғанлар ҳам хайрон коларлы даражада зийрак бўлишлари мумкин. Яна шуни қўшимча килиш керакки, зийраклик хусусияти даҳо билан – одатдаги содда, улуғвор феълли, очик қўнгилли даҳо билан – камдан-кам ҳолларда эш бўлади.

\* \* \*

Пётр I шундай деган: «Бахтсизликдан кўрқкан баҳтга етишолмайди».



### *Шарифа Абдураззокова таржимаси*

Бахтсизликни яхши мактаб дейдилар, балки шундайдир. Лекин энг яхши дорилфунун баҳтда мужассам. У эзгулик ва гўзалликка қодир қалб тарбиятини нихоясига етказади.

\* \* \*

Ғийбат исботланмагандага ҳам деярли бир умрга доғ қолдиради.

\* \* \*

Фикр! Буюк нарса! Инсоннинг улуғворлиги ҳам фикрдан бўлмай нимадан?

\* \* \*

Ўқиши – энг яхши таъзим. Буюк алломанинг фикрига эргашиш энг мароқли илмдир.

\* \* \*

Зўр тасаввур буюк билимни такозо этади.

\* \* \*

Аждодларга хурматсизлик ахлоқсизликнинг биринчи белгисидир.

\* \* \*

Ёшлик – буюк афсунгар.



### *Мактубларидан*

Одамларга сен ўзингдан келиб чиқиб баҳо берма.

\* \* \*

Ҳомийлардан коч, негаки, ҳомийлик кўрсатувчилар ғурурингни поймол киласди ва таҳкирлайди.

\* \* \*

Аёлларни қанча кам севсак, уларни бўйсундиришимиз осон кечади.

\* \* \*

Ҳеч қачон ҳакоратга ҳакорат билан жавоб кайтарма.

\* \* \*

Бахтни ҳамма юрадиган йўлдан юрибгина то-пиш мумкин.

\* \* \*

Ҳеч қачон қарз кўтарма, яхиси мухтожликка бардош бер, ишон, мухтожлик сира одамлар тасаввур килганчалик қўркинчли эмас, ҳар холда мухтожлик шармандаликтан ёки шунга ўхшаш ҳолга тушиб, гап-сўз бўлгандан кўра тузук.

\* \* \*

Даҳо бир назар ташлашдаёк ҳакиқатни кашф этади.

# МУНДАРИЖА

Эргани Очилов. Пушкин даҳоси ..... 3

## ШЕЪРЛАР

Булбул ва гул .....	12
Банди .....	12
Олегнинг фоли тўғрисида кўшик .....	13
Қиши кечаси .....	18
Сизни севған эдим .....	19
«Тикиламан...» .....	19
Гул .....	20
Куйлама ёнимда .....	20
«Сибирь конларининг тагида...» .....	21
Бокчасарой фонтани .....	22
Чаадаевга атаб .....	23
Пушчин альбомига .....	24
Қора шол .....	25
Романс .....	26
Кўшикчи .....	29
Истак .....	30
Элегия .....	30
Бўрон .....	32
1827 йил 19 октябрда .....	32
Тумор .....	33
Сувга чўккан одам .....	34
«Шовкини кўчада...» .....	37
Акс садо .....	39

«Бас, етар...» .....	39
Булут .....	40
Лўлилар .....	40
Булбул .....	41
«Мен сизга ачинмайман...» .....	42
«Кечиравмиカンсан...» .....	43
... га .....	44
«Агар сени алдаса ҳаёт» .....	45
Орзу оташи .....	45
Видолапшув .....	46
... га .....	47
Ўйладимки .....	47
Ватан соҳилларида .....	48
Элегия .....	49
Сингиллар ва акалар .....	50
Аломатлар .....	54
«Жонажон юргининг...» .....	55
Кўйдирилган мактуб .....	55
Елвориш .....	56
Сув париси .....	57
Шоир .....	59
Кавказ .....	60
Мехнат .....	61
Ўсмирга .....	61
Гайдук Хризич .....	62
Будрис ва унинг ўғиллари .....	63
Кишки йўл .....	66
«Шундай эди...» .....	67
Чол .....	68
Кўз ёши .....	68
Дўстлик .....	69

Күшча .....	69
Сен ва сиз .....	70
Хофиздан .....	70
Эпиграмма .....	71
Эпиграмма .....	71
Карлар .....	72
Үтинч .....	72
«Хаммаси тугали...» .....	73
Ҳикмат .....	73
Янгилик .....	74
Тўғри башорат .....	74
Демон .....	74
Шоирга .....	75
«Орамизда яшаганди ул...» .....	76
«Жанглар маълум...» .....	77
Ўч олиш ҳақида .....	77
Куръондан иқтибос .....	78
Дўстларимга .....	85
«Танишдир менга жанг...» .....	87
«Гуржистоннинг дардларин, гўзал...» .....	87
...га .....	88
«Асра мени, асра, туморим...» .....	88
«Тасодифий, беҳуда химмат...» .....	89
«Тентийманми кўча...» .....	90
«Оздирмагил ақлдан, Худо...» .....	91
«Фавворалар салқинидан дур...» .....	92
«Подшога дедилар...» .....	93
«Сенга ҳавас киласман...» .....	94
Фаришта .....	94
Ҳалок бўлган рицар .....	95
Ҳайкал .....	96

Тикланиш	97
«Сенга исим менинг»	98
Жўраларга	99
... га	99
Икбол	100
Оят	101
Пайғамбар	101
Элегия	103
Этиқдўз	103
Дарё ва доно	104
Ўзимга марсия	104
Зар ва тиг	105
Ёш киз ва қари ошиқ	105
От	106
Шоир ва одамлар	106
Рашқчи қиз	107
Циклон	107
Нега?	107
Камчи	108
Севги	108
Е.П. Полторацкаяга	109
Павел Вяземский альбомига	109
Васф	109
Ф.Тга жавоб	109
Куръон мутолааси	110
Анна Н. Вульфга	110
Дўстлик	111
Эпиграмма	111
Ишқ иклими	111
Илк севги	111
Тун	112

— ◆ — ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДАРДОНАЛАРИ ◆ —

Сүнгти учрашув .....	112
Умр баҳори .....	112
Эпиграмма .....	113
Тушкунлик .....	113
М...га ишкий багишлов .....	113
Сосницкаянинг альбомига .....	114
Лилага .....	114
К...га .....	114
Шоир ўлимига эпиграмма .....	115
Шифохона деворидаги ёзув .....	115
Альбомга .....	115

ДОСТОНЛАР

Бокчасарой фонтани .....	116
Моцарт ва Сальери .....	142
«Евгений Онегин»дан .....	157

ХИКМАТЛАР

«Евгений Онегин»дан .....	163
Турли асарлардан .....	171

*Адабий-бадиий нашр*

**Жаҳон шеърияти дурлоналари**

**Александр Сергеевич Пушкин**

**ЭСИМДАДИР АЖИБ ДАМ ҲАЛИ**

Муҳаррир *Анвар Шер*

Рассом *А. Бурхонов*

Бадиий муҳаррир *Р. Зуфаров*

Техник муҳаррир *У. Ким*

Мусаххих *Ш. Орипова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Тугушева*

Нашриёт лицензияси А1 № 158, 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 08.02.2012. Офсет көғози.

Бичими 70×90<sup>1/2</sup>. «Times» гарнитураси.

Офсет усулида босилди. Шартли б.т. 6,73. Нашр т. 5,77.

Адали 3000 нусха. Буюртма № 11-255.

Бахоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [iptd.uzbekistan@mail.ru](mailto:iptd.uzbekistan@mail.ru)

[www.iptd.uzbekistan.uz](http://www.iptd.uzbekistan.uz)

**Пушкин, Александр Сергеевич.**

П196 Эсимдадир ажиг дам ҳали / А.С. Пушкин:  
тўпловчи, сўз боши ва изохлар муаллифи:  
Э. Очилов. – Т.: «O'zbekiston», 2012. – 184 б. -  
(Жаҳон шеърияти дурданалари).

**ISBN 978-9943-01-759-7**

Улут рус шоири Александр Сергеевич Пушкин ўзбек маданий-адабий ҳаётининг таркибий кисмига айланиб кетган бўлиб, адаб асарлари бир неча авлод таржимонлар томонидан қайта-қайта таржима килиниб келмоқда. Ушбу тўплам унинг ўзбек тилига ўгирилган ҳассос шеърларининг энг сара иамуналари, шунингдек, Усмон Носир таржимасидаги «Боғчасарой фонтани» достони, Жамол Камол таржимасидаги «Моцарт ва Сальери» драматик достони, «Евгений Онегин» шеърий романидаги гўзал лирик парчалар ва турли асарларидан саралаб олинган хикматлари асосида тузилди.

**УДК: 821.161.1-1**

**ББК 84(2 Рос-Рус)1**



4500 e



---

3

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-759-7



9 789943 017597